

ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

10–12 май кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар X Республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу каби тадбирлар илм-фан ютуқларини амалиётга жадал жорий этиш борасида катта аҳамият касб этади, албатта.



Жорий йилги ярмаркада қишлоқ хўжалиги фани ва амалиёти бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ва олий таълим муассасалари томонидан 95 та янги инновацион ишланмалар намойиш этилди.

Мазкур ишланмалар қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари, бирламчи уруғчилиги ва уларни самарали етиштириш агро-технологиялари, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашдаги ресурс ва сувтежовчи технологиялар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг такомиллашган усуллари, ирригация ва мелиорациянинг замонавий янгиликлари, кичик сув ҳавзаларида балиқ етиштиришнинг интенсив технологияси, маҳаллий хомашёлар асосидаги янги ветеринария препаратлари, энергия тежамкор қишлоқ хўжалик техникалари ва техника воситаларидан иборат бўлди.

— Ярмарка давомида вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан фермер хўжаликлари ва бошқа буюртмачилар ўртасида 250 дан ортиқ, жами 3,7 млрд. сўмлик ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. — дейди Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг Илғор агротехнологияларни амалиётга жорий қилишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Бахтиёр Комилов. — Бу борада Дон ва дуккакли экинлар ИТИ 646,5 миллион сўмлик 45 та шартнома, Ветеринария ИТИ 436,1 миллион сўмлик 29 та шартнома имзолаб, самарали натижаларга эришди.

Шу ўринда вазирлигимиз тизимидаги олий ўқув юрғларининг ярмаркадаги иштирокига алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз.

Тошкент давлат аграр университети томонидан 28 турдаги ишланмалар тадбир иштирокчиларига тақдим этилди ва 540,2 миллион сўмлик 24та шартнома имзоланди.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда лимон етиштириш оммалашиб бормоқда, — дейди ТошДАУ доценти Нуриддин Фахриддинов. — Бу биз олимларнинг зиммамизга ҳам кат-

та масъулият юклайди. Келгусида ўзимизнинг бор билим ва тажрибаларимизни янада оммалаштириш учун ғайрат қилмоғимиз тақозо этилади. Мазкур жараёнда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали жамоаси биз олимлар билан деҳқон аҳли ўртасида мустақам кўприк бўлиб хизмат қилаётгани таҳсинга сазовор...

Анжуман давомида Тошкент ирригация ва мелиорация институти деҳқон ва фермерлар ҳамда бошқа буюртмачилар билан 753,0 миллион сўмлик, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 491,0 миллион сўмлик, Андижон қишлоқ хўжалиги институти эса 415,0 миллион сўмлик шартнома имзоландилар.

— Биз ўзимиз яратган, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамкор бўлган кузги ғалла экиш учун янги универсал сеялкамизни намойиш қилияпмиз. — дейди Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти Абдурашид Жаҳонгиров. — Фермерларимизнинг бизнинг сеялкамизга қизиқиши юқорилигидан хурсандмиз. Яратаётган янгиликларимиз деҳқон ва фермерларимизнинг оғирини енгил қилишда асқотса, демек меҳнатимиз, изланишларимиз беҳуда кетмапти экан.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан эълон қилинган йўналишлар (номинациялар) танловида Тошкент давлат аграр университетининг Н.Фахриддинов раҳбарлигида яратилган цитрус ўсимликлари кўчатларини яшил қаламчалардан сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда кўпайтириш технологияси “Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши илмий ишланма” номинациясига сазовор бўлди.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти Халқаро интеллектуал мулк ташкилотининг Фахрий ёрлиғи, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти “Энг фаол иштирокчи” сифатида Фахрий ёрлиқ, ёш олим-

лардан 12 нафари эса “Энг фаол ёш иштирокчи” сифатида махсус сертификат билан таъдиланди.

Ярмарка ишида ўз ишланмалари билан фаол қанташган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабалар тадбир ташкилотчилари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фан ва технологиялар агентликлари томонидан махсус диплом ва сертификат билан таъдиланди.

Ғолибликни қўлга киритган тадбир иштирокчилари “Агробанк” АТБ нинг Тошкент шаҳар филиали ва “Ўзбектелеком” АК томонидан сертификат ва пул мукофотлари билан ҳам рағбатлантирилди.

Шунингдек, ярмарка доирасида ташкил этилган III Тошкент Халқаро инновацион форумида Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатлар, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари иштирок этди.

Форум иштирокчилари ривожланган давлатларнинг инновация тизимлари ва ушбу йўналишдаги тажрибалар, мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш истиқболлари, инновацион иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар X Республика ярмаркаси илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасида йўлга қўйилган яқин кооперация алоқаларининг яққол намунасига айланди ва иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини инновацион ривожлантириш, мамлакатимизнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

ҒАЙРАТ ҒОЛИБЛИК КЕЛТИРДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус - 2017" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилда ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 576 тадбиркорлик субъекти иштирок этди. Ҳакамларнинг юқори баҳолаганига сазовор бўлган 41 иштирокчи "Ташаббус — 2017" кўрик-танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Бири иккинчисидан қолишмайдиган тақдиротлар билан танишар экансиз, қўнглингиздан "иштирокчиларнинг ҳаммаси ғолибликка арзийди", деган фикр кечади. Зеро, давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлар, фермер, тадбиркор ва хунарамандларнинг изланишлари, самарали меҳнати бу борадаги рағбатни таъминламоқда.

"Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор", "Йилнинг энг яхши экспортчиси" ва "Республика ички бозорида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиққанлик учун" каби номинациялар ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Асосий номинациялар ғолибларига Президентимиз соврини - "Spark" автомобили, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар совриндорларига қимматбаҳо соғалар топширилди.

— Ҳукуматимизнинг деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари биз чорвадорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди танлов ғолиби Фахриддин Исмоилов. — Нагигада насли чорвачилик фермер хўжаликларининг ривожлани-



ши, хусусан чорва бош сони кўпайиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланиши таъминламоқда. Хўжалигимиз 2006 йили тумандаги собиқ "Тошкент" ширкат хўжалиги суттовар фермасида 333 бош қорамол билан фаолиятини бошлаган. Иштироқчи кредитлар олаётганимиз ту-



Кўрик-танлов ғолиблари

файли хўжалигимиз йил сайин ривожланмоқда. 2010 йил Германиядан 93 бош ғунажин олиб келиб 83 бош бузоқ олишга эришдик. Кейинчалик Австриядан 563 бош Сигмента, Германиядан 99 бош Голштин насли қорамолларини харид қилдик.

Бугунги кунда 2 минг бош мол боқишга мўлжалланган 8та ва сут соғиш учун 3 та замонавий комплекс биноларимиз мавжуд. Кунлик сут соғиш 22,3 тоннани ташкил этиб, ҳар бир бош сигирга ўртача 22 литрдан тўғри келмоқда.

Чорвачилик мажмуасини айланган эканмиз, кўз ўнгимизда ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайдиган манзара намоён бўлди: замонавий молхона бинолари, сўнгги техникалардаги сут соғиш ускуналари мамлакатимизда ишлаб чиқариш билан бирга чорвачилик маданияти ҳам ўсиб бораётганидан далолатдир.

Ўтган йили 11 млрд. 641 млн. сўм даромад қилдик, шундан соф фойда 1 млрд. 340 млн. сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги томонидан экспорт қилувчи "Нестле" ва "Раш-милк" корхоналарига сут маҳсулотлари ҳамда "Олтинқўл каштан элит" агрофирмасини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб, 360 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

— Ўн етти йилдирки, шу корхонада ишлаб келаман, — дейди хўжалик иш юритувчиси Қобилжон Каримов. — Ўтган йиллар беҳуда кетмади. Чорвачилик сир-синаотларини ўрганиб эл маъмурчилигида ҳиссам борлигидан мамнунман. Биздаги насли қорамолларнинг ўз хусусияти бор. Уларни парваришда ана шу хусусиятларига эътибор бераяпмиз. Фермамизда қорамолларни парваришдаш учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир бинога 2 тадан замонавий қашлагичлар ўрнатилган, сув ва озуқа бериш мосламалари сигирлар учун қулай ҳолатда ўрнатилган. Сигирларни қисқа вақтда соғиб олиш учун 2014 йили Германиядан сут соғиш мосламаларини харид қилдик. Ҳозирда бир вақтнинг ўзиде 84 бош сигирдан сут соғиб олиш имкониятига эгамиз.

Хўжалик жамоаси келгуси амалга оширилиши керак бўлган ишлар дастурини ҳам ишлаб чиққан. Ушбу дастурга мувофиқ маҳсулотни ўзлари қайта ишлашни режалаштирмоқда. Бундан нафақат жамоа фойда кўради, балки туман аҳолисининг дастурхони янада тўкин бўлиши билан бирга кўплаб қишлоқ ёшларига иш ўринлари яратилади. Шунингдек, режада Улуғнор туманида 200 гектарлик ёнғоқзор ташкил этиш ҳам бор.

К. ЭРҒАШЕВ,
ўз мухбиримиз.



Чорвачилик мажмуидан лавҳалар

ИККИ САНА — ЯГОНА МУАММО

Бугунги кунда дунёда атроф-муҳит муҳофазаси, экология, қурғоқчилик, саҳроланиш, иқлим ўзгариши каби муаммолар, жаҳон ҳамжамиятининг бош масаласи бўлиб турибди.

Чунки XIX охирлари XX аср бошларига келиб фан-техника, саноат ривожлана бошлади, катта майдонларда ўрмонлар кесилиши, ерларнинг ўзлаштирилиши, тоғ-кон ишларининг олиб борилиши табиат ва инсон уйғунлигида катта муаммолар келтириб чиқара бошлади.

XX аср айниқса, унинг иккинчи ярмида бир қатор салбий жараёнлар, иқлим ўзгаришлари, ерларнинг деградацияси, саҳроланиш, қурғоқчилик каби муаммолар вужудга келди.

Шу сабабли 1972 йилнинг 5 июнида БМТ нинг экологик масалаларга бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу сананинг аҳамияти шундаки, биринчидан бутун дунё ҳамжамиятининг эътиборини ушбу муаммога қаратиш, ўзи яшаб турган жойнинг экологик ҳолатига бир назар ташлаш, ҳаммамиз учун умумий бўлган Ер сайёрамизни ҳимоя қилишга чақиришдир.

Шу ўтган давр ичида кўплаб мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган минглаб тадбирлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу борада 15 дан зиёд қонун, 30 дан ортиқ қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга киритилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш даражасини маълум даражада камайтириш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини бермоқда.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда «Эколо-

гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони қабул қилиниши мамлакатимизда ушбу масала давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этишидан далолатдир.

Сайёрамизда яна бир улкан муаммо борки, бу қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёнларидир. Саҳроланиш ва унинг натижасида ерларнинг деградацияга учраши бутун дунёда инсониятга таҳдид солаётган хавфларнинг энг жиддийсидир. Интернет маълумотларига кўра, дунё бўйича инсоният ҳар йили 12 млн. гектарга яқин унумдор ерларни йўқотмоқда.



Шу боис, 1994 йил 17 июнда БМТ томонидан айнан табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибор қаратиш мақсадида Саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича конвенция қабул қилинди.

1995 йилда эса мазкур конвенция давлатимиз томонидан ратификация қилиниб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Республикамиз Президентининг «2013–2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қабул қилинган давлат дастурлари доирасида сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда 2 млн. гектардан ортиқ сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган. Жумладан, пахта ва бошоқ-ли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш каби вазифалар белгилаб берилган.

2017 йилда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги мутасадди ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах,

Қашқадарё ва Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийси вилоятлари бўйича тупроқларнинг ҳолати, унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар тайёрланди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Республикамизда экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш, қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёнларини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш, улар натижасида юзага келган салбий жараёнларини бартараф этиш ёки юмшатиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб ягона тизим асосида олиб боришмоқда. Бу ўз навбатида табиатнинг ноёб неъматлари — ер, сув, ҳаво кабиларни асраш, муҳофазалаш, улардан оқилона фойдаланиш, оқибатда мамлакатимизнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, экологик тоза маҳсулотларини ишлаб чиқариш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга замин яратади.

Р.ҚЎЗИЕВ,

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори, профессор

ҒАЛЛА ҶРИМИ — МАСЪУЛИЯТЛИ ТАДБИР

Маълумки, ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ўта масъулиятли агротехник тадбирдир. Зеро, ҳосил комбайнларнинг дала бўйлаб бир ўтишида ўриб-янчиб олинади, такрорий йиғим деган гап бўлмайди. Иш жараёнида ерга тўкиладиган донни қайтадан йиғиштириб олишнинг сира иложи йўқ. Демак, фермерлар, комбайнчилар, ўрим-йиғим отрядлари бошлиқлари даладаги бор ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда зарур чораларни кўришлари лозим.

Ғаллазорларни ўримга тайёрлаш. Фермерлар, муқобил МТПлар раҳбарлари ўримга киришишдан олдин қуйидаги юмушларни сифатли қилиб бажаришлари даркор:

— далага кирадиган йўллар, кўприкларни комбайн сиғадиган ва уни кўтара оладиган даражада тайёрлаш, ўқариқларни текислаш;

— далани печак, чирмовиқ, шўра каби бегона ўтлардан, ҳар хил темир-терсақлардан тозалаш;

— комбайннинг бе-малол қайрилишини таъминлаш, поялар эзилишининг олдини олиш мақсадида ғаллазор атрофи бўйлаб камида 8 м. кенгликдаги ғаллани олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун дала четларини камида 4 м. кенликда шудгорлаб қўйиш.

Комбайнлар тайёргарлигини текшириш.

МТП муҳандислари энг аввало, ишга тайёр дейилган ғалла комбайнларининг қуйидаги талабларга қай даражада жавоб беришини текширишлари керак: жатканин асосий балкаси тўғри, ёриқлар йўқ; сирпанувчи бошмоқлар пачоқланмаган ва дарз кетмаган; мотвилонинг марказий ва паншаха трубалари эгилмаган, қадалмасдан айланади; бармоқли брус эгилмаган, тўғри; сегмент пичоқлари бутун, дарз кетмаган; шнек цилиндрлари пачоқсиз, ўрамлари эгилмаган ва узилмаган; йиғиштириш барабининг вали ва бармоқлари қийшаймаган, синмаган; қия камера корпусида ёриқлар йўқ, пружиналари таранг; янчиш барабани (ротори)нинг вали эгилмаган, дон савағичлари едирилмаган, барабан (ротор) остлигининг тишлари бутун; сомон элаги клавишаларининг подшипниклари едирилмаган,

ёрилмаган; ғалвирлардаги тешиклар катталашмаган, жалюзалар сегментлари синмаган; силкитувчи тахтадаги тарам-тарам листлар дарз кетмаган; элеваторлар кураклари синмаган, ленталари узилмаган; втулкалар, валиклар, пластинкалар ейилмаган; дон, бошоқ ва бўшатиш шнекларининг ўрамлари ўткирлашмаган ва бутун, гилофларида тешик ёки ёриқлар йўқ.

Ғалла ўримини отряд усулида



ташқил этиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тавсия ва кўрсатмаларига асосан ғалла ўрими йиғиш-ташиш отрядлари воситасида ўтказилади. Ҳар бир отряд таркибига 2 ёки 4 та «Кейс», «Клаас» комбайни, 4 ёки 8 та дон ташийдиган автотранспорт, 1 та кўчма устахона, 1 та занжирли трактор плуги билан ва маиший хизмат звеноси киради.

Отряд раҳбари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, МТП, автокорхона раҳбарлари ҳамда фермерлар билан биргаликда ўрим-йиғим графигини тузади.

Ҳар бир отряд таркибида ҳисобчи ва отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили фаолият кўрсатади. Отряд ҳисобчиси ўриладиган майдонларнинг ҳақиқий кат-

талигини, ғалла ҳосилдорлигини бевосита ўримдан олдин ўлчашлар йўли билан аниқлайди. Ўрилган майдонлар учун туман МТП ёки сервис корхонаси билан, жўнатилаётган дон учун транспорт корхоналари билан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиради.

Отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили шохобча мутахассислари иштирокида топширилаётган доннинг оғирлигини, намлик ва ифлослик даражасини ўлчайди ҳамда унинг кондицион вазнини аниқлаб, тегишли ҳужжатни расмийлаштиради ва уни отряд раҳбарига топширади. Отряд раҳбари ўрим-йиғимни сифатли ташқил этиш ва ўтказиш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига етарли шарт-шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул шахс ҳисобланади.

МТП ва фермер хўжаликлари раҳбарлари комбайнларни икки сменада бетўхтов ишла-тиш, уларни ёнилғимойлаш материаллари билан таъминлаш, кўчма устахоналарни зарур эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ускуналари билан бутлаш, техника воситаларида рўй берадиган носозликларни

даланиннг ўзида бартараф этишни ўз зиммасига олади. Ўрим-йиғим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарни техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда ушлаб туриш вазифалари автокорхона раҳбари зиммасига юклатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йиғим мавсумининг бошқа қатнашчиларига медицина хизмати-ни кўрсатиш, уларни иссиқ оқват билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бажаради.

Мавсумни қисқа муддатда сифатли ўтказиш борасида ўрим-йиғим отрядларининг бошлиқлари, агроном ва муҳандислар алоҳида эъти-

бор бериши зарур бўлган вазифалар қуйидагилардан иборат:

— ўримга киришишдан олдин даладаги ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги, унинг етилганлик, ифлосланиш ва намлик даражалари чама-лаб олинади. Шунга қараб ғаллани ўриш ва комбайнларни бир даладан иккинчисига ўтиш тартиблари танланади;

— ўримни ўз вақтида бошлаш ҳосилни сақлаб қолишда ўта муҳим аҳамиятга эга, зеро, пишиб етилган ғалла 5 кун кечиктириб ўрилса 4%, 10 кун кечиктирилса 12%, 20 кун кечиктирилса 28% дон ерга тўкилиб кетади. 1 м² майдончада бир дона бошоқнинг тўкилиши, гектаридан 10-16 кг. ғалланинг йўқо-тилиши демакдир;

— комбайн тўғри ростланган ёки ростланмаганлигини даланинг ўзида текшириш зарур: 50 метрдаги буғдой ўрилгандан кейин комбайн тўхтатилади. Агар 1 м² майдончага 20 дондан ортиқ дон тўкилган бўлса, комбайн иш режимини ўзгартириш ёки механизмларини қайтадан ростлаш талаб этилади.

— бир даладаги ғалланинг ҳолати иккинчисидан анчагина фарқ қилишини, бу эса комбайнни янгидан ростлаш ва созлашни талаб этишини ёддан чиқармаслик керак;

— дони қуруқ ва бирдай пишган, ўт босмаган ва пояси тик турган майдонлар бир йўла ўриб-янчиб олинади;

— дон ташийдиган транспорт воситаларининг бортлари зичланган, яъни тирқишларсиз бўлиши ва улар учқун сўндиргичлар билан жиҳозланиши лозим.

Комбайнларни далада ишлатиш қоидалари. Комбайнлардан унумли фойдаланишда асосий масъулият операторларга юклатилади. Шу боис улар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари лозим:

— ўриш жараёнида дон бошоқлардан уриб туширилганда мотовило тезлиги камайтирилади, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

— бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа, мотовило тезлиги камайтирилади, паншахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, паншахалар ва шнек

қанотлари орасидаги тирқиш кенлиги торайтирилади;

— дон қирқилмаган поялар бошоқларида қолиб кетганда, синган сегмент ва бармоқлар янгисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

— бункерда синиқ дон миқдори ошиб кетганда ротор билан дека орасидаги тирқиш кенгайтирилади, ротор (барабан) тезлиги камайтирилиб, тирқиш ичига тикилиб қолган похол ва ўт-ўланлар олиб ташланади;

— сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда тирқиш кенлиги камайтирилади, ротор тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалари кенгроқ очилади, комбайн тезлиги пасайтирилади;

— бункердаги дон ифлослиги



юқори бўлса, ғалвир жалюзалари торайтирилади, вентиляторнинг шамол кучи оширилиб, хедер бироз тепага кўтарилади.

Хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя этиш зарур. Бунда:

— бакка фақат тиндирилган ёнилғини тозолагичли агрегатлар ёрдамида қуйиш, ёнилғи ва мой томчилашининг олдини олиш;

— комбайнда доимо соз ва тўлатилган иккита ўт ўчиргич олиб юриш;

— мотовило валига ўралган, қия камера ҳамда ротор билан дека орасига тикилиб қолган пояларни дарҳол олиб ташлаш;

— подшипниклар синганда, уларнинг корпуслари қизиб кетганда, тасмалар ва занжирлар узилганда комбайнни тезда тўхтатиб, двигателни зудлик билан ўчириш;

— тунда ишлашдан олдин барча электр ёритиш воситаларини қай-

тадан текшириб чиқиб, очиқ симларни дарҳол алмаштириш ёки янгидан ҳимоя лентаси билан ўраб чиқиш;

— электр асбобларига келган симларни доимо текшириб туриш, уларнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик;

— симлар қизиб кетганда двигателни дарҳол ўчириб, носозликларни бартараф этиш;

— ғаллазор ичида пайвандлаш ишларини бажармаслик, бункердаги дон қолдиқларини двигател ўчгандан кейингина тозалашга жиддий эътибор бериш талаб этилади;

— комбайн ишчи қисмларидан мой ёки ёнилғининг сизиб чиқишига йўл қўймаслик даркор;

— сақловчи муфтларнинг шаттаксирашига, подшипникларининг қизиб кетишига йўл қўйилмайди. Генератор, стартёр улагичлари ва электр қурилмаларига ҳимоя қал-

поқчалари кийгизилган бўлиши, электр ўтказгичлар эса маҳкам қотирилган бўлиши шарт;

— нефт маҳсулотлари ёнганда уларни сув билан ўчириш мумкин эмас. Оловни ўчириш воситаси ҳамда қум, тупроқ сепиб ёки брезент билан ёпиб ўчириш керак. Пайвандлаш ишларини бажаришда, шунингдек, комбайнни узоқ муддат таъмирлаш жараёнида у ғалла май-

донидан 30 метрдан кам бўлмаган масофага олиб чиқилади.

Қуйидагилар қатъиян ман қилинади: комбайн олдида олов ёқиш, унинг олдида мойли кийим билан яқин келиш; комбайн бункеридаги донни учқун сўндиргичи носоз бўлган транспорт воситаларига тўкиш; комбайнни дала шароитида таъмирлаш жараёнида учқун чиқиши эҳтимоли бўлган асбоблардан фойдаланиш.

Мазкур тадбирларнинг тўғри бажарилиши ғалла ўрим-ийғимининг дон нобудгарчилигига йўл қўймасдан сифатли ўтишини ва қисқа муддатларда яқунланишини таъминлайди.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д.

К.АСТАНАҚУЛОВ,
т.ф.д.
(ҚХМЭИ).

ИЮНЬ ОЙИДА ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИ

Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда барча агротехник тадбирларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Ғўза қатор орасига июнь ойида ишлов беришда 1- ва 2- культивация ўртасида чизель-культиватор ёрдамида чуқур (20-25 см) юмшатишни амалга ошириш яхши самара беради.

Тупроқ етилган пайтида культивация ўтказилади. Зарур бўлганда тупроғи етилган ерларда танлаб культивация қилиш лозим. Шунингдек, бу пайтда бегона ўтларни вақтида ўтоқ қилиб туриш керак.

Культивация билан бирга суғориш учун жўяк олинганда биринчи сувда 60 см. қатор оралига экилган далалар учун эгат чуқурлиги 12-14 см, 90 см. қатор оралига экилган майдонлар учун эса 15-18 см, кейинги суғоришларда ушбу чуқурлик тегишлича 14-15 см. ва 18-20 см. ни ташкил этиши лозим.

Бу йилги ёгингарчилик оқибатида тупроқда тўпланган озика модаларнинг бир қисми ер ости қатламларига ювилди. Шунинг учун пахта майдонларига ўғитни эрта муддатларда солишни ташкил этиш керак. Одатда ўғитни суғоришдан олдин эгат олиш билан бирга солинади.

Органик ва минерал ўғитларнинг аралашмаларидан фойдаланиш энг яхши чора ҳисобланади. Бунда ниҳолларнинг озика модалар билан яхши таъминланиши мақсадида ғўза қатор ораларида ишловнинг (культивация) 2-мартасида ҳар гектарига 250-300 кг. дан чириган, қуритилган ва элакдан ўтказилган маҳаллий ўғитларни мосламалар билан ғўза қатор ораларида 14-16 см. узоқликка ва 15-17 см. чуқурликка солиш қутилган натижа беради.

Ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида гектарига 400-500 кг. қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда қўллаш пахта ҳосилини гектаридан 2,0 центнерга оширади.

Ғўзанинг яхши ўсиб, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун қўшимча равишда баргдан озиклантиришда, минерал ўғит карбомид суспензияси билан бирга “Гумимакс”, “Эдагум”, “Фитовак” ва бошқа стимуляторлар билан ишлов бериш самаралидир.

Бунда ғўза ривожига орқада қолган майдонларда суспензия гуллаш даври бошида гектарига физик ҳолда 10,0 кг. карбомид ишлатилади ёки КАС ўғитини 9,0 литр ишлатилганда яхши самара беради. Суспензия сепишда ишчи эритма ҳар гектарига 300 литрдан кам бўлмаслиги керак.

Суспензия билан ишлов беришда Фитовак (200-300 мл/га), Гумимакс 0,15-0,20 л/га, Узгуми 0,3-0,4 л/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторларни қўшиб ишлатилса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига



ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 20-25 °С дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин.

Айрим тупроқ унумдорлиги паст ерларда ҳамда механик таркиби энгил қумлоқ тупроқларда ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг. азот ва 50 кг. калий бериш керак, бу эса гектарига 210-225 кг. аммиакли селитра ёки 150-160 кг. мочевино ва 80 кг. калий хлоридни ташкил этади. Ғўзанинг шоналаш даврида ўғитларни ўсимликнинг ёнига 20-22 см., 14-16 см. чуқурликка солинади.

Ғўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70-75 кг. азотни (аммиакли селитра 210-225 кг.) ва 40-50 кг. соф ҳолда фосфорни (аммофос 80-100 кг. ёки оддий суперфосфат 280-350 кг. ёки супрефос 170-215 кг.) тавсия этилади. Агар ғўза қатор оралари 90 см. бўлса, шоналаш даврида 60 см.

қатор оралигадек, гуллаганда эса ўғит ўсимлик ёнига 30-35 см., 60 см. да эса қатор оралари ўртасига 14-16 см. чуқурликка солинади.

Ўсув давридаги озиклантиришни охириг муддати ғўза гуллаш бошлангичининг 10-кунига тўғри келиши керак, бундан кечикса, ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин.

Суғориш муддати ва меъёрларини ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқнинг механик таркиби ва сизот сувлари чуқурлигини қатъий ҳисобга олиб белгилаш лозим.

Ҳар суғоришдан кейин ғўза қатор ораси тупроқ етилиши билан, кесак ҳосил қилинмай, майин культивация қилиниши керак.

Ғўзани июнь ойида шоналаш даврида суғориш меъёри энгил тупроқларда гектарига 600-700 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 м³ бўлиши керак. Суғоришнинг давомийлиги энгил тупроқларда ғўза гулга киргунча 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14 соатдан ошмаслиги керак. Ер ости сувлари сатҳи 0,5-2,0 метргача бўлган тупроқларда сув миқдори 10-15 фоизгача камайтиради.

Эгатлар узунлигини қисқартириш йўли билан далаларни бир текисда намланишига ва сувдан тежамли фойдаланишига эришиш мумкин. Шунинг билан олиб, сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва энгил қумлоқ тупроқларда ғўза қатор оралари 60 см. бўлганда эгатлар узунлиги 60-70 метрдан, сувни суст шимадиган, оғир тупроқли ерларда 80-90, қатор оралари 90 см. бўлган пайкалларда эса тегишли равишда 80-90 ва 90-100 метрдан ошмаслиги керак. Қатор оралари 60-90 см. ва катта нишабга эга бўлган ғўза пайкалларида суғоришларни барча эгатлар орқали ўтказиш, қолган жойларда бир жўяк ташлаб (қатор оралатиб) суғориш мақсадга мувофиқдир.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, экинларни парвариш қилишда агротехника тадбирларини юқори савияда ўтказиш экинлардан юқори ҳосил олиш гаровидир.

ПСУЕАИТИ

олимлари томонидан тайёрланди.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА ЁЗГИ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАР

Жорий йил боғ ва соҳибкорлар учун жуда баракали йил бўлди. Қиш узоқ ва совуқ бўлиб, баҳор кеч кирди. Натижада боғларда гуллаган мевали дарахтларда ҳосил мўл бўлиши кутиляпти.

Бироқ, апрель ҳамда май ойида ҳам ёғингарчилик кўп бўлиши боис боғ ва токзорлар ораларида бегона ўтларнинг ривожланишига имкон пайдо бўлди. Бунинг олдини олиш учун боғ ва токзорлар қатор оралари 12-15 см. чуқурликда юмшатилиб, туп оралари бегона ўтлардан тозаланади. Ҳосилли боғларда қатор ораларини суғориш учун бир-бирдан 70-80 см. ораликда 4-5 та 22-24 см. чуқурликда ариқлар олиниб 1-1,5



кун давомида тупроқ захлагунча суғурилади.

Бу йил баҳорда ёғингарчилик кўп бўлгани сабабли боғларда касалликлардан клястероспориоз (тешиқдоғ), парша (калмараз), ун шудринг, манилиал куйиш (монилиоз), заркунандалардан олма қурти, ширалар, нок шира бургаси (меяница) тез ривожланади.

Олма, нок ва олхўри қурти ҳамда нок шира бургасига қарши июнь ойи бошида 10-15 кун оралатиб боғларга кимёвий ишлов берилади. Ушбу тадбир ҳосилли боғларда мевахўр қуртларнинг 2 наслига қарши бўлиб, олмалар гуллаб бўлганидан сўнг 40-45 кун ўтгач бажарилади. Бунда ҳосилли олма, нок ва олхўри боғларида қуйидаги препаратлардан бири қўлланилади: Карбофос (100 мл. сувга 200-300 г.); Циперфос 100 г. ёки Децис, Карате, Толстар, Циракс 30-40 г., Фуфанон 100 г ҳисобида, олма қуртига қарши Вектра 30 г, Сапроль ва Топсин 100 г. ҳисобида қўллаш самара беради.

Эртапишар олма навларига кимёвий препаратлар билан ишлов берилмайди.

Токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик учун тезлик билан ғўра хомтоғини ўтказиш зарур. Ортиқча новдаларни олиб ташлаш билан бирга қолдирилган новдаларни яхшилаб кун тушадиган қилиб боғлаш керак. Токзорларда ток қаторидан 50-60 см. қочириб, иккита суғориш ариғи олинади. 24-30 соат давомида яхшилаб суғурилади.

Ёғингарчиликнинг кўп бўлгани учун токзорларда оидиум, антракноз касалликлари ривожлана бошлади. Уларга қарши 8-10 кун оралатиб олтингургурт (1 гектар токзорга) 25-30 кг. сарфи билан чанглатиб чиқиш зарур. Олтингургуртга 10 кг. оҳак кукуни қўшилса, тадбиримизнинг самарадорлиги ошади. Кичик майдондаги ток тупларини даволашда олтингургуртни қўллаш имкони бўлмаса Вектра, Топаз, Тиль (10 л.

сувга 3-5 г) ёки Топсин (10 г) препаратини қўллаша ҳам бўлади.

Июль ойида боғларимизда айни пишиқчилик палласи, яъни шакардан ширин мевалар бирин-кетин пишиб етилади.

Бу вақтда боғбон-соҳибкорлар боғ-токзорлардаги ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида саратон сувига қондириб суғоришга эътиборни қаратиши зарур.

Ушбу ойда қуёш ҳарорати энг юқори даражага кўтарилиши сабабли дарахтлар ва ток тупларининг сувга эҳтиёжи кучаяди. Сув ичган боғ-токзорларнинг ҳосилдорлиги ортади, мевасининг сифати яхшиланади ҳамда меваларнинг тўкилиши камаяди. Бу ойда боғларни 2-3 марта қондириб суғориш керак. Халқимизда "Чилла суви — тилла суви" деб бежиз айтилмаган.

Ҳосилли боғларда дарахт тупларидан 80-90 см. узоқликда, токзорларда эса ток қаторидан 50-60 см. узоқликда иккита суғориш ариғи очилиб суғурилади. Агар июнь ойида боғ-токзорлар озиклантирилмаган бўлса, у ҳолда озиклантиришни органик ўғитлар билан қўшимча "Шарбат" усулида берилса яхши натижа беради.

Намликни сақлаб қолиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида боғ-токзорлар оралари тупроқ етилиши билан 12-15 см. чуқурликда култивация ўтказилади.

Мева ва қўнғир рангли ўргимчак каналар, нок шира бургасига қарши курашда (1 та баргда 3 тадан ортиқ кана бўлса) намланувчан олтингургурт (100 л. сувга 0,6 -1 кг) 12-15 кг/га меъёрида сарфланади, шунингдек, туйилган олтингургуртни чанглатса ҳам бўлади. Нокзорларда нок шира бургасига (меяница) қарши 10-12 кун оралатиб, Карбофос, Фазалон (Золон 200-300 г), ёки Нурелл-Д, Циперфос 100г. ва бошқа препаратларни 1-2 марта та 100л. сувга аралаштириб сепса натижаси бўлади.

Олма ва нокнинг кечпишар навларини олма қуртининг учинчи авлодига қарши июль ойининг охиригача беш кунлигида юқоридаги препаратлардан бирини қўллаш керак. Беҳизорларда монилиоз касаллигидан зарарланган новдалар кесиб олиб ташланади.

Токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Ток тупларида узум бошларини соялатиб қўядиган бачки новдалар кучли ўсиб кетса. 2-3



та барг қолдириш етарли. Акс ҳолда ҳосилнинг етилиши, новданинг пишиши кечикади ва замбуруғли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Оидиум (кул) касаллиги тарқалиши кузатилса, туйилган олтингургурт чанглатилади. Бунда 1 гектарга 30 кг. олтингургурт ва 10-15 кг. охак кукуни қўшиб ОШУ-50 осма чанглагичда ишлов берилиши мақсадга мувофиқ.

Август ойида боғларимиз ва токзорларда мева-узум ҳосили фарқ пишади. Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш боғбонларимиздан катта масъулият талаб этади.

Боғларда мевалар техник пишиш ёки физиологик пишиш даврида терилади.

Узоқ жойларга чет эл мамлакатларига юбориладиган мевалар техник пишиш даврида, яъни пишишдан 10-15 кун олдин, маҳаллий бозорга мўлжалланганлари эса физиологик пишиш ҳолатига яқин шароитда терилади.



Териб олинган мевалар офтобда қолиб кетмаслиги учун уларни салқин жойларга жойлаштириш керак. Бу ерда уларни саралаб, идишларга (идиш ва транспорт турига қараб) жойлаб, тезда истеъмолчиларга жўнатиш зарур.

Ҳосилли боғларда август ойида келгуси йил учун мева куртаклари шакллана бошлайди. Тупроқда нам етишмаса, бу жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу жараённинг кечишига ижобий шароит яратиш келгуси йил ҳосили мўл ва сифатли бўлишига гаровдир.

Мева каналарининг тарқалиши кузатилса, юқоридаги препаратларга Вертимекс, Неорон, Абамиктин, Нисорон препаратларини (100 л сувга 50-150г) қўшиб, омухта қилиб пуркалади. Намланувчи олтингургуртнинг 1 фоизлиси ҳам самаралидир.



Беҳизорларда монелиоз касаллигидан зарарланган новдалар олдинги ойларда кесилмаган бўлса, тезлик билан кесиб, боғдан чиқариб

ёқиб юбориш керак.

Август ойида ўртапишар узум навлари пиша бошлайди ҳамда улар териб олинади. Кечпишар узум навлари узумни узишга 15-20 кун қолганда суғорилади.

Қалинлашиб кетган тупларда чилла чиқиши билан узум бошларини соялаб турган барглар олиб ташланади. Кул касаллиги тарқалиши кузатилса, олтингургурт (1 гектар токзорга сарфи 30-40 кг) билан чанглатилади.

Данакли мевалар истеъмол бозорига қараб, керак бўлса (четга юбориладиганлари) техник пишиш даврида терилади ва йўлда улар етилиб пишади.

Шафтоли ва олхўри меваларини улар қаттиқроқ, озгина пишмаган ҳолда, териш керак лекин мазаси ушбу помологик навга хос бўлиши лозим.

Меваларни узоқ жойларга юбориш, сақлаш ва сотувга олиб чиқиш уларни банди билан териш шарт. Бу мевалар узоқроқ сақланишининг асосий кафолатидир.

Сақлашга қўйиладиган олма, нок каби мевалар авайлаб териблиб, қоғозга ўралиб, ёғоч қиринди тўшалган яшиқларга жойланади. Узум бошлари қайчи билан кесиб олинади, узум доналарига қўл тегмаслиги керак. Акс ҳолда узум мевасининг ғубори шикастланади, натижада уни узоқ муддат сақлаб бўлмайди.

Август ойида пишиб етилган мева ва узумлар асосан истеъмол учун бозорларга, сотувга ҳамда қисман қайта ишлаш (консервалаш ва қуритиш учун) жўнатилади. Данакли мевалардан шафтоли, олхўри ва узумнинг кишмишбоп навларини узоқ сақлаб бўлмайди, улар кўпи билан (энг сифатлиси) бир ой сақланади. Шунинг учун истеъмолдан ортган мевалар қуритилади.

Мева ва узум очиқ ҳавода, қуёшда қуритилганда сифатсиз маҳсулот олинади. Уларни салқин ерларда ёки махсус палаткаларда (полиэтилен плёнка қопланган) қуритилса, қуриган меванинг сифати анча юқори бўлади ҳамда узоқ сақланади.

Резавор мевалилардан қарағатзорларда июнь ойида



мевалар пиша бошлайди. Бу даврда меваларнинг сифати ҳамда ҳосили мўл бўлиши учун қарағатзор ҳар 8-10 кунда суғорилади. Қарағат меваси териб олингач (июль-август), ўсимликда келаси йил учун гул куртаклари шаклланидиган давр бошланади. Бу вақтда қарағатзорда тупроқ нам ва юмшоқ бўлиши керак. Июль ойида 2-3 маротаба, август ойида 2 маротаба суғориблиб, ҳар икки сувдан сўнг тупроқ юмшатилади.

Боғбонларимиз боғлари болга тўлмоқда. Шириншакар меваларни саришта қилишда сусткашликка йўл қўймаган боғбоннинг меҳнати маҳсули баракали бўлади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА, М.ИСРОИЛОВ, С.ШОДИЕВ,
илмий ҳодимлар, Академик М.Мирзаев номли БУВИТИ.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР ПАРВАРИШИ

Йилдан-йилга Республикамизда интенсив боғлар майдони кўпайиб бормоқда. Боғдорчиликни жадаллаштиришнинг (интенсивлаш) энг самарали усули, бу пакана ва ярим пакана бўйли пайвандтагларда ўстириладиган мева дарахлари билан боғ барпо қилиш, айниқса, уларнинг танасини симбагазларга боғлаб ўстиришдир.

Интенсив мевали боғлар кўчатларида мева куртагини ташкил қилиш даври ёзнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу вақтда барча агротехник жараёнларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши зарур.

Боғлар парваришида асосий омиллардан бири бу дарахларни озуклантириб бўлиб, минерал ўғитлардан фақат азотли эмас, балки унга қўшимча қилиб фосфор ва калий ўғитини ҳам бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунинг учун, интенсив боғларда бериладиган фосфор ва калий ўғитларининг тенг ярми ёзнинг иккинчи ярмида берилса, самаралидир. Ёз мавсумида парвариш ишлари кўчатларнинг бехато илдиз олишига, яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлашга қаратилади. Суғоришга алоҳида эътибор бериледи. Июнь ойида икки-уч маротаба суғориледи. Ҳар суғоришдан кейин эгатлар ва дарах атрофидаги тупроқ юмшатилади.



Мевазор қатор оралиқларида тупроқнинг сув-ҳаво тартибини, тупроқда намни сақлашни яхшилаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида 10-12 см. чуқурликда культивация қилинади ва туп оралари юмшатилади, чиққан бачки новдалар кесиб, олиб ташланади.

Олма, нок ва олхўри курти ва нок шира бургасига қарши июнь ойининг 2-ярмида 10-15 кун оралатиб, боғларга кимёвий ишловлар бериледи. Бу тадбир мева боғларида мевахўр куртларнинг 2-наслига қарши бўлиб, олманинг Ренет Смирненко, Голден, Делишес ва Розмарин навлари гуллаб бўлганидан 45-47 кун ўтгач бажариледи. Шу муддатларда ҳосилли олма, нок ва олхўри боғларида куйидаги препаратлардан бири қўлланилади: бензофосфат (золон), карбофос (100 л. сувга 200-300 г. ҳисобидан).

Эртапишар Первенец Самарканда, Мелба, Старк Эрлист ва Тошкент боровинкаси каби олма навларига июнда кимёвий препаратлар пуркалмайди.

Шакл бериш. Ўзбекистон шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга 60 см. юқоридан кесилиб, шакл бериледи. Четдан келаётган кўчатларни веретино шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида штамби учун 50 см. қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 дона кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 дона кўз қолдирилгач, ортиқчаси кесилади.

Келажакда етарли шохлаши учун танасидан 50 см. юқорида жойлашган 3 дона кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзнинг ўсиш қисмидан кербовка (кесиш) қилинади ва яна учта кўз ташлаб, яна учта кўз тўғри чизиқ шаклида кербовка қилинади. Бу жараёни кўчат яхши ўса бошлаган даврда қилса яхши натижа беради. Шохланган шохлар июль-август ойларида 90°эгилади ва боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева куртакларини ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтда чилпиб (чеканка) турилади. Бу усул мева куртакларининг кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди.

Темир-бетон устунлар ўрнатиш ва сим тортиш. Экилган кўчатларни биринчи йилнинг ўзида симбагазларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир-бетон устунлар ўрнатилади.

Кўчатларни симбагазларга боғлаб парвариш қилиш. Янги экилган олма, нок боғларига темир-бетон устунлар ҳамда сим тортилгач, кўчатларнинг новдалари симларга боғлаб чиқилади ҳамда келажакда новдалар ўсиб, ривожланиши учун парвариш ишлари олиб борилади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилса бошлайди.

Суғориш. Пакана пайвандтагда ўстириладиган ҳосилдор мевали боғларни суғориш тизимини шундай йўлга қўйиш лозимки, боғ қатор орасида бир метр чуқурликда тупроқнинг намлик даражаси тупроқни сувсизлигига нисбатан вегетация даврида 70-75% дан кам бўлмаслиги керак.

Ёш ойларида (вегетация даврида) мева боғларининг тупроқларидаги намлик даражасини меъёрда ушлаш учун тез-тез суғориб турилади.

Томчилатиб суғориш. Замонавий интенсив боғларда томчилатиб суғориш тизими асосида кўчатда деярли сув билан боғлиқ стресс ҳолати бўлмайди. Чунки тупроқда намлик даражаси илдиз атрофида бир хил бўлади.

Интенсив боғларда томчилатиб суғориш тизими мавжуд бўлса, барча минерал озукларни сув орқали томчилатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўғитни ўзлаштириш самарадорлиги анча юқори бўлади.

Томчилатгичларни тури ва жойлашишига қараб, суғориш вақти ва миқдори белгиланади.

Томчилатиб суғорилганда 40% сув тежаледи.

Ёши катта боғларга томчилатиб суғориш тизимини ўрнатганда, уларнинг шу даврда илдизи жойлашган қатламларга сувнинг текис етказиб берилишини таъминлашга эътибор қаратиш лозим.

М.ЯКУБОВ,
қ.ф.н.,

Г.КАРАХОДЖАЕВА, Ҳ.БОБОЕВА,

илмий ходимлар, Акад.М.Мирзаев номли БУВаВИТИ.

ТАКРОРИЙ САБЗАВОТЛАР ЭКИШ

Аҳолини юқори сифатли сабзавот, полиз ва картошка билан, қайта ишлаш корхоналарини эса хом-ашё билан таъминлаш ва экспортга маҳсулот етказишда такрорий экин экишнинг аҳамияти катта. Бунда аввало, соҳибкорлар мавжуд имкониятлардан оқилона, омилкорлик билан фойдаланиши, экинлар ҳосилдорлигини ошириши ва ҳосил сифатини тубдан яхшилашлари лозим.

Маълумки, такрорий муддатда асосан оқбош карам, гулкарам, турп, шолғом, ош лавлаги, редиска, кўкат, сабзавотлар экиб етиштирилади.

Фалла ҳамда эртаги экинлардан



бўшаган майдонларни такрорий экин экишга тайёрлашда ишни у ердаги ўтмишдош ўсимлик қолдиқларини йўқотишдан бошлаш керак. Бунда КПС-5 маркали юмшатгич ёки бороналарда, кичик майдонларда эса қўл кучи ёрдамида ўсимлик қолдиқларини майдон ташқарисига чиқариб ташланади, сўнгра тавсиялар асосида лозим бўлган органик ҳамда минерал ўғитлар майдонга сочилиб, тупроқ намлиги маромида бўлганда ерларни ПД-3-35 маркали плуг ёрдамида 25-28 см. чуқурликда ҳайдаб, сўнгра барона билан 10-12 см. чуқурликда юмшатилади ва экиш лозим бўлган экинлар турига мос равишда экиш эгатлари тортилади.

Такрорий муддатда майдонларга кечки сабзавотларни экиш — ҳаво ҳароратининг энг юқори даврига тўғри келиши, кўчати билан экиладиган сабзавотлар кўчатининг тўлиқ тутиб олиши ҳамда экилган уруғлардан ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш деҳқондан катта меҳнат ва маҳорат талаб этади.

Кечки оқбош карам кўчатларини экишнинг энг мақбул муддатлари Республиканинг жанубий минтақаларида 1-15 август, марказий минтақаларда 15 июндан 10

июл, шимолий минтақаларда 25 майдан 5 июнгача ҳисобланади.

Оқбош карам етиштиришда унинг Тошкент-10, Термиз-2500, Ўзбекистон-133 каби маҳаллий навларини экиш тавсия этилади. Экиш 70x40 см. 90x40 см. схемада амалга оширилади.

Кечки карам экиш учун тайёрланган майдонларни экишдан олдин суғорилиб, ер етилиб механизм кириши мумкин бўлган даврда кўчатларни қўлда ёки СКНБ-4А маркали экиш машинасида экиш лозим. Карам кўчатлари экилган майдонларга кетма-кет сув қўйиб, кўчатлар тўлиқ тутиб олиши учун тупроқни нам ҳолда сақлаш катта аҳамиятга эга. Хато бўлган ерлари-



га қайта экиб тўлдириш лозим. Экилган кўчатлар тўлиқ тутиб олгач, 16-18 кун ўтказиб биринчи ишлов берилади. Юмшатиш билан бирга маданий ўғитлар билан озиқлантирилади ва суғорилади.

Карамни етарли миқдорда озиқлантириш учун ҳар бир гектар майдон ҳисобига камида 25-30 т. гўнг, 200-220 кг. азот, 150-170 кг. фосфор, ҳамда 50 кг. миқдорида калий ўғитларини солиш лозим. Майдонларни шудгор қилишдан олдин гўнгнинг йиллик миқдорининг ҳаммаси, фосфорли ўғитларнинг 75% ва калийни 50% қисми солинади. Фосфорнинг қолган 25% ҳамда калийнинг 50% кўчатларни экишдан олдин, азот ўғитининг 20% экиш олдида, қолган қисми эса ўсув даврида солинади.

Кечки карамни суғоришда ўсув

даврининг бошларида 7-8 кун оралатиб, кузга яқин эса 10-12 кун оралатиб 13-15 мартаба суғорилади. Суғориш меъёри 550-650 м³/га.

Сабзи уруғи экишнинг энг мақбул муддатлари — жанубий минтақаларда 1-15 август, марказий минтақаларда 10 июн-10 июл, шимолий минтақаларда 10-20 июн санаси ҳисобланади. Сабзи уруғини катта майдонларда СКОН-4,2 экиш сеялкасида, кичик майдонларда қўлда 1,5-2 см. чуқурликда 52x8 см. ёки 62x8 см. ораликда экиш амалга оширилади. Уруғ гектарига 5-6 кг. сарфланади.

Кечки муддатда сабзининг Мирзои қизил-228, Мирзои сариқ-304, Нантская, Шантане-24-61, Зийнатли, Мшак-195, Нурли навларини экиш тавсия этилади.

Сабзини парваришлаш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кун мобайнида униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташ ва яганалаш лозим. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Катта майдонларда бегона ўтларни йўқотишда гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Сабзи, пиёз, ош лавлаги ҳамда майда уруғли сабзавотлар экиладиган майдонлардаги бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун уруғни экишгача ёки униб



чиққунига қадар гектарига 50% Ге-зогард гербицидидан 2,0-3,0 кг. ёки 30% Нитрандан 3,3-6,0 литр ёки 33% Стомпдан 1,0-2,0 литр ҳисо-

бида 400 литр сувга аралаштирилиб сепилади. Сабзи ниҳолларида 3-4 тадан чин барг чиққан даврида майдондаги таъкидланган ўтларга қарши 12,5% ли Фюзилад супер гербицидини 1,0-2,0 литр ёки 20% ли Набудан-1,5 литр сепилади. Сабзи майдонларидаги кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши эса Зеллек супер 1,0 литр ёки 12,5% ли Фюзилад супердан 2,4-4,0 литр ҳисобида, бегона ўтларнинг бўйи 5-10 см. бўлганда сепиш тавсия этилади.

Гербицид сепилган сабзи экинлари меваларини 4 ойдан илгари истеъмол қилиш тақиқланади.

Такрорий муддатда экилган сабзининг ҳосили октябр ойининг иккинчи ярмидан ноябр ойи бошигача ковлаб олинади.

Бодринг уруғини экишнинг энг мақбул муддати — жанубий минтақаларда 10-20 июл, марказий минтақаларда 15-30 июн кунлари ҳисобланади. Ушбу муддатда



экиш учун “Наврўз”, Ўзбекистон-740, Ранний-645, Аякс Микс, F₁ “Алиби” ва “Зилол” навлари тавсия этилади.

Бодринг уруғларини катта майдонларга СБУ-2,4А(экиш) мосламасида, кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида 70x30см, 90x20 см. схемада экиш амалга оширилади. Уруғлар 4-5 см. чуқурликка экилади, уруғ бир гектар майдонга 4-5 кг. сарфланади. Экилган уруғлар ердан униб чиққач. уруғпалла барглари пайдо бўлган даврда бир маротаба ва битта чинбарг чиқарган даврда иккинчи маротаба, узил-кесил ҳар бир уяда 1 тадан ўсимлик қолдириб ягана қилинади.

Ўсув давридаги ҳар 2-3 маротаба суғоришдан сўнг албатта ўсимлик қатор оралиқлари 15-16 см. чуқурликда юмшатилиб, палаклари 2-3 маротаба ростлаб қўйилиши тавсия

этилади.

Ош лавлаги уруғларини ёзги муддатда жанубий ҳудудларда 1-10 август, марказий ҳудудларда 5-30 июн, шимолий ҳудудларда 1-10 июнда экиш тавсия этилади.



Ушбу муддатда экиш учун ош лавлагининг маҳаллий “Диёр”, “Ягона” ва чет эл навларидан Бордо 237, Бикорес, Боро F₁, Пабло F₁ дурагайлари тавсия этилади. Уруғ сарфи 14-16 кг. экиш 50+20x8 см. схемаси бўйича амалга оширилади.

Ош лавлаги ўсиб ва ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир. Ош лавлаги совуқ (-2-3⁰) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Шунингдек мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида такрорий муддатда ширин қалампир ва помидор экинлари кўчатларини экиш тавсия этилади.

Июн ойига келиб **эртаги сабзавотлар ва картошка ҳосили пишиб этилади**, шунинг учун пишиб етилган ҳосилни нест-нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш зарур.

Эртаги муддатда экилган картошка палаги сарғаймайди. Тупроқ ҳарорати 20-22°C дан ошганда туганаклар йириклашмайди. Шунинг учун ҳосилни кечи билан 15-20 июнгача йиғиштириб олиш зарур.

Эртаги карамни йиғиштириб олишда ўсимликнинг ташқи белгилари: карам бошининг зичлиги, қаттиқлиги ва шаклига, вазнига алоҳида аҳамият берилади. Эртаги карам ҳосилини йиғиштириш 10-15 июнгача тугалланиши керак.

Баҳорда экилган бодринг меваси тез-тез ва доимий равишда ҳар 3-4 кунда бир марта териб олинishi ва енгил (200-250 м³/га) суғорилиши керак. Бодринг меваларини тераётганда палакларини ағдар-

маслик керак. Помидор меваларини териш кечиктирилса улар таркибидаги витаминлар кескин пасаяди, чирийди ва ҳосили камаяди. Тўлиқ пишган помидор мевалари ёзги юқори ҳароратда тез айнийдиган бўлади.

Республикамининг жанубий туманларида қовун ва тарвузнинг плёнка остида етиштирилган эртапишар навларини 40-50% етилган вақтда йиғиштириб олинади.

Шунингдек, эрта баҳорда асосий экин сифатида экилган сабзавотлардан — помидор, сабзи, ширин қалампир, бақлажон ҳамда полиз экинларидан — қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ майдонларида ҳам шу кунларда бажарилиши лозим бўлган асосий парвариш чора-тадбирларини ҳам, яъни ўсимликлар қатор оралиқи КРН-2,8А ёки КОН-2,8 русумли юмшатгичлар билан, ўсимлик оралиқла-



рини эса қўлда чопиб юшматиш, бегона ўтларни йўқотиш, маданий ҳамда маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш, ўз вақтида суғориш, экинларда пайдо бўлган касаллик ва зараркунандаларни тезда йўқ қилиш чораларининг амалга оширилиши ўсимликлар ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаш жараёнларига ижобий имкониятлар яратишни таъмин этади.

Экилган асосий экин майдонларидан мўл ҳосил етиштиришни таъмин этишда ҳал қилувчи муҳим омиллардан бири ҳар бир экин тури талабига мувофиқ майдонларни ўртача ҳисобда 7-12 кун оралатиб 480-500 м³/га меъёрда суғориб туриш бўлиб, ҳар 2-3 маротаба суғоришдан сўнг ўсимликлар қатор оралиқлари КРН-2,8А русумли юмшатгич билан 12-14 см. чуқурликда юмшатиб туриш тавсия этилади.

КАРТОШКАНИ ЁЗГИ, КЕЧКИ МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ

Кечки картошка етиштиришнинг энг аҳамиятли жиҳати — ушбу муддатда картошка ҳосилдорлиги эртагига нисбатан анча юқори бўлади, узоқ муддат сақланиб, келгуси йилнинг май ойигача ёки эртаги картошка ҳосили пишиб этилгунча етади.

Ушбу ойда картошканинг ўртапишар ва ўртакечпишар навлари экилади. Экиш ишлари марказий вилоятларда жойлашган хўжаликларда 10-30 июнгача муддатда амалга оширилади. Жанубий вилоятларда шундан 15-20 кун кейинроқ, шимолий вилоятларда эса 15-20 кун олдинроқ экиш тавсия этилади.

Картошканинг “Розара”, “Санте”, “Алвара”, “Аринда”, Белуга, Умид-2, Пском, Кондор, Драга, Карлена, Латона, Палма, Марфона, Пикассо, Романо каби ўртапишар ва ўрта кечпишар – Тўйимли, Диамант, Симфония, Республикамизда экиш учун рухсат этилган бошқа навлари экилади.

Кечки картошка экинига ерни тайёрлашда экин қолдиқларидан тозаланиб, органик ва минерал ўғитлар тавсия асосида солиниб, майдонлар кетмакет 28-32 см. чуқурликда ҳайдалади, ортидан 20-22 см. чуқурликда чизелланади. Бороналаш билан бирга молаланиб КРН-2,8 А юмшатгич ёрдамида суғориш эгатлари олинади ва суғорилади. Асосий ер сифатида ажратиб қўйилган ёзги картошка майдонлари 20-25 см. чуқурликда юмшатилиб, кейин борона билан бирга молаланади ва суғориш эгатлари олинади.

Дала қондириб суғорилган майдонларга, ер этилиб, экиш механизми кириш мумкин бўлган даврда картошкани СН-4Б русумли мосламада экиш тавсия этилади. Истеъмол учун етиштириладиган картошка туганаклари 70x25-30 см. ёки 90x20-25 см. ораликда экилади.

Майдонлар ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта суғорилади. Суғориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида суғоришдан 4-6 кун ўтгач қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига тўрсимон бороналар ёки ротацион борона билан

ялписига ишлов бериш катта аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбир ҳисобланади. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 10-15 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади, қатор оралари 15-16 см. чуқурликда, 10-12 см. ҳимоя масофаси қолдирилиб, юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари энгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланиши лозим. Шундан сўнг майдондаги ўсимликлар КРН-2,8 А русумли



юмшатгич ёрдамида биринчи марта азотли ўғит (50%) билан озиклантириб, кейин қондириб суғориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов бериш (биринчисидан кейин) 25-28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига гунчалайдиган даврда амалга оширилади.

Картошкадан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқнинг тўйинган дала нам сигимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги камида 75-80% бўлиши керак, ана шунда ўсимлик яхши ўсиб, ривожланади.

Бўз тупроқли ерларда тупроқ нами 75-80% дан кам бўлмай, сув даланинг 50-70 см. ли қатламини намласа, ҳар гектардаги картошка 450-600 м³ ҳисобидан, ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқ тупроқли ерларда эса бундан кўра озроқ меъёрда суғорилиши керак. Картошкани неча марта суғоришнинг қайси муддатда экилиши-

га қараб белгиланади.

Кечки картошка ёзда кун айна исиган вақтда экилади. Картошкани экишдан олдин ёки экилиши билан дала албатта суғорилиши зарур. Экиннинг ўсув даври ҳам ҳавонинг айна қуруқ ва тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиган пайтида бошланади. Туганаклаш даври кузга тўғри келади, бу вақтда ҳаво ва тупроқ ҳарорати анча пасайиб, ўсув даврининг охирига келганда ёгин-сочин туша бошлайди. Шунинг учун кечки картошка экилиб, майсалар кўриниши биланоқ суғорилиши керак.

Кечки картошка ўсув даврида 8-10 кун оралатиб бир меъёрда суғорилади. Ҳосилни йиғиб-тегиб олишга 2-3 ҳафта қолганда сув бериш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кечки картошка 12-13 марта, сизот суви юза ерларда эса 6-10 марта суғорилади. Уруғлик учун кечроқ экилганларининг ўсув даври қисқароқ бўлганлиги тўғрисида уларга бир-икки марта сув камроқ берилади.

Картошка ўсимлиги асосий озиқ элементларига ўта талабчан. Кечки муддатда экилган картошкадан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитларни қуйидаги миқдорда бериш тавсия этилади:

- қадимдан суғориб келинаётган бўз тупроқларда етиштирилганда гектарига соф ҳолда 250 кг. азот, 180 кг. фосфор, 125 кг. калий бериш керак.

- ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ерларда етиштирилганда эса 200 кг. азот, 160 кг. фосфор, 100 кг. калий бериш тавсия этилади.

Органик ўғитларни жами: фосфорнинг 75% ерни асосий ишлов олдида, қолган 25% фосфор, 50% азот билан туганаклар тўлиқ униб чиққанда биринчи комплекс ишловда бериш тавсия этилади. Қолган 50% азот, калий картошканинг қийғос шоналаш даврида ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

10-12-сахифалардаги мақолалар муаллифлари

Р.ХАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,

к.и.х., *Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.*

СОЯНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ АГРОТЕХНИКАСИ

Бугунги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган жами ўсимлик мойининг 40 фоизи соя ҳиссасига тўғри келади. Дуккакли дон экинлари орасида соя ялпи ҳосили ва экин майдонлари бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди.

Ўлкамиз тупроқ-иқлим шароити соя етиштириш учун жуда қулай бўлиб, уни барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда асосий ҳамда такрорий экин сифатида етиштириш мумкин.

Такрорий экин сифатида экилган соя сув ва шамол эрозиясининг зарарли таъсирини камайтиради, тупроқни органик моддалар билан бойитади ва унинг иккиламчи шўрланиши камайтиради. У буғдой ҳосилидан бўшаган анғизга экилганда экинзор микроиқлими, дала фитосанитар ҳолати,



тупроқдаги микробиологик жараёнлар яхшиланади. Соядан кейин жойлаштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги 20—30 фоизга ортади.

Шунингдек, сўнгги йилларда республикаимиз ғаллазорларида кўпайиб бораётган ёввойи сули, так-так (ёввойи кўп йиллик арпа), тулкидум, мастак (райграс), чакамиг (гандумак), кўп йиллик бегона ўтлар ажриқ, гумай, пахтастикон, какра ва бошқалар кескин камайтиради. Суғориладиган ерларда янги, илмий асосланган қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларини яратиш ва жорий қилиш имконияти туғилади.

Ҳозирда республикаимида селекционер олимлар томонидан яратилган 16 та соя нави Давлат реестрига киритилган. Аммо уларнинг уруелари етарли миқдорда бўлмаганлиги сабабли жорий йилда соянинг тезпишар, эртапишар ва ўртапишар навлари элита уруелари Россиянинг Краснодар ўлкасидаги "СОКО" соя компаниясидан келтирилди. Улардан Аванта, Бара, Амиго, Арлета, Спарта, Селекта-101 навлари буғдой ҳосилидан бўшаган суғориладиган ерларга такрорий экиш учун тавсия этилади.

Республикаимизда такрорий экин сифатида экиладиган навлардан ўсув даври 91-110 кун бўлган навлар экилгани маъқул.

Соя илдизларида туганаклар ҳосил бўлиши учун уруғ экиладиган тупроқда туганак бактериялари бўлиши керак. Соя экилмагани учун мамлакатимиз тупроқларида туганак бактериялар йўқ. Шунинг учун соя илдизларида туганакларнинг ҳосил бўлишини таъминлаш мақсадида уруғлар экишдан олдин Ризоторфин, Ризобофит, Нитрагин ёки

Ризозот бактериал ўғитлар билан ишланади, яъни инокуляция қилинади.

Тупроқни ишлашда бегона ўт илдизларидан тозаланган дала 28-30 см. чуқурликда ҳайдалади. Ерни ҳайдаш олдиан органик, калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, фосфорли ўғитнинг 70-80 фоизи берилади. Бирор сабабга кўра, фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдаш олдиан солинмаган бўлса, кўрсатилган миқдордаги ўғитларни 10-14 см. чуқурликда биринчи культивация билан бериш лозим бўлади.

Ўнг 1 га майдонга 30-40 т. солинади. Азотли ўғитлар гектарига 30-50 кг. берилади. Сояга 90-100 кг/га фосфор, 40-60 кг/га калий солинади. Илдизларида туганаклар ҳосил бўлма-са 2,0 т/га ҳосил олиш учун 1 гектарга 180 кг/га азот солиш керак. Бу миқдор 529 кг. аммиакли селитрага ёки 391 кг. карбамидга тўғри келади. Агар қўлланилган азотли ўғитнинг ўзлаштирилиш коэффициентини 50 фоиз деб олсак, 2,0 тонна дон ҳосили олиш учун 2 баробар кўпроқ азотли ўғитни (1058 кг. аммиакли селитра ёки 782 кг. карбамид) қўллашга тўғри келади. Шунинг учун соя етиштириш технологиясида уруғларни туганак бактериялар билан ишлаш энг муҳим технологик жараён ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, инокулянтларни қўллаш азотли ўғитларни қўллашга нисбатан 10-11 баробар арзон.

Буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларда албатта экишдан олдин суғориш ўтказилиб, уруғлар нам тупроққа экилади. Такрорий экин сифатида 20 июндан 10 июлгача экиш маъқул муддат ҳисобланади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда соя асосан қатор оралари 60 ва 70 см. қилиб, пунктирлаб экилади. Уруғларни экиш меъёри, тезпишар навлар учун — 500 минг уруғ/га, ўртапишар навлар учун — 400 минг унувчан уруғ/га. Уруғларни экиш чуқурлиги тупроқда намлик етарли бўлганда 4-5 см, тупроқнинг юза қисми қуриганда 6-7 см. Механик таркиби энгил тупроқларда экиш чуқурлигини ошириш мумкин. Экиш СЗУ-3,6, СЗТ-3,6, СПЧ-6, СПЧ-8А, ССТ-12А, СУК-24 сеялкаларида ўтказилади.

Суғориладиган ерларда соя қатор оралари ишланади, ўсимликлар озиклантирилади, бегона ўтлардан тозаланиб суғорилади, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашилади. Қатор ораларини ишлаш одатда ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади.

Соя ўсимлиги битлайди, чигирткалар, ўргимчаккана, трипслар, хасвалардан зарарланиши мумкин. Зараркунандаларга қарши Сумми альфа 0,25-0,30 кг/га, Карате 0,15-0,25 кг/га қўлланилади.

Ҳосили уруғлардаги намлик 14-15 фоиз қолганда, Кейс, Клаас, Доминатор, Джон Дир комбайнлари билан ўриб-янчиб олинади. Уруғлар намлиги 14 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳолда сақланади.

Хориждан келтирилган соянинг янги навлари парваришида юқорида қайд этилган барча технологик усуллар қисқа муддатларда, сифатли ўтказилганда такрорий экиндан 1,5-2 т/га ҳосил олиш таъминланади.

Н.ХАЛИЛОВ, к.х.ф.д.,

М.ЛУКОВ, к.х.ф.н., СамҚХИ.,

А.ИСРОИЛОВ, к.х.ф.н.,

З.АРТИКОВ, "Ўзпахтаёғ" АЖ мутахассиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ёрматова Д., Назарова Ф. ва б. Соя 2017.— б. 63.

2. Сорта, биопрепараты, роторегуляторы, агрохимикаты и технологии. Краснодар:2017.— с.43.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган



(+99871) 150-58-58, 150-68-68

Сайт: www.sninvest.uz

E-mail: info@sninvest.uz

ЗАЪФАРОН – ШАФРАН: ТАЖРИБАДАН АМАЛИЁТГА

*The article is devoted to the study of the bioecological features of *Crocus sativus* L. under the conditions of introduction. Phenology, biology of flowering, and plant reproduction were studied. The terms of the beginning of vegetation, budding, and flowering are determined. In addition, the temperature of the air, the optimum humidity of the air, the temperature of the soil surface during vegetation was studied.*

Заъфарон эфемероид (қисқа вегетацияли) ўсимлик бўлиб, келиб чиқиши Ўрта ер денгизи флорасига мансуб. У гулсафсардошлар оиласи, заъфарон (*Crocus* L.) туркумининг вакили.

Ўсимликдан олинадиган хомашё, қизил рангли гул устунчаларидан тиббиёт ва озиқ-овқат саноатида кенг миқёсда фойдаланилади.

Тиббиётда энгил тетиклаштирувчи, томир тортишишда, оғриқ қолдирувчи, ич кетиш, стенокардия, юрак-қон томир геморрой касалликлари (лейкемия) каби кўплаб дардларни даволовчи восита сифатида қўлланилади. Абу Али ибн Сино "Ал-қонун" асарида заъфарондан 100 ортиқ касалликларни даволашда фойдаланилишини қайд этган.

Озиқ-овқат саноатида қандолат маҳсулотлари, кекс, пирог, турли булочка ва кремлар, музқаймоқ тайёрлашда кенг қўлланилади. Заъфарон қўшилган озиқ-овқат маҳсулотлари бир неча кун ўз сифатини йўқотмайди.

Мамлакатимизда заъфарон дастлаб, ўтган асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника ботаник Тиббиёт ботаникаси лабораторияси коллекциясида интродукция қилинган ва интродуцент сифатида Тошкент шароитига иқлимлашиш жараёнлари ўрганилган (Ю. Мурдахоев, Б.Тўхтаев, 1990—2010 й.). Заъфароннинг экиш муддати— августнинг охири декадаси, вегетация бошланиши — сентябрнинг 2—3 декадаси, барг чиқариш ва гуллаш даври — октябр ойининг ўрталарига тўғри келиши, қиш мавсумида барглarning яшил ҳолатда бўлиб, вегетациясини давом эттириши, кейинги йил май ойининг охирида ўсимликнинг тиним даврига кетиши, 25—30 кунлардан сўнг пиёзлар қовлаб, олиниши ва уларнинг қайта экишгача бўлган вақт давомида 10—12 °C ҳароратда қоронғи жойда сақланади.

2011 йилдан заъфаронни интродукция шароитида етиштириш ва плантацияларини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар турли интродукция шароитларида яъни, ЎзР ФА Ботаника боғи (Тошкент) ва Фарғона (Қува тумани) водийси шароитида давом эттирилди.

Хулоса қилиб айтганда Республика-мизнинг сув билан таъминланган тоғ олди, унумдор тупроқли ҳудудларида катта масштабда заъфарон ўсимлиги плантацияларини ташкил этиш мумкин.

Шунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари қаторини яна бир доривор ва озиқ-овқат хомашёси берадиган қимматбаҳо экин билан кўпайтирган бўламиз. Бу эса ўз навбатида фармацевтика ва озиқ-овқат хомашёсида ишлатиладиган, импорт ўрнини қопловчи хомашёни маҳаллий шароитда етиштирибгина қолмасдан, балки жаҳон бозорига қимматбаҳо маҳсулот сифатида экспорт қилиш имкониятини ҳам таъминлайди.

Б.ТЎХТАЕВ,
б.ф.д.,

А.МАХМУДОВ,
илмий тадқиқотчи.

ШАФРАН (ЗАЪФАРОН)-CROCUS SATIVUS L. НИНГ ФЕНОДИНАМИКАСИ



Туғилган пилёс (20 август)



Вегетациянинг бошланиши (25 сентябр)



Гулча даври 1-йил (15 октябр)



Гулдаш даври 1-йил (25 октябр)



3-4 йиллик ўсимлик



Гулдаш жараёни



Таъриба майдони йиғилган хомашё





Xalq farovonligi faoliyatimiz mezonini !

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88



ТОМОРҚАГА ҚАНДАЙ ЭКИН ЭККАН МАЪҚУЛ?

Айрим одамлар уйининг олдидаги бир ёки икки сотих ер оилага сезиларли даромад келтирмайди деб ҳисоблашади. Аммо, бизнинг назаримизда масаланинг бошқа томони мавжуд. Бу томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиш масаласи ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, қишлоқ оилари томорқа ерларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдаги барча муаммоларни 100 фоиз деб қарайдиган бўлсак, шунинг 90-95 фоизини етиштирилган маҳсулотни самарали сотиш масаласи ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам томорқага экин экишда биринчи навбатда маҳсулотни сотиш масаласини эътиборга олиш лозим. Бунда энг аввало:

— маҳаллий бозорларда (узоқ бозорларга чиқишдаги транспорт муаммоси эътиборга олинмоқда) сотилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки маҳсулотнинг алоҳида навларини танлаш лозим бўлади;

— бозорда сотиш мумкин бўлган маҳсулотни етиштиришга имкон берувчи сиз танлаган экин турини парваришlash, маҳсулот етиштириш бўйича тажрибангиз ёки бундай билимларни осонгина ўзлаштириш имконига эга бўлишингиз керак;

— сиз танлаган экин турини парваришlash, маҳсулот етиштириш учун қулай ер майдони (тупроқ таркиби, унумдорлиги, сизот сувлар чуқурлиги), талаб этиладиган сув таъминоти масаласи, уруғлик, ўғитларни харид қилиш имкониятингизни албатта чама-лаб кўришингиз лозим бўлади.

Ҳеч қачон сабабини ўрганмасдан жорий йилда бозорда қиммат бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга уринманг. Чунки “Оломон психологияси” бўйича ҳудудингиздаги барча томорқа эгалари ҳам шундай йўл тутишади. Бунинг учун жорий йилда ҳудудий бозорда маҳсулот нима сабабдан қиммат бўлганлигини билиш жуда муҳим.

Яна бир масала, томорқада етиштирилаётган маҳсулотлар агарда бозорда арзонлашиб кетадиган тақдирда ички истеъмолга йўналтириш имкони кенг бўлсин. Масалан, мевалар, помидор, бақлажон ёки ширин қалампирни уй шароитида қайта ишлаган ҳолда қишга сақлаш мум-

кин. Бу томорқада етиштирилган маҳсулотингизнинг исроф бўлиши ёки самарасиз истеъмол қилинишининг олдини олади.

Умуман олганда, томорқага экин экиш ҳисобига сизга фойда келтириши мумкин бўлган — бозор ўз хусусиятига кўра доимий эмас. Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехикасини яхши билиш, ерга ишлов беришнинг устаси бўлиш, сизга ҳар доим ҳам фойда келтирмайди. Бозорни мунтазам кузатишни, турли ҳудудлардан олинган ахборотлар асосида тўғри ҳулоса чиқаришни билган аграр тадбиркоргина кутилган фойдани олиши мумкин.

Айни пайтда бозор талабига, транспорт тизимига мослашиш жараёнида маҳсулотнинг хўракибоплик хусусияти пасайиши ва таъми ёмонлашишини илғаш мумкин. Бу эса деҳқон хўжаликларидан томорқа ерларида экилаётган мевали дарахтлар, сабзавотлар навиға, катта эътибор беришни талаб қилади. Баъзан харидорни меванинг таъми қизиқтирмайди, балки ташқи кўриниши, дастурхонга безак бериши, ўзига жалб қилишини ҳам кузатиш мумкин.

Томорқа хусусида яна бир муҳим масала — бу чорвачиликни ривожлантириш ҳисобланади. Азалдан томорқада гўшт, сут ва тухум етиштириш ўзини оқлаб келган. Буни мамлакатимизда сут ва гўштининг 90 фоизидан ортигини деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётгани ҳам исботлайди. Халқимиз чорвачиликни “*Етти хазинанинг бири*” деб бежиз атамаган. Аммо, бунда томорқа хўжалиги бошлиғи эътибор қаратиши талаб этиладиган асосий учта шарт мавжуд:

— биринчи шarti — чорва учун емишнинг асосий қисми

(омихта ем сотиб олиниши) ёки ҳаммаси хўжаликнинг ўзидан чиқиши лозим (молларни яйловда боқиш ва шунингдек, омихта ем учун дон етиштириш ёки донни арзонроқ сотиб олиш имкони борлиги);

— иккинчи шarti — чорва молларини парваришlash учун тажрибага эга иш кучига (бошқа ишларда доимий банд бўлмаган оила аъзолари) эга бўлиш керак;

— учинчи шarti — чорва моллари (паррандалар) бош сони биринчи ва иккинчи шартлар доирасида аниқ чегараланиши лозим. Бу айниқса сутчилик йўналишида жуда муҳим.

Ушбу санаб ўтилган асосий шартларгина томорқада чорвачилик маҳсулотларини иқтисодий самарали етиштириш ва иқтисодий фойда олиш имкони беради.

Томорқада чорвачиликни ривожлантиришда юқоридаги учта шартни бажариш учун ҳудудий ихтисослаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Масалан:

— *қўй ва эчкичиликни ривожлантириш* — Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларининг чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларидаги деҳқон хўжаликларида;

— *қорамолчилиқни ривожлантириш* — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган вилоятлари;

— *сут қорамолчилигини ривожлантириш* — Тошкент, Самарқанд каби йирик шаҳарлар атрофида жойлашган ҳудудларда беқиёс иқтисодий самара беради. Яъни, чорвачилик маҳсулотларини нисбатан арзон етиштириш мумкинлиги, аҳоли томорқасининг устунликларини яққол намоён қилади.

Демак, бундан ҳулоса қиладиган бўлсак, томорқа ерларидан самарали фойдаланишга туртки берувчи муҳим омил, бу — етиштирилаётган маҳсулотнинг товарлиқ даражасини ошириш (бозор учун маҳсулот етиштириш) ҳисобланади.

Н.ХУШМАТОВ,
ЎзҚХИИЧМ и.ф.д., профессор,
У.САДУЛЛАЕВ,
ҚХИИТИ.

ТОМДА ИССИҚХОНА, НАҲОТКИ ?

Фаргона вилоятининг Бешариқ туманидан хизмат сафаримни якунлаб, қайтишда дўстим "Бешариқпилла" МЧЖ раҳбари Абдувоҳид Ҳамдамов билан кўришиш мақсадида корхонага кирдим. У мен билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Қандай янгиликлар? — деб сўради. Мен водий фермер хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, томорқадан фойдаланиш масаласига тўхталдим. — Мен сизни синглимнинг хонадонига олиб бораман, ишонаманки сиз ҳали бунақасини кўрмагансиз, — деб йўл бошлади. Йўл-йўлаккай бир неча бор сўрасам ҳам борганда кўрасиз деб кўя қолди.

Биз Рапқон қишлоғининг Кўрғонча маҳалласига кириб келдик. Бизни ёш бўлса-да соқол қўйган йигит кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг ўзини Дилмуроджон Абдусолиев деб таништириб, хонадони томон бошлади. Ҳовли шинам, томорқа деярли тўлиқ иссиқхона билан қопланган.

— Мен болалигимдан иссиқхонада маҳсулот етиштириш билан машғулман, — дея сўз бошлади у. 10 сотих иссиқхона ярмида помидор, ярмида бодринг. Ноябрь ойи охирида иссиқхонага кўкатлар уруғини сепаман. Февраль ойида кўкатларни сотиб, ўрнига помидор ва бодринг экаман. Бу кўчатларга меҳр билан қарасангиз август ойи-

гача ҳосил беради. Август ойидан кечки помидор ва бодринг экилади. Иккинчи ҳосил ноябрь ойи охиригача боради. Шундай қилиб йил



бўйи маҳсулот етиштириш имконига эгаман. Мана шу 10 сотих томорқа йил давомида 35-40 млн. сўм даромад келтиради. Оила аъзоларим Дилфуза Абдусолиева ва тўрт нафар фарзандим менинг ёрдамчиларим. Озгина бўш қолсам иссиқхона қураётганлар ёки экинини парваришда муаммога дуч келган хамқишлоқларимникига бориб, уларга ёрдамлашаман.

— Кечирасиз, ҳар бир ишни аниқ вақтда бажаришингиз ҳақида

айтдингиз, лекин кўчатлар ҳақида сўзламадингиз? — дедим.

Абдувоҳид кулиб:

— Энди сир очилади, — деди. Айтишга сал ноқулай — деди Дилмурод. — Бу ҳовлига янги кўчиб келганимизда томимиз шифер билан қопланмаган эди. Бир кун томга қор қурагани чиқдим ва мўри атрофининг қуруқ эканлиги эътиборимни тортди. Ўша йили мўри атрофини айлантириб плёнка тортдим ва уруғ сепиб, парваришлай бошладим. Қарангки, кўчатлар зўр ривожланди. Кейин уч хонали уйнинг томини плёнка билан ёпиб, уруғ сепдим. Кўчатлар остидан печнинг иссиғи урса, мўри карнайлари томини иситади. Мана, бир неча йилдан буён томда 15 000 туп помидор ва бодринг кўчатларини етиштираман. Кераклисини ўз вақтида иссиқхонамга ўтқизаман, ортганини харидорлар келиб олиб кетишади.

Томга чиқиб борар эканман ҳақиқатдан ҳам шифер ўрнидаги қалин плёнка қопламаси, иссиқ бўлса-да томда бодринглар пишиб турибди.

Қаловини топса, қор ҳам ёнади, — деб бежиз айтишмаганига яна бир бор иқдор бўлдим.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Дилмуроджон Абдусолиев томда етиштираётган бодрингларни кўздан кечирмоқда.

ЖАМБИЛ

Одатда овқатта жамбилнинг хушбўй ҳидли ва ёқимли мазали майсаси ишлатилади. Унинг янги ва қуритилгани зирavor сифатида гўшти ва ба-ликли таомларга қўшиб истеъмол қилинади.

Сабзавот ва гўшдан тайёрланган салатларга ҳамда парранда гўштини пиширганда уларга солинадиган ма-салликларга қўшилади. Жамбил колбаса ва котлет қий-масига ҳам қўшилади. Помидор, бодринг, карам, гул-карам ва бошқа сабзавотларни тузлаш, зиралаб сир-калаш ҳамда консервалашда зирavor ўсимлик сифа-тида ишлатилади.

Жамбил иштаҳани очади, овқат ҳазмини яхшилай-ди ва бактерияларни нобуд қилади. Ундан тайёрланган



димлама ва қайнатма халқ табобатида ич кетишни тўхтатиш, меъда-ичак спазмасини даволаш, ич дам бўлганда ел ҳамда сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ва гижжаларни туширишда ишлатилади.

Боғ жамбили лабгулдошлар оиласига мансуб, по-ясининг бўйи 30-60 см. га етадиган бир йиллик ўт ўсим-лик бўлиб, пояси тик ўсувчи, ингичка, тўрт қирра-ли, баъзан юқори қисми шохланган бўлади. Барглари чизиқсимон бўлиб, поя ва шохларда банди ёрдамида қарама-қарши жойлашган. Кўк — бинафша рангли, беш бўлакки, икки лабли гуллари барг қўлтиғига жой-лашиб, поя ва шохлари ичида бошоқсимон тўпгул-ларни ҳосил қилади. Ўсимлик кеч куз ёки баҳорда эки-либ, июль-сентябрь ойларда гуллайди, уруғи август-октябрь ойларидея пишади. Уруғи майда, думалоқ, қора-жигар ранг.

Ўсимлик четдан чангланади (арилар чанглатади). Жамбил иссиқ ва ёруғсевар ўсимлик бўлиб, уруғи туп-роқ ҳарорати 14°C дан юқори бўлганда униб чиқади, совуққа чидамсиз. Юмшоқ ва унумдор тупроқларда яши ҳосил беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидея экиш учун тав-сия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реес-трида жамбил навлари йўқлиги туфайли одатда унинг маҳаллий ва чет эл намуналари экилади.

Жамбил ҳовлига хуш бўй ва кўркамлик бахш этиб, оилага шифобахш зировардир.

Б.АЗИМОВ, профессор.

ФАРОВОНЛИК ТАЯНЧИ

Томорқа хўжалиги аҳолининг даромад манбаларидан бири бўлиб, ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қарши шаҳрида ҳар қадамда эл тўкинлигига ҳисса қўшиш ҳисси билан яшаб, томорқаларидан ҳавас қилса арзиғулик даромад олаётган хонадон эгаларини кўплаб учратиш мумкин.

Шаҳарнинг сўлим гўшаларидан бири Қашқада-рёдаги Амир Темура кўприги атрофида жойлашган "Ровоқ" маҳалласи аҳолиси томорқаларида олиб борилаётган ишлар киши дилини равшан этади. Мужазгина боғ билан бошланган Зумрадхон опа хонадони мисоли ҳикоятлардаги жаннат остонасини эслатади.

Боғча ва ҳовлидаги мевали дарахтларнинг энг сара, камёб навлари ҳар бир тури биологик хусусиятларига таянган ҳолда экилган. Аввало кўчат экиш ишлари сифатли ўтказилганлиги боис, шунингдек, талаблар даражасида парваришлаш ҳамда шакл бериш ишлари илмий асосда бажарилганлиги сабабли ҳар бир дарахтнинг кўриниши анвойи гуллар билан уйғунлашиб кўзни қувонтиради. Дарахтларнинг қуёш нури йўналишида тартиб билан экилганлиги, қатор ораларида йил давомида турли хил сабзавот ва кўкатлар экиб фойдаланиш имконини беради.

— Мавжуд 6 сотих томорқамизда етиштирилган сабзавот-кўкатлардан қишки заҳирани яратиб, йил давомида фойдаланамиз ва ҳатто ортиқчасини сотиб яхшигина даромад ҳам оламиз. Экиладиган экинларнинг уруғларини ўзимиз тайёрлаемиз. — дейди Зумрадхон опа. — Экинларни жойлаштиришда алмашлаб экиш қоидаларига қатъий амал қилаемиз. Томорқамиз тупроғи унумдор, мукамал фойдали мироорганизмларга бойлиги сабабли экинларни парваришлашда минерал ўғитлардан, шу билан бир қаторда касаллик-зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлардан фойдаланмаймиз.

— Томорқа соғлом турмуш тарзининг асоси ҳисобланади. Инсон йил давомида табиат инъомларидан меъёрида истеъмол қилиб турса, асосийси мазкур маҳсулотлар экологик жиҳатдан тоза бўлса, у доимо соғлом, провардида кайфияти аъло даражада бўлади. Аъло кайфият билан бошланган ҳар бир кун албатта самарали ўтади, — дейди хонадон соҳиби шифокор Арслонжон Давронов. — Оила аъзоларимиз билан ҳар тонгда бадан тарбияни томорқа ишлари билан бошлаймиз. Тўкин дастурхон атрофидаги нонуштадан сўнг ҳар биримиз ўз ишимизга шошиламиз. Бу анъана ишдан кейин ҳам давом этади.

Арслонжон аканинг таъбири билан айтганда, томорқа фаровонликнинг бош бекати ҳисобланади. Бинобарин, томорқанинг ўтган йилдаги "оила бюджети"га қўшган салмоғини ҳисоб-китоб қилганимизда, мавжуд 8 туп шафтолидан 1,2 млн. сўм, битта меваси 0,5-0,6 кг. гача келадиган 4 туп ноқдан 3

млн сўм, 5 туп қора анжирдан 10 млн. сўм. навдор 30 туп, шундан 20 таси данаксиз, 10 таси данакли анордан 25 млн. сўм, ҳосилдор хураки 8 туп узумдан 20 млн. сўм, қолаверса сабзавот-кўкатлардан 5 млн. сўм, шунингдек 10 бош зотдор қорамолнинг 2 боши соғин сигир бўлгани ҳолда 22 млн. сўм, 55 та тухум йўналишидаги товукдан 8 млн. сўм, 10 бош она куркадан 6 млн. сўмдан ортиқ, жами 100 млн. сўмдан ортиқ даромад қилинди.

— Томорқамиздан олинаётган даромад миқдори биз учун чегара эмас. Келгусида иссиқхона таш-



кил этиб, субтропик экинлар, кам тарқалган сабзавотлар етиштиришни йўлга қўямиз. Сунъий ҳовузларда сермахсул балиқчиликни ташкил қилиш режамиз бор. Шунингдек хона гуллари етиштириш бўйича амалий ишларни бошлаб юборганмиз. — дейди хонадон соҳиби. — Томорқачи маҳсулот етиштириш билан бир қаторда уни юқори нархларда сотиш йўлларини ҳам билмоғи лозим. Бунинг учун маҳсулотларни сақлаш илмидан бохабар бўлиши керак.

Арслонжон ака томорқа хўжалигини бошқаришда қишлоқ хўжалигининг илмий асослари, хорижий ва илғор тажрибаларга таяниб иш тутади. Бу борада турмуш ўртоғи Зумрадхон опа доимий ҳамкор. Экинларни суғоришда сув, органик ўғитлар, унумдор ашёлар билан тўйинтирилади. Уларнинг орзуси томорқада томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш.

Она табиат халқимизга серқуёш осмону саховатли заминни инъом этган. Эндиликда томорқадан оқилона фойдаланишимиз, уйимизда эл-юрт тўкинлигига ҳисса қўшадиган тадбирларни амалга ошириб, хонадон хўжалиklarини ташкил этиб, турмуш даражамизни янада оширишимиз муқаддас Ватанга, танти халқимизга бўлган садоқатимиз рамзидир.

Ф.МИРЗАЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Ровоқ маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Н.Ёмғирчаева ва хонадон соҳибаси З.Рахимова.

ЯНГИ ТЕЗКОР ТЎЛОВНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

“Ўзагросуғурта” АЖ ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида суғурта полисларининг хариди учун виртуал терминал орқали тўловни амалга оширишни жорий этди.

“Ўзагросуғурта” томонидан тақдим этилаётган CLICK INSURANCE Indoor — тўлов хизмати республикамизнинг исталган ҳудудидан қисқа муддатда суғурта полислари учун тўловларни нақд пулсиз ва пластик картасиз амалга ошириш имкониятини очиб беради.

ларини турли услубларда бажариш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қўшимча қулайликлар ҳам яратилган, яъни:

1-усул. Экспресс-тўлов USSD-меню орқали.

Якуний ҳисоб чиқарилгандан сўнг бўлинма кодини сўраган ҳолда телефонингизда қуйидаги буйруқни

бўлимидан суғурта полиси хариди учун тўловни амалга оширишингиз мумкин.

4-усул. “Дўстим ҳисобидан” хизмати орқали тўловни амалга ошириш.

Агар қартангизда етарлича маблағ бўлмаса яқинларингизга мурожаат этишингиз мумкин.

Телефонингизда қуйидаги USSD — буйруғини теринг: *880*бўлинма коди*сумма* дўстингиз телефон рақами # ва чақирув тугмасини босинг.

Мобиль илова орқали тўловни амалга оширишда, карта рўйхатидан “Дўстим ҳисобидан” опциясини танлаш лозим.

Эслатма: мазкур (4-усул) билан тўловни амалга ошириш учун дўстингиз CLICK тизимига уланган бўлиши лозим.

USSD — меню орқали, қисқа USSD — сўров ёрдамида (*880*суғуртачининг_коди*сумма#), мобиль илова орқали ва шу билан бирга суғуртачи томонидан ҳисоб чиқариш услубида. Тўловларни янада тезкор тарзда амалга ошириш учун ҳар бир суғурта бўлимига QR — кодни тақдим қилинган. Ушбу QR — кодни ўқиш имкониятига эга телефон аппарати орқали муносиб иловалардан бири ёки янгилаётган ва яқин вақт ичида тақдим қилинадиган CLICK мобиль иловаси орқали ўқиши мумкин.

CLICK INSURANCE — виртуал терминал хизматининг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, мижозларнинг 120 дан ортиқ суғурта турлари учун пул ўтказмалари мутлақо бепул тарзда амалга оширилади.

Маълумки, бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қамровли тузилмага эга бўлган “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида жами 14 филиали, 188 дан ортиқ туман ва шаҳар бўлинмалари, 570 та агентлик шаҳобчалари мавжуд бўлиб, тизимда 2000 дан ортиқ суғурта агентлари фаолият юритади.

Бинобарин “Ўзагросуғурта” томонидан ўз мижозлари учун келгусида бу каби қулайлик ва афзалликларни тақдим этиш борасида бир қанча янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётгани айниқса, эътиборга лойиқ.

Яшнарбек ҲУСАНОВ.

CLICK Insurance
орқали
СУГУРТА ПОЛИСИНИ
харид қилинг

**ТЕЗ!
ҲАММАБОП!
ҚУЛАЙ!**

“Ўзагросуғурта” компаниясининг қулай махсус хизмати - мобил телефон орқали, нақд пулсиз ва пластик картасиз суғурта полиси учун тўловни амалга ошириш имконини беради.

ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛА



Тўловлар бўйича савоаллар учун +998 (71) 231-0-880 *880# www.click.uz

 Суғурта бўйича савоаллар учун +998 (71) 200 95 95 agros.uz

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан жорий этилаётган ушбу виртуал терминал хизмати диёримизнинг энг чекка ва узоқ ҳудудларидаги мижозларга суғурта хизматларидан фойдаланишлари ва исталган усулда тўловни амалга оширишлари учун ҳар томонлама қулай бўлган таҳсинга сазовор янгилик, десак муболаға бўлмайди.

CLICK INSURANCE — тўлов тизимининг афзалликлари шундаки, мижоз компания офисига келмасдан туриб, исталган ҳудудда, қисқа муддатда, реал терминалсиз, электроэнергиясиз ва интернетга уланишни талаб этмаган ҳолда тўловни мобил телефон орқали амалга оширади. Суғурта мукофоти муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг, мижозга тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги хабар СМС кўринишида келиб тушади.

Мижозлар учун тўлов операция-

теринг: *880* бўлинма коди*сумма# ва чақирув тугмаси босилади;

CLICK-PIN кодини киритиш орқали тўловни тасдиқланг.

2-усул. CLICK Uzbekistan уяли алоқа иловасидаги QR-коди орқали.

Иловани очинг ва «QR сканер» тугмасини босинг;

Телефонингизни QR-кодга тутиб ўқиш бўлинма рақамини теринг

Бўлинма номини текширинг ва тўлов суммасини киритинг

Суммани текшириб кўринг ва тўловни тасдиқланг

3-усул. Ҳисоб чиқариш билан тўловни амалга ошириш.

Суғурта Компанияси вакилидан Сизнинг телефон рақамингизга ҳисоб чиқаришини сўранг. Шундан сўнг *880# рақамини теринг ва CLICK-PIN кодини киритиш орқали тўловни амалга оширинг ёки «CLICK Uzbekistan» мобил иловасининг “Чиқарилган ҳисоблар”

МАРЖУМАКНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИШ

Маржумак (гречиха) — ўтсимон дон экини. Маржумакнинг бўйи 50-150 см. га етади. Пояси шохланади, яланғоч, қиррали, қизғиш-яшил. Меваси 3 қиррали, кўнғир, қора ёки кулранг. Дони таркибида 12-18% оқсил, 59-62% азотсиз экстрактив моддалар, 2,5-2,7% мой бор, фосфор, органик кислоталарга бой. Донидан турли ёрмалар ва ун тайёрланади. Чикиндилари чорва учун озуқа. Маржумак намсевар, иссиқсевар экин. Ниҳоллари -2 °C совуқда зарарланади. Вегетация даври 70-90 кун. Асаларилар ёрдамида чангланади. Тупроқ унумдорлигига қараб ҳосилдорлиги 30-44 ц/га. Зараркуналлари: симкурт, битлар; касалликлари: кулрангчириш, занг, қоракуя.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Агидель, Илишевская, Инзерская, Чисменская ва ҳ.к.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун рўвакнинг энг юқори қисмидаги серҳосил уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Маржумак кузги донли экинлар, картошка маккажўхори, қанд лавлаги, мак-

кажўхори, дон-дуккакли экинлардан кейин экилади. Ерни экишга тайёрлаш ўтмишдош экинларнинг қолдиқларидан тозаланади ва 20-22 см. чуқурликда юмшатилади, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Маржумак уруғи июлнинг охири ва 10 августгача ёппасига қаторлаб экилади. Қатор ораси 15 см. бўлганда, 10 сотих майдонга 5-6 кг. уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4-5 см.

Парваришлар. Ўсимликлар яғана қилинмайди. Экин вегетация мобайнида 2-4 марта суғорилиб, ўтоқ қилинади. Суғоришлардан кейин ер юмшатилади, биринчиси 4-5 см, иккинчиси 6-8 см чуқурликда.

Ўғитлаш. Маҳаллий гўнг ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади (10 сотихга 2 т. ҳисобиди). Зарур ҳолларда (гўнг етмаганда) 10 сотихга 4 кг. азот, 2 кг. фосфор, 4 кг калий берилди.

Ҳосилни йиғиштириш. Маржумак донлари тўла етилганда ўриб олинади. Пояси чорва моллари учун озуқа бўлади.



УЙ ШАРОИТИДА АСАЛАРИ БОҚИШ

Асалари бежиз етти хазинанинг бири, деб ҳисобланмайди. Ҳақиқатан ҳам бу фойдали ҳашаротнинг фойдаси жуда катта. Унинг асали, захри, сути, прополиси, гулчанги кўпгина хасталикларга даво эканлиги ҳаммага маълум. Шунингдек, унинг муми саноатимизда муҳим хомашё ҳисобланади.

Асалари оиласи. Асалариларнинг ўртача оиласи 50-80 минг ишчи асалари, юзларча эркак асалари ва битта она асаларидан ташкил топади. Шу билан бир вақтда, оилада тухум, личинка ва гумбаклар ҳам бўлади.

Она асалари уядаги яғона урғочи асалари бўлиб, барча асалариларнинг онасидир. Яхши она асалари кунига 2000 тагача тухум қўяди. Асалари оиласининг соғлом бўлиши, она асаларининг сифатига боғлиқ. Она асалари беш йилгача яшashi мумкин. Аммо икки ёшга киргач, унинг тухум қўйиш қобилияти пасаяди ва кўпроқ эркак асалари чиқадиган тухум қўя бошлайди. Шунинг учун ҳам тажрибали асаларичилар она асаларини ҳар йили алмаштирадидилар.

Асалари оиласи қанча асал беради? Асалари оиласининг асал бериш миқдори ва сифати турли омилларга боғлиқ. Умуман олганда, битта асалари оиласи ўртача 15-20 килограммгача асал бера олади. Агар асалари оиласи тўғри парваришланса, ундан ҳам кўп асал олиш мумкин. Айрим асаларичилар эса бундай асалариларни кўз қорачиғидай асраб, вақти-вақти билан озиқлантириб, мўл-кўл асал олишга эришяптилар ҳам. Аммо қанча асал бериш ҳар бир асалари оиласида турлича бўлади. Булар албатта, уяларни яхши, сарасал ўсимликлар жойлашган жойга кўчириб туришга ва асалари зотига ҳам боқлиқдир.

Фойдаси бирга бир. Хуллас, уй шароитида 10 тагача асалари оиласини боқиш бемалол ўзини оқлайди. Хўш, уй шароитида асалари оиласини боқишни қандай йўлга қўйиш мумкин? Агар ҳовлингиздаги томорқада

етарли шароит бўлса, ҳеч иккиланмай, бу ишни бошлайверишингиз мумкин. Аввало яхши асалари зотларини танлаб, харид қилинг.

Оддий мисол, уй шароитида битта асалари оиласидан бир йилда ўртача 15 кг. асал олинди, дейлик. Демак, бир йилда рўзгорингизда боқилаётган 10 та асалари оиласидан 150 кг. дан зиёд асал олинади. Бир килограмм асалнинг ўртача нархи бозорда 18 минг сўм деб ҳисобласак, бу бир йилда уй шароитида ҳар бир асалари оиласидан 324 минг сўм ёки 10 та асалари оиласидан эса 2,7 миллион сўм қўшимча даромад келди демакчи.

Агар, асалари оиласини харид қилмоқчи бўлсангиз, аввало, унинг соғломлигига эътибор беринг. Асалари оиласига четдан туриб разм солинг, асалариларнинг уядан учиш ва қайтиб келишига эътибор беринг. Уларнинг учиш парвози бир текисда, иттифоқ бўлиши керак.

Уядаги рамкалардаги наслнинг жойлашишига эътибор қаратинг. Рамкадаги очик ва ёпиқ насл бир текис жойлашган бўлса, демак она асалари ёш, серпушт бўлади. Оилада эркак асалари сони кўп бўлса, билингки, оиладаги она асаларининг ёши каттадир. Бундай она асаларини алмаштиришга тўғри келади. Шу белгилар билан оиладаги она асаларининг ёши аниқланади.

Асалари оиласини текшириш қодалари. Асалари оиласини ташқи ҳарорат салқин жойда +14 °C дан паст бўлмаганда, умумий текширишга киришилади. Аммо асалари оиласининг умумий аҳволи қониқарли бўлса, у ҳолда тўлиқ текшириш ишлари ҳаво ҳарорати 16-18 °C даража бўлгунча қолдирилади.

Асалари оиласини текширишда тутатгич ёрдамида асалари уясига асалари кирадиган туйнукча орқали 2-3 марта тутун тутатилади, орадан 1-1,5 дақиқа ўтгач,

уя қопқоғи очилиб, устки ёпқичнинг бир чеккасини қайтариб, секин-аста рамкаларни асаларичи исканаси ёрдамида чиқариб олиб, текширишга киришилади.

Асаларичи иш бажаришга киришишда, аввал ишлаш учун керакли асбоблар: асаларичи кўчма қутиси, чириган тўнка, дарахт пўкаги ва тутатгич асбобини тайёрлаб қўйиши лозим. Асалари уясида асалари оиласи билан иш бошлашда, олдин оқ халат ва бошга кийиладиган тўрли юз ниқобини кийиб олиш керак.

Уядан чиқариб олинган рамкаларни уя устида кузатиш тавсия этилади, шундай қилинганда рамкадан тўкилган ёш асаларилар уяга тушади ва нобуд бўлмайди.

Парваришlash. Уй шароитида асалари оиласини парвариш қилаётганингизда, даладан яхшигина шира келаётган бўлса, янги берилган мумпардали рамкаларни бир кунда тўқийди. Уядаги рамкаларнинг устки қисми оқариб кетади, ҳатто уядаги рамкалар устидаги сурпматони ҳам мум билан ёпиштириб ташлайди, шунда уларни рамкалар устидан зўрға кўтариб олиш мумкин. Бу белгилар, асал тортиш даври бошланганини билдиради.

Асалли рамкалар устидаги мум қопқоқчалар ўткир ва иссиқ пичоқ ёрдамида кесиб олинади. Бундай рамкалардаги асал махсус асбоб — асалтортгич ёрдамида ажратиб олинади. Асали олинган рамкаларга бир оз сув сешиб, асалари оиласига берилса, уни асаларилар тез ва осон тозалаб қўяди.

Асал тортиш мавсуми йил давомида 2-3 маротаба, айрим йилларда эса ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Асал тортиш мавсуми тугагач, асалари оиласи қиш-

ловга тайёрланади. Бунинг учун қишлоғга кетадиган асалари оилаларида кўп миқдорда ёш асаларилар бўлиши таъминланади ва ҳар бир асалари оиласига қишлоғ учун, унинг кучига қараб 10-15 кг. гача сифатли озукка асал қолдириш лозим.

Қишлоғга кетадиган асалари уясидаги рамкаларнинг усти ва ён томонлари иситиш ёстиқчалари билан ўраб қўйилади. Асалари қутисидagi устки ва остки учиш туйнуклари ҳажми битта асалари кириб-чиқадиган тарзда

трайитириб қўйилади. Қишлоғ даврида онда-сонда қишлоғ қандай ўтаётгани текшириб турилади.

Асалари касалликлари ва уларнинг олдини олиш. Асалари оиласининг ривожланишига асосан варроатоз, акарапидоз, америкача ва европача чириш, нозематоз, аскосфероз, пестицидлар билан заҳарланиш ва бошқа бир неча инфекцион ва инвозион касалликлар тўсқинлик қилади. Варроатоз

касаллиги бугунги кунда энг хавфли касаллик бўлиб, каналар ишчи, эркак ва ёш асалари танасида паразитлик қилиб яшайди. Агар йил давомида варроатозга қарши курашилмаса, асалари оиласи нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Асаларининг касалликлари ҳар хил бўлади. Уларни икки гуруҳга — юқумли ва юқумсиз касалликларга ажратиш мумкин.

Асалари касалликларининг олдини олишнинг энг асосий йўлларида бири — ҳар йили барча асалари оилаларини ветеринария врачлари кўригидан ўтказиш ва асалариларга баҳорда антибиотик дорилар қўшилган қўшимча озиқалар беришдир.



БЕДАНА — КИЧИК, ДАРОМАДИ — КАТТА

Хусусиятлари. Ҳозирги кунга келиб бедана боқиш ва кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан яхшигина даромадли соҳага айланган. Бедана анча маҳсулдор бўлиб, модаси бир йилда 250-255 тагача тухум қўйиши мумкин.

Тухумдан чиққан полапонларнинг қарийб 70-80 фоизи яшаб кетади. Жуда тез ривожланади ва турли касалликларга бардошли.

Тўғри, бедананинг вазни енгил, тухумлари ҳам майда. Аммо бедана гўшти ва тухумларининг фаройиб шифобахш хусусиятлари сабабли унга доим талаб юқори.

Тухуми кичкинагина бўлиб, учтаси бир товук тухумига тенгдир. Тухумининг оғирлиги 8-14 грамм, сўйилган бедананинг оғирлиги 100-120 грамм келади. Бедана 50-60 кунлик даврдан бошлаб тухум қўя бошлайди, ҳатто, 40 кунлигидан ҳам тухумга кириши мумкин. Бедана тухуми товукниқига нисбатан бир неча баробар фойдали ва ажойиб хусусиятларга эга. Товук тухумига қараганда бедана тухуми таркибида калий 5, темир 4,5, В₁ ва В₂ витаминлари 2,5 баробар кўп бўлиб, А витамини, никотин кислотаси, фосфор, мис, лизоцим, кумуш ва бошқа аминокислоталар ҳам анчагина. Оқсил моддаси ҳам бошқа паррандалар тухуми-

даги нисбатан анча юқори.

Парваришlash. Беданани хонаки тарзда боқиш ва парваришlashнинг ўзига хос томонлари бор. Аввало, уларни жуда яхши ўрганиш зарур. Бу қушлар шовқинни ёқтирмайди. Чунки улар озодликда ўтлар қалин ва баланд ўсган жойларни макон тутишади. Шу боис ҳам бедана парваришlanадиган қафаслар (қовоқлар)ни уч томонидан, шовқин ўтказмайдиган мато билан қоплаш мақсадга мувофиқ.

Бедана сақланадиган қафас елвизак эсадиган, қаттиқ шовқин эшитиладиган ва кучли ёруғлик тушадиган бўлмаслиги лозим. Қафас ичига уюм-уюм хашак солиш талаб этилади, беданалар уларнинг орасига кириб олишни жуда яхши кўради. Вақти-вақти билан уларни янгисига алмаштириб туриш керак.

Катта беданалар бир кеча-кундузда икки-уч марта озиқлантирилади. Омихта еми таркибида дон-ун (арпа, сули, майдаланган маккажўхори унлари аралашмаси) - 60 фоиз, оқсилли аралашма (творог, майдаланган балиқ) - 35 фоиз ҳамда минерал аралашма (тухум пўчоғи, бўр) бўлиши мақсадга мувофиқ. Одатда беданаларга соя ва кунгабоқар шроти



(кунжара) бериш мумкин, аммо чигит кунжарасини бериш керак эмас.

Тухумдан чиққан полAPONлар дастлабки ҳафта мобайнида бир кеча-кундузда беш мартагача озиклантирилади. Бир ярим ойлик бўлгунига қадар секин-аста камайтирилиб, икки марта озиклантиришга ўтилади. Ёз ойларида эса қушларнинг ҳар бири ҳисобига қўшимча равишда кунига ўртача 10 грамм атрофида майдаланган барра ўт ҳам бериш тавсия этилади. Идишида ҳаммиша тоза сув бўлиши лозим.

Икки ойлик бўлгунидан сўнг беданаларнинг вазни ўсишдан тўхтайтилади. Бу пайтда нар беданаларнинг оғирлиги 400 граммгача этиши мумкин.

Кўп тухум олишни кўзлаганлар учун бир квадрат метрлик майдонда 50 тагача бедана боқиш тавсия этилади. Бедана тухумлари совуққа таъсирчан, шу боис ҳам уларни тезроқ иссиқроқ жойга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бедана тухумининг фойдали хусусиятлари: инсоннинг қон босимини меъёрига келтириб, иммунитетни кучайтиради; юрак қон-томир фаолиятини яхшилайди; соч ва тишлар тўкилишининг олдини олади; асаб тизими бузилиши, камқонлик, гипертоник касалликлар, бронхиал астма ва қандли диабетда ижобий самара беради; умрни узайтиради, кўриш қобилиятини яхшилайди; унинг ёрдамида гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари, ўпка шамоллаши, ошқозонности беши яллиғланиши, стенокардия каби кўпгина касалликларни даволаш мумкин.

Бедана тухумини хона ҳароратида 30 кун, совуқда 60 кунгача сақлаш мумкин. Тадқиқотчилар ва табиблар бедана тухумини исътемом қилишнинг ин-

сон организмдаги ҳеч бир аъзога зарари, салбий таъсири йўқлигини аниқлашган.

Бедана гўшти етиштиришни мақсад қилганлар учун эса бир квадрат метр майдонда 20-30 беданани парвариш тавсия этилади. Унинг гўшти юқори калорияга эга, тўйимлилиги, мазаси ва парҳезбоплиги жиҳатидан кўн ва товуқ гўшtidан устун туради. Юрак, ошқозон, жигар, ўпка, буйрак касалликларида истеъмом қилинади, сурункали касалликларни даволашда асқотади, ҳаётий тонусни оширади ва суякларни мустаҳкамлайди.

Бедана қафасидаги ҳароратни мунтазам 25 даража атрофида сақлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Аммо вояга етган беданалар, ҳатто, иситилмайдиган қафасларда ҳам қишни бемалол ўтказа олади. Танасидаги юқори ҳарорат, зич иссиқ патлари ва хашак ичига кириб олиши уларни совуқдан асрайди.

Одатда битта бедана саккиз ой боқилади, шундан олти ой давомида тухум олинади, саккиз ойдан сўнг гўшtdа сўйилади. Битта бедана олти ой давомида тахминан 130 та тухум беради. Буни беданалар сонига кўпайтириб, даромадни чамалаш мумкин. Масалан, 30 кунлик 200 та мода беданангиз бор бўлса, уни боқиш учун бир суткада ўртача олти килограмм ем сарфланади. Агар шунча беданани тўғри озиклантирсангиз, ойдаги 4800 донагача тухум олишингиз мумкин.

Бедана касалликларининг олдини олиш. Бедана солинган қовоқни мунтазам тарзда тозалаш, уни тез-тез дезинфекциялаб туриш тавсия этилади. Шунингдек, уларни боқувчи кишининг ўзи ҳам санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя қилиши алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ПАРРАНДАЛАРНИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Жўжа ва товуқларни касалликлардан ҳимоя қилиш учун куйида келтирилган режа асосида эмлаш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

Жўжаларга дастлабки кундан бошлаб А, Д, Е, С ва В гуруҳига кирувчи витаминларни меъёридаги миқдорларда бериб борилиши, кўпчилик юқумсиз касалликларнинг олдини олиб, жониворлар-

1-жадвал

ВАКЦИНАЛАР	
1. Марека	1 кунлигида мускул орасига
2. Гамборо	7-8 кунлигида сув билан
3. Ла-Сота	14 кунлигида бурнига 2 томчи
4. Гамборо	17-18 кунлигида сув билан
5. ИБК-НБ	35 кунлигида бурнига 2 томчи
6. Сальмонеллэз	43 кунлигида оғизга 5 томчи
7. ИЛТ	45 кунлигида кўзига 1 томчи
8. ИБК-НБ	65 кунлигида бурнига 2 томчи
9. ИЛТ	80 кунлигида кўзига 1 томчи
10. ИБК-НБ	90 кунлигида бурнига 2 томчи
11. Сальмонеллэз	105 кунлигида оғиз-бурнига 5 томчи
12. Парранда чечаги	115 кунлигида қаноти остига
13. ССЯ	115 кунлигида мускул орасига

ни соғлом ўсиб-етилишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, паррандалар озукасига турли микро ва макроэлементлар ҳамда бошқа қўшимчаларнинг бериб борилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Паррандаларни озиклантиришда 1 бош паррандага сарф қилинадиган комбикорма миқдори (2-жадвал).

Ғоз ва ўрдакларни сақлашда юқоридагилардан ташқари уларнинг чўмилиши учун ҳавза бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сақланаётган оғилхоналарга паррандаларнинг (товуқ, ўрдак, ғоз) киришига йўл қўймаслик зарур.



2-жадвал

Ёши, кунлик	Кунлик меъёр, граммда
1-4	11
5-21	17
22-56	41
57-112	70
113-133	90
134-160	120

21-23-бетлардаги материаллар “Аҳоли томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма” китобидан олинди.

ТАДБИРКОРЛАР САЛОҲИЯТИ

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани яхши маълум. Энг муҳими, Президентимиз ва ҳукуратимизнинг бу борадаги ғамхўрлигини дилдан ҳис қилган ишбилармонларимиз тобора дадиллик билан халқ хўжалигининг турли тармоқлари, жумладан мелиорация ва ирригация соҳаларида ҳам ўз куч ва ғайратларини синаб кўриб, муваффақият қозонишмоқда.

Жиззах вилоятида 2017 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида бир қатор иншоотларда 20 миллиард 808 миллион сўмлик қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ана шу ишларнинг қарийб ярми, аниқроғи 9 миллиард 716 миллион сўмлик қисми айнан тадбиркорлик субъектлари томонидан якунига етказилиши керак. Табиийки, бундай масъулиятли ва кенг қамровли ишлар жиддий синовлардан ўтган, шу соҳада ўзига яраша тажриба ва кўникмага, аҳил ва ишчан жамоага, қудратли моддий-техника базасига эга бўлган ишбилармонларга ишониб топшириляпти. “Шухрат Нодирбек” ХК, “Дренаж мелиорация”

ТК, “Омад дубль” МЧЖ каби жамоалар айнан ана шундай салоҳиятлардан саналишади. Ҳар биттаси сўнгги йилларда бир мавсумнинг ўзида камида 2-3 миллиард сўмлик мелиорация иншоотларини барпо этиш ёки эски объектларни тиклашга муваффақ бўлаётганининг ўзи бу корхоналар имкониятининг юқорилигини исботлаб турибди.

Ушбу корхоналар орасида “Сангзорбулоқ” масъулияти чекланган жамияти экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳажми, қурилиш объектларининг долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жамоа ўтган 2016 йилда вилоят ҳудудида 5 миллиард сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишларини бажариб

берди. Жамият кучи билан 3 та вертикал дренаж қудуқ, салкам 19 километр узунликдаги ёпиқ ётиқ дренаж, 15 та гидропост, 350 дан ортиқ қузатув қудуқлари қурилди ёки реконструкция қилинди.

— Жамоамиз жорий йилда ҳам самарали ишлашга аҳд қилган, — дейди “Сангзорбулоқ” МЧЖ



раиси Баҳодир Маматқулов. — Жумладан, Дўстлик туманида салкам 22 километрлик ёпиқ-ётиқ дренаж қуриш, деярли барча туманлар ҳудудида гидропостлар барпо этиш, Пахтакор туманида катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажариш, умуман олганда 4 миллиард сўмликдан ортиқ ишларни бажариб беришни зиммамизга олганмиз.

Воҳада шунингдек, ирригация соҳасидаги ишларда ҳам тадбиркорлик субъектлари кучидан унумли фойдаланиляпти. Бу борада тажрибали жамоаларнинг етарли эканлиги пудрат ишларини бажариш учун энг маъқул, рақобатбардош жамоаларни танлаб олиш имкониятини яратмоқда. Чунончи, суғориш тармоқларидаги ишларни ўтказилётган

тендерлар орқали ютиб олган “Жиззахсувтармоқ таъмир” МЧЖ, “Қурилиштаъминоти” КТИЧК, “Махсус мелиорация таъмир” ШК каби корхоналар амалга оширилаётган ишларга салмоқли улуш қўшишмоқда. Мисол учун, номи саналган 3 та жамоа бир бўлиб, ирригация иншоотларида ўтган йили 10 миллиард сўмлик, жорий йилнинг биринчи ярми тугамасдан 7 миллиард сўмликдан ортиқ ишларни уддалашди.

— Бу йил Арнасой, Дўстлик, Зомин ва Зафаробод туманлари ҳудудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиб, 15 километр узунликдаги лотокларни янгилашимиз керак, — дейди “Қурилиш таъминоти” КТИЧК раҳбари Жамшид Ҳамроев. — Бошқача айтганда, йил давомида 4 ярим миллиард сўмликка яқин маблағни ўзлаштиришимиз лозим. Бу озмунча иш эмас, уни бажариш учун эса тажрибамиз ҳам, кучимиз ҳам етади...

Ҳа, мелиорация ва ирригация соҳаларида фаолият юритаётган жиззахлик ишбилармонлар меҳнати туфайли канал ва коллекторлар, гидротехник иншоотлар ҳолати тобора яхшиланмоқда. Янги тортилган лотоклар экинзорларга оби-ҳаёт элтаётир. Минглаб гектар майдонларнинг ҳосилдорлиги ортиб, уларда етиштирилаётган ноз-неъматлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилмоқда.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Қурилиш таъминоти” КТИЧК аъзоси Нуриддин Сатторов (чапдан ўнга), жамоа раҳбари Жамшид Ҳамроев ва техник назоратчи Олим Сайдуковлар янги қурилган лотокларни кўздан кечиришмоқда. Муаллиф олган сурат.

ТҮРТ ҚИТЪАНИНГ САРА МЕВАЛАРИ

Каттақўрғон туманидаги «Чигатой файзли боғлари» фермер хўжалигида етиштирилади.

Зарафшон дарёсининг салқин тафти сезилиб турган Чигатой маҳалласида жойлашган фермер хўжалигига етиб борганимда ота-бола боғбонлар – Мухтор ака ва Тоҳир Ёркулов меваларга шакл бериш билан машғул экан.

Фермер ҳамроҳлигида боғни айланар эканман, қадам босишда ҳам жуда эҳтиёткорлик зарур бўлди.

Дастлаб ҳосилга кирган меваларни кўздан кечирдик. Бу ерда олма, олхўри, ёнғоқ ва гилоснинг серҳосил ва эртапишар навлари, қатор ораларига эса сабзавот экинлари экилган. Дарахтлар атрофида малина ўстирилмоқда. Бу ердан самарали фойдаланиш билан бирга, мева танасини турли зарарли ҳашаротлардан сақлар экан. Боғнинг этак қисмида эса водий вилоятларидан келтирилган 1,5 минг туп анор, Қирғизистондан олиб келинган «Ўрмон гўзали» ва бошқа турли 10 турдан ортиқ 20 минг туп нок, «Шпонка» навли олча, Ҳиндистоннинг данаксиз аноригача пайвандлаш усулида кўпайтирилмоқда. Боғда олманинг 20, гилоснинг 5, шафтоли, ёнғоқ, ўрикнинг 10 тадан, олхўрининг 7, нокнинг 16 ва узумнинг 18 хил навларидан 200 мингдан ортиқ мева кўчатлари ўстирилмоқда.

Боғбонлар нок кўкартиришнинг машаққати ва 10 — 12 йилда ҳосилга киришини яхши билишади. Хўжалик аъзолари эса хусусиятига кўра нокка яқин бўлган олмурутга пайванд қилиш билан нокнинг ўсишини тезлаштириб, тезпишар ва серҳосил навини кўпайтиришмоқда. Бу нав июнь ойининг ўргаларидан октябрнинг сўнгига қадар ҳосил бериши билан аҳамиятли. Кўчат қаламчалари қаторидан ўтганда Америка ва Канададан келтирилган ёнғоқ, Грузия ноклари, Грециянинг олхўри, шафтоли, арча, Россиядан олиб келинган қарағай ниҳоллари, 1 тупидан 2-3 хил ҳосил берадиган шафтоли навлари парваришланади.

5 сотихли табиий иссиқхонада анжир экилмоқда. Чунки одатий усулда анжир етиштиришда куз-баҳордаги кўмиб-очиш пайтида гул туганаклари кўп нобудгарчиликка учрайди, анжирнинг иссиқхонада ўстирилиши ҳисобига ҳосилдорликнинг юқори бўлиши синовдан

ўтган.

— Бу ишларни бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди «Чигатой файзли боғлари» фермер хўжалиги бошлиғи Тоҳир Ёркулов. — 2007 йилда йўл бўйидаги 80 сотих қаровсиз ерни тозалаб, кўчат эдик. 2015 йилда эса 5 гектар ер олиб, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этдик. 2016 йилда Қорадарё бўйларидаги 3,8 гектар ер ҳисобидидаги хўжалигимиз кенгайди.



Ушбу лайлаклар тимсоли фермер боғига янада файз бағишлаб турибди.

Бундан ташқари, 20 сотих майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш ва қайта ишлаш цехи қураямиз. Хориждаги **агротуризм фаолиятини** кузатадиган бўлсак, уларда сайёҳлар асосан фермерларнинг уйи ёки дала шийпонига келишни лозим топишади. Биз ҳам келажакда шу ерда сайёҳлар учун меҳмонхона ташкил этиб, интернетда ўз имкониятларимизни ҳавола этамиз.

Маълумотларга қараганда, Хитойнинг «Гожа» ўсимлиги мевасининг 1 килограмми Европа давлатларига 100 доллардан сотилади. Фермер бундай доривор ўсимликнинг 100 тупини кўпайтирди.

Замонавий интенсив боғдорчилик талабларига кўра, кўчат олиб келиш, мевалар устини тўр парда билан

ёпиш, шпалер, сим тортиш ва бошқа ишлар учун гектарига 200 минг долларгача маблағ талаб этиларкан. Хўжаликда бунинг оддий ечими сифатида мева қатор ораларига янги ва серҳосил 1200 туп «Гигант» навли узум войиш усулида экиляпти. Бундай усул ердан оқилона фойдаланиш ва меваларга қуёш нури тўғри тушиши ва бошқа омиллар сабаб ҳосилнинг сифати пасайишидан сақлар экан.

Бундан ташқари, хўжаликда Англия атиргули, Япония қўнғироқ гули, тутнинг «Китоб», «Арча», «Чаппатут» каби турлари, араб мажнунтоли, бир йилда 5 метргача ўсадиган «Павлония» дарахтини ҳам учратдик. Маҳалладаги 5 оила бандлигини таъминлаган хўжаликда доим иш қизгин.

10 сотихли томорқани хўжаликнинг шахсий тажриба станцияси деса бўлади. Бу ерда Қува анори, 20 га яқин узум, 7 хил нок, пакана ўрик, хурмо, анжир ва бошқа меваларнинг 10 мингдан ортиқ кўчатлари ўстирилмоқда. Экилганига чорак асрдан ошган унаби, бодом, пальма дарахтларини ҳам шу ерда учратиш мумкин. Ҳаттоки, уйнинг ҳовли қисмидаги пойдевори атрофида сабзавотлар ўстирилар экан.

— Бундан 35 йил олдин томорқадаги мўъжазгина иссиқхонага 12 туп лимон эккандим, — дейди фермернинг отаси Мухтор Ёркулов. — Бугунга келиб, кўчатларнинг ҳар биридан 30 килограммдан ҳосил оляпмиз. 20 йил олдин Дубайдан киви кўчатини келтириб экканимда ҳам кўпчилик бу дарахтни қишнинг совуғига бардош беролмайди, деганди. Мен кивини айнан очиқ жойда ўстирдим. **Тўрт йил ўтиб, ҳосил бера бошлади. Ҳозир — кивининг иқлимимизга мос 45 туп кўчатини тайёрладим. Қаердаки, серҳосил ва эртапишар, экспортбоп ва харидоргир мева ҳақида эшитсам, топиб келиб шароитимизга мослаб, юртимизда кўпайтиришга ҳаракат қиламан.**

Хўжаликда ягона тизимга бириктирилган интенсив боғ ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.



«AnGuzal Agroservis» ХК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН
ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК
ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

(очиқ ва ҲИМОЯЛАНГАН тупроқда қўлланиш учун)



СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, буғдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қуйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан ҲИМОЯ қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертициллёз; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилиоиз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некрозлар.

ПРЕСТИЖ

Микробиологик инсектицид

Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат

- Экинларни: оқлашша, барг қурти, кўсак қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўраловчи қурт (шу жумладан, узум бошига тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҲАШАРОТЛАРДАН ҲИМОЯ қилиш учун қўлланилади.

ПЛАНТАСТИМ Фунгицид хусусиятли микробиологик биокучайтирувчи препарат

Ўсимликларнинг ривожланиши ва озикланишини,

- барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдизидан озикланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан ҲИМОЯ қилади.

**Тупроқни ва ўсимликларни касаликка микробиологик анализ қилиш.
Тупроқни микрэлементларга ва Ph га текшириш.**

**ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!
ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 20-40 % ОШИШИГА КўМАКЛАШАДИ.**

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

E-mail: anguzal@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

МИНГБУЛОҚНИНГ УСТА ДЕҲҚОНИ

Мингбулоқ тумани Марказий Фарғонанинг чўл ҳудудида жойлашган. У Наманган вилоятидаги 34 минг гектарлик майдонни эгаллайди.

— Туманимизда 676 та фермер хўжалиги фаолият юритади, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси ўринбосари Турғунпўлат Худойбердиев. — Хўжаликларимизнинг 143 таси кўптармоқли хўжаликларга айлантирилган. 523 та фермер хўжаликлари 27 минг гектар экин майдонларида пахта ва ғалла етиштирмоқда. Туманимиз аҳолиси ва коллеж битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш мақсадида бу хўжаликлар билан ҳамкорликда 547 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Шундай фермер хўжаликларимиз борки, улар нафақат экин майдонларида, балки намунали дала шийпонларида иш ўрни барпо қилишга муваффақ бўлишмоқда. "Бахтиёр Абдусаломович" фермер хўжалиги бунга мисол бўла олади.

Биз Турғунпўлат ака билан "Бахтиёр Абдусаломович" фермер хўжалигида бўлдик. Бир пайтлари чўл дейилганда тасаввуримизда сувсиз, қақраган биёбон шакллари эди. Энди у тасаввурлар ўтмишда қолганди. Атрофимиздаги ям-яшил экин майдонларида пахта ва ғалла барқ уриб ривожланмоқда. Йўл четлари турли хил мева ва манзарали дарахтлар ўзгача файз бергандай.

Ўта ҳашаматли бўлмаса-да, наздик дид билан қурилган дала шийпонига кириб келдик. Шийпон ҳовлисида мевали дарахтлар кўкка бўй чўзиб, ҳовли саҳнини офтобдан химоялайди. Томорқада эса помидор, булғор қалампир, бақлажон каби сабзавотлар ҳосилга киришга шай. 1—1,5 сотих келадиган иссиқхонада лимон кўчатлари яшнаб турибди. Бизни хўжалик раҳбари Бахтиёр ака Қодиров кутиб олдилар.

— 1968 йил Олтинкўл ҚФЙ да таваллуд топганман — дейди Бахтиёр ака. — 1994 йил Андижон қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини тамомлаб, собиқ Олтинкўл ширкат хўжалигида бригада бошлиғи лавозимида иш бошлаб, 2006 йилгача бўлим бошлиғига бўлган йўлни босиб ўтдим. Шу йили экин майдони 54 гектарлик фермер хўжалигимиз ташкил бўлди. 50 нафар доимий ишчиларимиз билан астойдил меҳнат қилдик. Ернинг ўзингизники эканлигини ҳис қилсангиз, унга меҳрингиз ҳам бошқача бўлар экан. Йиллар давомиди маҳаллий ва минерал ўғит билан озиклантириш ишларини жойига қўйиб, қишлоқ хўжалик техникалари билан ишлов беришга алоҳида аҳамият бериб келяпмиз. Ҳозирги кунда 73 гектар экин майдонида 70 нафар ишчимиз билан меҳнат қиламиз. Уларнинг 20 нафари коллеж битирувчилари. Йилдан-йилга пахта ва ғалладан юқори ҳосил олишга муваффақ бўляпмиз. Ёшлар тажрибали сувчи ва механизаторларга бириктирилган. Йиллар ўтиб, уларнинг ҳам малакали қишлоқ хўжалик ходимлари бўлиб етишишларига ишончимиз комил. Бу йил 33 гектар майдонга ғалланинг "Таня" навини экканмиз. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектар майдондан 35 центнердан бел-

гиланган бўлса ҳам, 65 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаганмиз. 40 гектар майдонга пахтанинг "Анджон-35" элита уруғлик навини экканмиз. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектар майдондан 32,5 центнер, лекин 41-42 центнерлик ҳосил олиш учун тер тўқяпмиз. Муҳиддин Каримов, Ғофуржон Пиримқулов, Шавкатжон Қодиров билан бирга Анваржон Исмоиловларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Ўзимиздаги 2 та юқори унумли "Пума" тракторлари, Германиянинг "Лимкен" компаниясининг ер ҳайдов мосламаси ва 2 та пневматик экиш тиркамалари ерга унумли ишлов беришга хизмат қилмоқда. Баҳриддин Арслонов, Собитали Каримов, Баҳриддин Жўраев, Қосимбой Абдухолиқов каби сувчиларимиз ёшларга экин майдонларини вақтида сифатли суғориш ишларини ўргатиб келишмоқда. Экин майдонларимиз атрофида 5000 туп тут борлиги туфайли пилла мавсумида барг етишмовчилиги бўлмади. 10 кути ипак қуртидан 650 кг. кумуш тола йиғиб олдик. Тажрибали пиллакоримиз



Одинахон Умарова 2 кути ипак қуртининг ҳар биридан 75 килодан сифатли маҳсулот топширишга муваффақ бўлди.

Яхши меҳнат қилган инсон албатта яхши ҳордиқ чиқариши зарур. Шунинг учун дала шийпонимизни замонавий услубда қурганмиз. Бу ерда ошхона, дам олиш хонаси, ювиниш хонаси мавжуд. Қўли ширин ошпазимиз Зухраҳон Абдусаломова 2 маҳал иссиқ таом тайёрлаб, ишчиларга тортиқ қилади. Ўғлим Азизбек — иш юритувчим. У Наманган муҳандислик институти талабаси. Азизбек ҳар кун ўқишдан сўнг ишчилар билан бирга. Унинг ташаббуси билан 1,5 сотихли иссиқхона қуриб, лимон кўчатлари ўтказган эдик. Қаранг, биринчи йилиёқ ўз натижасини берди.

Бахтиёр акани мингбулоқликлар уста деҳқон ва меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қилишади. Эл орасида орттирган ҳурматлари туфайли ўтган йили Биринчи Президентимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. Ҳа, меҳнат қилган — элимизда азизу мукаррам бўлаверади. Буни фермер Бахтиёржон Қодиров ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

К. ЭРҒАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: чандан фермер Бахтиёр Қодиров ва туман Фермерлар кенгаши раиси ўринбосари Турғунпўлат Худойбердиев.

ЁШ ФЕРМЕРЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Республикамизда фермерлик ҳаракатининг бошланганига ҳам бир неча ўн йиллар бўлди. Бу давр оралиғида кўплаб фермер хўжаликлари ўзларига бириктирилган экин майдонларида самарали меҳнат қилиб, йил сайин хосилдорликни ошириш ва мўл ҳосил олиш сир-синоатларини ўзлаштириб боришмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам ёш фермерлар синфи етишиб чиқиб, ўзларининг билимлари ва салоҳиятларини намоён этишмоқда. Давлатимиз томонидан "Йилнинг энг фаол ёш фермери" кўриктанловининг ўтказилиши ҳам ёш фермерларнинг ушбу ҳаракат доирасида ғайрату шижоат билан ишлашига сабаб бўлмоқда.

— Туманимизда 553 нафар фермер хўжаликлари 20114 гектар экин майдони бириктирилган — дейди Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ҚСХБ бошлиғи Н.Назаров. — Жорий йилда 254 нафар фермер хўжалиги 17 383 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиришмоқда. Кўпгина фермер хўжалиги раҳбарлари экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, кўп тармоқлилиқ йўналишида фаолият олиб боришни аф-



зал кўришяпти. Натижада, қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаш даражаси ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Туманимизда фаолият юритаётган фермерлар ичида ёш фермерлар сони ҳам кўпчилиқни ташкил қилади. Улар малакали деҳқонлар ва илғор хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб боришлари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб давлатимиз иқтисодиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Масалан, "Зилха Истиқбол Файз" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Ҳикматов. Бу йигит ўзи ёш бўлса-да, туманимизнинг кўпгина фермерлари унга ҳавас билан қарашади. Чунки у истеъдодли, изланувчан бўлиши билан бирга доимо олға интилади.

— Хўжалигимиз пойдеворини 1990 йилда отам Одилжон Ҳикматов қўйганлар, — дейди Улуғбек. — Ўша пайтларда Зилха қишлоғи атрофида 5 гектар ташландиқ ҳолдаги қумлоқ ер бўлар эди. Отам ўша жойда "Одилжон чорва" фермер хўжалигини ташкил қилиш ишларини бошлаганлар. Бу ерларни текислаб, чорва

моллари боқиш учун бинолар қурганлар. Мен у пайтда ёш бола бўлсам ҳам, отамнинг ортларидан юриб, ишларини кузатиб борар эдим ва менинг кўнглимда ҳам отамга ўхшаган тадбиркор бўлиш истаги ўша пайтларда пайдо бўлган бўлса керак. Ўша йиллари 18 нафар ишчилар ёрдамида 128 бош қорамолни парваришлай бошлаганмиз. 1999 йилга келиб 125 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштирдик. 2012—13 йилларда экин майдонимиз 420 гектарга ва қорамоллар бош сони 280 тага етди. Оптималлаштириш натижасида экин майдонларимиз бизнинг розилигимиз билан қишлоғимиз деҳқонларига бўлиб берилди ва хўжалигимиз чорвачилиқ йўналиши билан чекланди. 2015 йил "Зилха Истиқбол Файз" кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил қилдик. Хўжалигимизда 75,4 гектар экин майдони ва 45 бош "Гольштин-Фриц" насли қорамоллар бор. 58 та ишчимиз чорва ва экин майдонларимиз ривожини учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Чорва молларини ўз вақтида эмлаш ва вакцинация ишларини туман зооветеринария бўлими бошлиғи Иқболжон Усмонов амалга оширади. Сут соғувчиларимиз Лолахон Шокирова, Дилбархон Ҳикматовалар сутни ўз вақтида соғиб олишади. Экин майдонларимиз қумлоқ аралаш тупроқдан иборат бўлгани учун бу майдонларга агротехник ишлов бериш ва суғоришда ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Йўл қўйилган озгина эҳтиётсизлик қўчатларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Моҳир механизаторларимиз Мирзаакбар Миробидов, Юсуфжон Ёдгоровлар ўзларига бириктирилган тракторларида ерга маҳорат билан ишлов беришса, Умарали Акбаров ва Баҳодир Абдуолимовлар сувнинг пуштадан уриб кетмаслигини таъминлаш мақсадида доимо сергак туришади. Хўжалигимиз барча замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланган. Шунинг учун ҳам экин майдонларимизда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятига эгамиз. Жорий йилда 40,3 гектар майдонга ғалланинг "Асп" навини экиб, ҳар гектар майдондан белгиланган 32 центнердан ошириб, 60 центнергача ҳосил олишни аҳд қилганмиз. 35,2 гектар майдонга пахтанинг "Наманган-77" навини эдик. Пахта майдонини маҳаллий ўғит билан озиқлантириб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариб келмоқдамиз. Ғўза қўчатларининг ривожланишидан кўнглимиз тўқ. Устоз деҳқонлар кўриб, режадаги 28 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олишимизга ишонч билдиришяпти.

Улуғбекнинг келгуси режалари янада улкан. Унинг ташаббуси билан "Зилха сархил мевалари" МЧЖ ташкил қилинган. Давлат дастури асосида 4 гектар майдонда иссиқхона, 600 тонна сигимга эга бўлган совуқхона, сутни қайта ишлаш цехи ва 15 гектар майдонда интенсив боғ барпо этиш бўйича ҳаракатлар бошлаб юборилган. Мақсад — юртимизда етиштирилган сархил меваларни чел элга экспорт қилишдан иборат. Қизиғи, бу ишларнинг барчаси жорий йилда амалга оширилиши назарда тутилган. Улуғбек бошчилигидаги хўжалик аъзолари қанчадан-қанча қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: чандан Улуғбек Ҳикматов ва хўжалик бухгалтери Қодиржон Раҳмоновлар.

СИРДАРЁНИНГ ОҚ МОМИҚЛАРИ

Биз борган фермер хўжалигининг қуёнчиликка ихтисослашганлигини эшитиб ҳайратландим. Ахир биринчи марта қуёнчилик хўжалигига келишим эди. Қуён ҳақида билганларимни эслай бошладим: Қуён ўсимликхўр кемирувчилар оиласига мансуб жонивор бўлиб, 3-4 ойда ҳар томонлама етилади, момиклари 2-2,5 ойда юлиб олинади, тўрт ойлигида 3-3,5 кг. вазнга эга бўлади. Фойдали жиҳатлари: тез вояга етади ва тез кўпаяди, гўшти парҳезбop, мўйнаси ва момигига талаб юқори бўлиб, хомашё тайёрланади, ҳар қандай шароитда ҳам боқиш ва кўпайтириш мумкин. Оқ момик, оқ "Великан", ангор, шиншилла, олмахонсимон, қора қўнғир, Россия модерн, капалаксимон каби 50 дан зиёд турлари бор.

Мирзаобод туманидаги «Оқ олтин СИУга қарашли «Сирдарё момик қуёнлари» фермер хўжалиги 2016 йилда ташкил қилинган бўлиб, қисқа муддатда ўз фаолияти билан туман ва вилоятдан ташқарига ҳам танилиб улгурди. Ҳар бир иш фидойиликни талаб қилади. Хўжалик раҳбари Элдор Шерқўзиёв 1997 йилда Деҳқонobod қишлоғида туғилиб, мактаб таҳсилдан кейин Мирзаобод туман саноат касб-ҳунар коллежини тугатди. Аслида у ҳали ёш. Бу ишларга уни бобоси Равшанбек ота Бозорбоев ундаган, чунки у киши табиатан жониворларни, паррандаларни боқишни хуш кўрадиган, қизиқувчан инсон.

2016 йилда қуёнчиликни ривожлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққач, нафақадаги бобо уйда тинч ўтира олмади. Қуёнчиликка оид кўплаб рисоаларни ўрганиб чиққач, неварасига шу йўналишда фермер хўжалиги тузишни маслаҳат берди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги, Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилоят филиалининг қуёнчиликни ривожлантириш бўйича тавсиялари асосида иш бошлаган хўжалик банкдан 350 млн. сўм кредит олди ва 1,5 гектар ерга қуён боқишга мўлжалланган иншоотни қуриб иш бошлади. Қуённинг Италияда парваришланадиган «Янги Зеландия» насли харид қилинди.

Бизни қуёнлар боқилаётган бостирмали бинога Равшанбек отанинг ўзи бошлаб борди. Озода ва тартибли жойлаштирилган катакларда она-бола қуёнларни кўриб шодландик, уларнинг сувни қувурлар орқали келадиган кичик жўмракчалардан

ичишаркан. Жониворлар ҳам ақлли, ҳам тезкор. Шалпанг қулоқларини диккайтириб хавфсиз раб қарашади.

– Неварангизга нима учун айнан қуёнчиликни маслаҳат бердингиз? – деган саволимизга у киши аста кулибгина жавоб бера бошлади:

– Биласизми, ҳар бир жониворнинг ўз тили, ўз феъли бўлади. Мен қуёнларни яхши кўраман, улар қор парчаларига ўхшайди. Ушласангиз пахтадан ҳам юмшоқ. Табиатан она қуён ўз жунларини юлиб уясига тўшайди-да, кейин туғади. Бу ҳам бир мўъжиза эмасми? Хўжалигимиз қуён боқиш бўйича наслчиликка асосланган бўлиб, кўпроқ аҳоли-

га сотувга чиқаряпмиз. Саволингизга келсак: қуён тез ривожланади, гўшти парҳезбop ва тез пишади. 65 кунда бу жонивор 2,5-3 кг. вазнга эга бўлади. Ҳозирда 160 бош она қуён, 1100 бош қуёнчалар, 50 бош наслдор қуёнлар боқяпмиз. Булар кони фойда, ҳар бир шахсий томорқа хўжалигида ҳам, шаҳар шароитида ҳам боқиб, кўпайтириш мумкин.

Бугунги кунда 8 нафар ишчи меҳнат қилаётган хўжаликда Шухрат Бозорбоев, Алла Кланзешка, Леонид Андреев каби қуёнчиликни яхши тушунадиган фидойилар бор. Хўжалик қуёнчилик билан чегараланиб қолмай, 35 гектар ерга пахта, 32 гектар ерга ғалла экинлари эккан. 2016 йилда ер бонитети паст бўлсада, 20 центнер ўрнига гектарига 40 центнердан ғалла етиштирилди. Пахта ҳосили эса давлат режасидаги 22 центнер ўрнига 30 центнерга етказилди. Шу билан бир қаторда чорвачиликка ҳам эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда 15 бош қорамол, 50 бош қўй-қўзи боқилмоқда.

Келгусида Хитойдан қуён терисини қайта ишловчи ва гўшт маҳсулотларини қадоқлаш технологияси олиб келинади. Ривожланиб оёққа туриш учун, халқ истеъмол манбаини бойитиш, замона талабларига тўла жавоб бериш учун изланишда бўлган хўжалик аъзоларига бу йўлда имкониятлар ўз эшигини очаверсин, Сирдарёнинг «Оқ момик» лари номи билан ички ва ташқи савдо бозор расталари парҳезбop, арзон, сифатли маҳсулотлар билан бойийверсин.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Ўндан Алла Кланзешка ва Равшан ота Бозорбоев.



Абдурахмон аканинг асли касби шифокор бўлиб, у кўп йиллар ўз мутахассислиги бўйича турли вазифаларда, хусусан вилоят ногиронлар жамиятида ишлади. Ногирон инсонларга наф берадиган ишни йўлга қўйиш мақсадида у 2000 йили Фарғонада "Сайқал" корхонасини ташкил этиб, ногиронлар аравчалари, "Витаб-М" русумли велосипедлар, Марказий Осиёда ягона бўлган эшитиш мосламалари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Германия "UD-AUDIFON" қўшма корхонасини ташкил этди. Маҳсулотларнинг ички-ташқи бозори шаклланганлиги туфайли корхона 1,5 йиллик фаолияти якунида "Ташаббус-2002" кўрик танловида голибликни қўлга киритди.

лар — бентонит кукуни, гидроизоляцияцион материал — бентомат "Узбент" ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда ўлкамизда боғдорлик ва сабзавотчиликка эътибор кучайди, экин майдонлари кенгайди. Экинларни турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш соҳибкорларнинг долзарб масалаларидан биридир.

Юртимизда боғ ва токзорларни ҳимоялаш тадбирлар тизими асосан агротехник ва қисқартирилган кимёвий кураш чораларининг уйғунлашганлиги билан характерлидир.

Ўсимликлар кимёси илмий текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда боғдорчи-

ИЗЛАНИШДАН ИМКОН ОРТМОҚДА

Корхона Низом жамғармаси 100 минг сўмдан 131 миллион сўмгача, ишлаб чиқариш ҳажми 13.8 миллион сўмликдан 1 774 миллион сўмга, ишчилар сони 11 кишидан барча жабҳаларда 51 кишига, соф фойда 2002 йилдаги 1.5 миллион сўмдан 405 миллион сўмгача ошди.



Абдурахмон ака Болгария ва Польша давлатларининг бентонит маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фирмалари фаолиятини ўрганиб, Фарғона тумани Лоғон қишлоғи жойлашган бентонит конилан 12,4 гектар майдонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Органик ва ноорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда "Бентонит нитрат" ўғити яратилди. Мазкур ўғит ёнмаслиги, таркибида 30 га яқин микроэлементлар борлиги, пролонгаторлик, сорбентлик, мелиорантлик ва катализаторлик хусусиятлари борлиги билан Кува туманидаги "Лочинбек" фермер хўжалиги далаларида яхши самара берганлиги аниқланди. Тармоқ кенгайтирилиб, бентонит асосида янги маҳсулот-

лик, полиз экинлари етиштиришда ўсимлик касалликларига қарши курашиш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш мақсадида инсекто-акарицид F-30 препарати яратилиши билан корхонада қўшимча 6 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Боғ ва токзорларнинг зарарланиш даражасига қараб, F-30 препарати белгиланган муддатларда калифорния қалқондори, гунафшаранг қалқондор, нок шира бургаси, каналар ва бошқа аракунандаларнинг захираларига қарши олма, нок ва беҳиларга куртаклар ёзилгунга қадар 60-100 кг/га миқдорда, мавсумда гуллаш фазасидан ташқари 2-5 мартагача пуркалади.

Корхона намунали солиқ тўловчи сифатида икки марта Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Саховатли Абдурахмон Ниязов ҳар йили 3-5 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот ва пул маблағларини Фарғона вилоят ногиронлар жамиятига, "Мурувват" ва "Саховат" уйларига, ногиронлар реабилитация марказларига, ёрдамга муҳтож фуқароларга хайрия қилади.

Тадбиркор Абдурахмон аканинг изланиш ва интилишлари билан корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўз билими, тажрибасини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулотларни халқаро стандарт талабларига мослаштириб, жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаш борасида олиб бораётган ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Сардор ХАЙРУЛЛАЕВ.

ЗИЙНАТЛИ БОҒЛАР СОҲИБИ

Ер билан тиллашиш деҳқон қонига синган фазилат. Асл деҳқон борки экишга, боғ яратишга интилади. Ушбу амали инсонга нафақат тирикликда, балки бу дунёни тарк этгандан кейин ҳам манфаат еткази, банд фойдасига хизмат қилади. Муслим ривоятларидан бирида: "Агар мусулмон банд бирон кўчат экадиган бўлса, ундан инсон, ҳайвон ёки қуш еса, бу ўша бандга қиёмат кунигача садақан жория бўлади" дейилган. Аввало, ўз манфаатлари, қолаверса, авлоду аждодларга, қушларга, ҳашаротларга, ҳайвону парранда-даррандаларга ҳам насиба бўлгучи мевали дархтлар сояси ва хушманзаралиги жиҳатидан ҳам улуғворлик касб этади.

Бу ўринда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган "Акмал Наргиз Аббос" фермер хўжалиги ишлари билан қизиқдик. Хўжалик раҳбари босиқ,



сипо табиатли Йўлдош Мирзааҳмедов асл деҳқон фарзанди бўлиб, 1965 йилда Хумсон қишлоғида туғилиб, вояга етди. Илк фаолиятини 1980 йилда Хожакент совхозидан ишчиликдан бошлаб, 1989 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини агрономлик ихтисоси бўйича тугатди. Бригада бошлиғи, омбор мудир, ҳосилот вазибаларида ишлаб, турфа ҳаёт йўлини бошдан ўтказди, синалди, тобланди. Деҳқон фарзандини доимо далалар ўзига чорлайди. 2007 йилда 7 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил қилиб, яратишга киришди. Ота-си айтган "Боғ яратган кам бўлмайди", — деган доно фикрга амал қилганича ярим пақана олмалар, 2 гектар ерга эса гилос кўчатла-

ри эқди. Кўчатлар беш йилда ҳосилга кирди. Боғ қатор ораларига нўхат, помидор, картошка, пиёз ва бошқа полиз маҳсулотлари экиб етиштирди. Ҳар йили 8 тоннадан 40 тоннагача ҳосил олинмоқда. Боғда етиштирилган сифатли, аёло нав олма, гилослар ишлаб чиқариш корхоналарига, асосан, Фазалкент консерва заводига топширилмоқда.

Бўстонлик тумани ўзининг соф ҳавоси, жаннатмонанд боғлари билан машҳур. Одамларнинг серзавқ, очиққўнғиллигини айтмайсизми? Тоғ ҳавосидан баҳра олиб етилган меваларни тановул қилган халқининг ўқтамлиги, саховати ноёб табиатига боғлиқдир, балки. Шунинг учун ҳам бу ерлик фермерлар фидойи, жонкуяр, ишнинг кўзини биладиган сахий одамлардир. Йўлдош акада ҳам шундай ижобий фазилатларни кўриб, унинг хўжалигини айландик. Уч гектарлик лалми, терасса жойдаги узумлар ҳосилга кирган. Боғда иш билан банд бўлган Улфат Жуманов, Ҳикмат Жамолов, Хислат Жумановларни кўриб, суҳбатда бўлдик. Биз уларнинг юзида ва сўзида ишидан мамнунликни туйдик.

— Ҳар йили узумдан 6,5 тонна атрофида ҳосил оламиз. 1 гектар ерда янги узумзор ташкил қилдик, техникамиз етарли, — дейди Й. Мирзааҳмедов. Агрономлик — ота касбим. Хумсонда боғ яратганлардан бири, отам Эргаш Мирзааҳмедовни халқ яхши билади. Фақат боғ билан чекланиб қолмаймиз. Бу йил чорвачиликка ҳам эътибор қаратиб, яна 4 иш ўрни очишни мўлжаллаяпмиз. Бунга имкониятимиз бор. Ҳар йили умумий даромадимиз 60-70 млн., соф фойда 30-35 млн. сўмни ташкил қиляпти. Олинган фойдани тармоқларни янада ривожлантиришга йўналтирамиз. Ер ўзимизники бўлгандан кейин иқтидоримизни ишга солиб, ватандошлар олдида юзимиз ёруғ бўлиб юрганга нима етсин.

Дарвоқе, фермернинг турмуш ўртоғи Мақсуда Мирзааҳмедова "Шаҳзода Азиз Файз" фермер хўжалигининг раҳбари. Уларнинг уч ўғил, бир қиз фарзандлари бахтли, оилали, жами бир-биридан ширин беш нафар неваралари бор. Бахт ўзи нима? Яшаш, яратиш, курашиш, интилиш, юксак тарбия ва меҳнат ҳосиласи, бу бахт-саодатдир. Зеро, боғ яратган, халқ манфаати йўлида қадам ташлаган инсон кам бўлмайди. Буни Йўлдош Мирзааҳмедовлар оиласи мисолида ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Илло, юртимизга, халқимизга кўз тегмасин!

Ш. СОДИҚОВА

Суратда: фермер Йўлдош Мирзааҳмедов.

БУЮК ИПАК ЙЎЛЛАРИГА УЛАНГАН ИЗЛАР

Қадим-қадимдан туялар инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Сувсизликка чидамли бўлган бу улкан мавжудот буюк ипак йўлларида ўтган карвонларда юк ташиб, инсонларнинг оғирини енгил қилган. Сахро ҳайвони бўлганлиги сабабли туяларни “Сахро қоялари” деб ҳам аташади. Ҳақиқатан ҳам, бир неча туя бир қатор бўлиб турса, қояларга ўхшаб кетади.

Болалигимда тез-тез кўҳна Хивага саёҳатга бориб турардик. Шаҳарда саёҳатчиларнинг томоша қилишлари ва унга миниб суратга тушишлари учун катта туя бор эди. Одамлар унинг жиғига тегаверса, оғзини тўлдириб юзига тупуриб, жаҳлини намойиш қилар, бундан биз болалар ҳайратга тушиб, қотиб-қотиб қулардик.

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги Боғбон ҚФЙ да жойлашган ва туячиликка ихтисослашган “Camels cattle” фермер хўжалиги раҳбари Отабек Аманов иш кўзини биладиган удадуррон, изланувчан йигит. У қисқа фурсатда изланувчанлиги ва омилкорлиги билан вилоят ва республикага танилди.

У Мирзачўл туманидаги 18-сонли умумтаълим мактабидан таҳсил олди. Отаси Абдураҳмон Аманов боғдорчилик бўйича бригада бошлиги вазифасида ишларди.



Мустақиллик туфайли меҳнати эътироф этилган ота илғор фермер хўжалик раҳбари сифатида “Шуҳрат” медалига сазовор бўлди.

Абдураҳмон Аманов оиласи

махалладаги энг намунали, серфарзанд оилалардан. Оила бекаси 9 ўғил, 2 қизнинг онаси Ойтош Аманова ҳам боғбонликдан обрў-эътибор топди. Улар шу касб туфайли фарзандларини ўқитдилар, илмли, одобли қилиб тарбияладилар.

Оиланинг бешинчи фарзанди Отабек ёшлигидан фермерликка ихлос қўйди. Отасига эргашиб боғ, чорва ишларини ўрганди. 2002 йилда Мирзачўлдаги касб-хунар коллежидан ўқиди, сўнг хорижда олий таълим олди.

Ҳозирги кунда бу оиладан 4 киши ўзининг мустақил фермер хўжалигига эга. Жумладан, “Аманова Малика” фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон отанинг ўзи, “Ойтош” фермер хўжалиги раҳбари Анварбек Аманов, оиланинг кичиги Достон Аманов эса “Достон” фермер хўжалигига бошчилик қилади.

Ҳикоямиз қаҳрамони Отабек Аманов бошқараётган “Camels cattle” фермер хўжалигида бугунги кунда 60 бош насли қорамол, 22 бош туя, 300-400 бош кўй-кўзи, 500 бош қурка боқилмоқда.

— Туячиликка қандай қизиқиб қолдингиз, уларни боқиб қийин эмасми? — сўрадим фермердан.

— Отам фермер хўжаликни бошқарар, онам билан биргаликда боғдорчилик қилиб, тиним билмасдилар. 2013 йилда тўртала ака-ука бир кунда уйландик. Ҳамма ҳайратланган воқеа. Шу билан бирга, тўртта жиянларимизнинг суннат тўйлари ҳам бўлиб ўтди, ўзимизнинг уйимиз, кўшни

хонадонлар меҳмонларга тўлди, ҳаммамиз бахтли эдик.

Орадан бир неча ой ўтгач, отамнинг тоби қочди, докторлар юрагида дард бор, дейишди, қийинчиликлардан қийналган онамнинг қон босими ошди, турмуш ўртоғим Ҳожарой Абдуллаева ҳам соғлигидан шикоят қила бошлади. Балки оиламиз учун синовли кунлар бўлгандир. Отамни Тошкентга касалхонага ётқиздик, катта профессорлар даволашди. Оёқ томирларини олиб, юракка қўйиш каби мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Аста-аста ҳаммалари оёққа туришди.

Бу ташвишлардан кейин оилада биттагина сизиримиз қолди. Туя сутининг шифобахшлигини эшитиб, ҳар куни туя боқадиган фермердан уйимизга сут ташир эдим. Отанам туя сутидан шифо топдилар. Шу-шу менда туячиликка ҳавас уйғонди. Туя гўшти, сути ҳам фойдали бўлиб, халқ табобатида муҳим ўрин тутди. Унинг сутидан қон босимини меъёрига келтирувчи, организмни тозаловчи ва химояловчи, гижжаларни туширувчи, керакли минерал, оқсиллар билан бойитувчи элементлар мавжуд.

Кимдир иш йўналишини тополмай қийинчиликларга дуч келса айбдор излайди. Мен иш фаолиятимда тухматларга қолсам ҳам ҳақиқатга тик боқдим. Аввало, мени Ватаним, Президентимиз, туман раҳбарияти, яхши инсонлар қўллаб-қувватлашди. Улар иш режангиз тайёр бўлса, дарров ёрдам қилишади, кредит ҳам беришади.

Ўзбекистонда туячиликни ривожлантириш учун 1,5 млрд сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалигимиз шу дастурга киритилди. 200 млн. сўмга мана шу туяларни сотиб олиб, янги йўналишда иш бошладик. Келгусида туялар сони яна кўпаяди. Арнасоё туманига қарашли ариқ бўйида янтоқзорлардан иборат 200 гектар яйловимиз бор. Туяларимиз янтоқни хуш кўради, қишга ҳам шу озуқадан ғамлаймиз. Бу беозор, ақлли, фойдали, болажон жонивор ҳамма нарсага тушунади, соғувчидан меҳр кутади. Агар кўрқса, ёки ёмон кўриб қолса борми, сут бермай қўяди. Туя сутига эса талаб ниҳоятда катта.

— Хўжалигингизни нимага инглизча номлагансиз?

— Аввало, мен кўп ўйладим, бир қанча номларни таклиф қилдим, раҳбарларга айнан шу “Camels cattle” маъқул келди. Бу сўз ўзбекчада “Туячилик чорваси” дегани.

Фермернинг янги режалари билан қизиқдик. Отабекнинг айтишича, ўрганиш учун 0,5 сотих ҳавзада сазан, карп, оқ амур балиқлари етиштирилмоқда.

— Бу йилги натижаларга қараймиз, — дейди у.

Туячиликни ривожлантириб, соғломлаштириш маркази очишни кўзда тутган Отабек бири-бирдан қизиқарли, фойдали режа ва ниятлари хусусида тўхталди. У қора уйларнинг янги намунасини яратиб, уларда замонавий, ҳамма шароитлар муҳайё ўтов-меҳмонхоналар қурмоқчи. Бу уйлар беш-олтита бўлиб, биттаси ошхона, яна бири ҳаммом, аёллар ва эркаклар учун алоҳида-алоҳида ётоқхона вазифасини бажаради.

Ёш фермернинг гапларини эшитиб, табиат қўйнида дам олувчи саёҳатчилар учун бекаму-бадастур, шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратишга интилаётган, изланаётган Отабек ва хўжалик аъзоларига, хусусан Амановлар оиласига омад тиладик. Зеро бу улғу мақсадлар, бу улғу орзулар халқимиз саодатли ҳаёти йўлидаги эзгу қадамлардир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Отабек Аманов туялар озукасига доимо эътиборли.

ЖУРЁНЛИК ФИДОЙИ ФЕРМЕР

Елкасига кетмонини қўйганича шийпон сари шижоат билан келаётган Уллижон ҳожи онага кўзим тушганда, унинг қиёфасида Иккинчи жаҳон уруши йилларида далаларда эркаклар ўрнини эгаллаган, Катта Фарғона каналини қуришда эрлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган оналаримиз, опа-сингилларимиз сиймосини кўргандай бўлдим. Онахон ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, бир зум тиним билмайди. Дала ишида қўлидан келганича оила-аъзоларига ёрдам беради. “Ахир кўпчилик қилган ишда барака бўлади-да”, дейди у такрор-такрор.

Хоразмнинг кўҳна Хива туманидаги Журён қишлоғи Канагас ва Полвон каналлари оралиғида жойлашган. Бу ерларда сув тақчиллиги сезилмайди. Аҳоли оилавий томорқа хўжалигига катта эътибор билан қарашини ҳар бир уй олдида, боғида экилган анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар, кўм-кўк бўлиб яшнаб турган кичик ҳажмли боғчалардан ҳам билса бўлади. Ҳар бир уйда сигир-бузоқ, парранда, қўй-қўзи боқилади. Экин экиб боғ яратиш журёнликларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Раҳматли Рўзмат ота Бобожоновни бутун Хива аҳли танирди. Фермер, қишлоқ оқсоқоли вазифасида меҳнат қилиб кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлганди. Шу боис номи ҳанузгача қишлоқдошлари, эл тилида. Оилада қаттиққўл, ишда жонкуяр етакчи бўлганлигидан фарзандларини ҳам ерни севишга, боғ-роғ яратиш ишларига ундарди. “Қўлингдан келса кўчат эк, боғ ярат, яхшилик қил, яхшига эгил, дер эдилар”, — дейди Уллижон она турмуш ўртоғи ҳақида.

2000 йилда ташкил қилинган “Рўзмат Йўлдошевич” фермер хўжалигига Рўзмат отадан кейин олти йил мобайнида Уллижон она раҳбарлик қилди. У турмуш ўртоғидан ўрганган тажриба, билим ва кўникмаларини ишга солганича хўжаликнинг йиллик режа ва топшириқларини ўз вақтида удаллаб пахта, галла, боғдорчилик йўналишларида яхши натижаларга эришиб келди.

2006 йилда шу пайтгача онасига ёрдамчи бўлиб келган Расулбек Бобожонов “Рўзмат Йўлдошевич” хўжалигига раҳбарликни ўз қўлига олди. У беш қизу, тўрт ўғил вояга етган оилада олтинчи фарзанд эди. Деҳқончиликка қизиқиши баланд

бўлган Расулбек 1996-1999 йилларда Урганч автомобиль йўллар коллежида таълим олди ва анча йил жамоа хўжалигида иқтисодчи-ҳисобчи, тафтиш комиссияси раиси каби вазифаларда ишлади. Сергайрат йигитнинг қизиққонлиги, ўрни келганда катталар олдида ўз фикрини дангал айта олиши фермер хўжалиги ишида ҳам янги йўна-



лишлар очилишига асос бўлди. Айнан у хўжаликда уруғлик пахта ва галла етиштиришдан ташқари, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, асаларичилик каби тармоқларни ривожлантирди.

Хўжалик аъзолари 2016 йилда 23,5 гектар ерга буғдой экиб, ҳар гектар ердан 70-80 центнердан бўлиқ уруғлик галла олишди. 36 гектар ерга экилган пахта майдонидан 40 центнердан хирмон уйилди. Топилган ҳалол даромадларига эса “Дамас” машинаси сотиб олишди. 10 нафар ишчи билан иш бошлаган хўжаликда бугунги кунда 24 нафар ишчи-хизматчи оиласи билан тўкин-сочинликда ҳаёт кечирмоқда.

— Эришаётган ютуқларимиз

аъзоларимизнинг шижоатли меҳнатлари натижаси, — дейди Р. Бобожонов. — Қаҳрамон Якубов, Сардор Рўзметов каби сувчилар, Ихтиёр Қурбонов, Абдулла Давлатов, Хушнуд Жуманиёзов каби энгилу оғир ишлардан чўчимайдиган тракторчиларимиз бор экан, ишимизда ҳамиша унум бўлаверади. Қолаверса, онам ҳар ишда бош-қош бўлиб, дуо қилиб турибдилар.

Фермернинг укаси Равшан Бобожонов чорва бўйича маъсул. Хўжаликда 20 бош соғин сигир, 30 бош насли қорамол, 40-50 бош майда қорамол, 70 бош қўй-қўзи, 1000 бошдан зиёд турли парранда боқилмоқда. Рўзмат ота кўрсатмаси асосида қурилган 100 ўринли шийпон атрофига мевали кўчатлар экилган. Ушбу боғдаги ҳовузга қараб кўнглингиз яйрайди.

Хивадаги болалар уйига, қишлоқдаги мактабга, маҳаллага хомийлик ёрдами кўрсатишда доимо Уллижон онанинг ўзи бош-қош.

— Далага ҳамма қатори чиқаман, уйда бекор ўтириш йўқ, раҳматли умр йўлдошим бекорчиликни ёмон кўрарди. Пиллага ҳам ўзим қарайман, — дейди онахон. — Расулбекнинг рафиқаси — келиним Зулфия ва овсини Раҳима асосий пиллакор. Ҳар йили 12 қути ипак қурти боқиб, 720-750 кг дан ипак тола етиштирамиз.

Ота ва онаси бошлаган хайрли ишларни амалга ошириш, хўжаликни янада юксалтириш Расулбекнинг бугунги орзуси. Асосий эътиборни боғдорчиликка қаратаётган фермер хўжаликка янги технологиялар олиб келиб, мевани шу ерда қайта ишлаш ниятида.

Боғ яратиб келгуси авлодга қолдириш халқимизга ота-боболаримиздан қолган асл мерос. Буни бизнинг ҳар ишда моҳир элдошларимиз унутмайдилар. Тароватли боғларнинг ифори тутган она заминимиз гуллаб яшнашида “Рўзмат Йўлдошевич” каби фермер хўжаликларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Уллижон она ўғли Расулбек Бобожонов билан.

ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ



Эл-юрт тўкинлигини таъминлаётган заҳматкаш деҳқону фермерлар, соҳибқору сабзавоткорлар!

Дунё иқлими ўзгаришлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда унга ишлов бериш саноатида замонавий технологиялардан фойдаланиш озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги стратегик йўналишларни излаб топишни талаб этмоқда.

Бундай вазиятда Сизга ишониб топширилган ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишингиз лозим. Белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга қулай замин яратади.

Юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири маъданли ўғитлардан оқилона фойдаланишдир. Марказий Осиёда ягона бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи сифатли ўғитлари билан Сизни қўллаб-қувватлашга тайёр. Ўғитларимиздан фойдаланишга, биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг.

ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ УНИТАР КОРХОНАСИ

Телефонлар: (+998-75), 612-50-49, 612-50-32, 612-50-05.

Веб-сайт: uz-potash.uz.

Электрон почта: marketing@uz-potash.uz.

Маҳсулот сертифициланган

ТРИТИКАЛЕ НАВ ВА НАМУНАЛАРИНИ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ

This article about new sort of the corn cultures «Tritikale». Creation of this sort «Tritikale» has important in breedings of the corn cultures and can be used in practical person of the agriculture.

Тритикаленинг яратилиши бошоқли дон экинлари селекциясининг янги ютуқларидан бири бўлди. Икки хил ботаник авлодга мансуб бўлган буғдой-жавдар хромосомалар комплексини бириктириш орқали донли экинлар янги турининг яратилиши қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Тритикале ўсимлигининг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги,

ни танлаб олишга эришилди.

Тажрибада ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишининг фенологик кузатуви ҳамда ҳисобга олиш ишлари Россия (ВИР) институти (1986) ва Давлат нав синаш комиссиясининг (1971) услубий қўлланмалари асосида олиб борилди.

Олиб борилган фенологик кузатув ҳамда ҳисобга олиш ишлари, биометрик таҳлиллар

Танлаб олинган намуналарнинг 1000 дон дон вазни 578882 намунасида 50,1 гр. 100529 намунасида 47,8 гр. 107053 намунасида 46,5 гр. ни ташкил қилиб, андозага нисбатан 1,6—5,2 граммгача юқорилигини намоён қилди. Барча танланган намуналарнинг ҳосилдорлиги андоза навига нисбатан СААЛ-18 намунаси 8,7 центнер, 578882 намунаси 14,6 центнер,

Нав ва намуналарнинг биометрик кўрсаткичлари

№	Нав ва намуналар номи	Ўсимлик бўйи, см.	Бошоқ узунлиги, см.	1 та бошоқдаги бошоқчалар сони, дон	1та бошоқдаги дон сони, дон	1та бошоқдаги дон вазни, гр.	1000 дон дон вазни, гр.	1 м ² даги маҳсулдор бошоқлар сони, дон	Ҳосилдорлик ц/га
1.	Куйган-ёр	97,0	9,1	17,8	53,4	2,4	44,9	270	64,7
2.	СААЛ-18	87,6	11,3	23,4	62,0	2,8	45,2	262	73,4
3.	578882	84,5	10,3	21,8	65,2	3,1	47,5	256	79,3
4.	100 529	89,3	9,5	19,4	65,5	3,1	47,3	246	76,3
5.	107053	104,2	10,2	20,2	53,6	2,5	46,6	279	69,8
6.	117410	101,6	9,0	18,6	54,4	2,5	43,9	295	71,6
7.	100-560	81,7	10,4	20,8	57,5	2,5	43,5	277	69,3
8.	118159	100,0	12,4	21,6	61,0	2,7	44,3	270	73,0

чорвачилик учун тўйимли озуқа, ем-хашак сифатида фойдаланишда аҳамияти катта. Булардан ташқари тритикале дони оқсилга бойлиги, енгил ва тез ҳазм бўлиши, озуқа, ем-хашак экинларидан устунлиги олимларимиз томонидан исботланган. Олиб борилган дала тажрибаларида тритикале ўсимлигининг 170 та нав ва намуналари ўрганилиб, уларнинг эртапишарлиги бўйича 22 та, маҳсулдорлиги бўйича 14 та, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги бўйича 10 та, ётиб қолишга чидамлилиги бўйича 26 та, биометрик кўрсаткичлари бўйича 7 та намуналари-

натijasида ўсимликнинг асосий кўрсаткичлари битта бошоқдаги дон сони андоза Куйганёр навида 53,4 донани ташкил этиб, танлаб олинган СААЛ-18, 578882, 100529, 100560 намуналарида бошоқдаги донлар сони мос равишда 62,5, 64,8, 63,7, 54,5 донани ташкил этиб, андоза навига нисбатан 1,1—28,2 донга кўплиги аниқланди.

Битта бошоқдаги дон вазни кўрсаткичи таҳлиliga кўра танлаб олинган СААЛ-18, 578882, 100529, 118159, 107053 намуналарида андоза навига нисбатан ўртача 0,5—1,4 гр. юқорилигини намоён қилди.

100529 намунаси 11,4 центнер, 107053 намунаси 4,9 центнер, 117410 намунаси 6,9 центнер, 100560 намунаси 4,5 центнер, 118159 намунаси эса гектаридан 8,3 центнер юқори ҳосил бериши аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, танлаб олинган тритикале ўсимлиги намуналари биометрик кўрсаткичларининг андоза навига нисбатан юқорилиги аниқланди ва улардан селекция жараёнларида дастлабки материал сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

И.ЭГАМОВ,

катта илмий ходим, қ.х.ф.н.,

М.МЕЛИБОВЕВ,

М.ҚОДИРОВА,

кичик илмий ходимлар

(ДДЭИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. "Пшеница и тритикале" Краснодар Советская Кубань 2001 г. с. 402-407.
2. О.Яқубжонов ва бошқалар "Дончилик". 121-124 бетлар.

ЎСИМЛИКНИ БАРГИДАН ОЗИҚЛАНТИРИШ — ҲОСИЛНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИ

In the article the influence of agrotechnical factors is examined from application of also liquid nitric fertilizer of "LACF" (liquid nitric calcium fertilizer) on perfection measures contributing prevention of falling cotton plant.

Ғўза парваришида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллатишда ишлаб чиқаришга қўшимча агротадбирларни жорий этиш, яъни ғўзани баргидан озиқлантиришни ҳосил элементларини тўплашига ва тўкилишининг олдини олишга янги суяқ азотли "САКЎ" (суяқ азот-кальцийли ўғити) ўғитининг қўллаш меъёрлари ва муддатлари илмий тадқиқотлар асосида аниқланди.

"САКЎ"- "Фарғонаазот" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, суяқ азот-кальцийли ўғит ҳисобланади. Таркибида 25% азот, 9—10% кальций мавжуд бўлиб, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини, фотосинтез маҳсулдорлигини яхшилайти, ғўза зараркунандаларидан зарарланишининг олдини олади.

Илмий тадқиқот ишлари 2014—2016 йилларда "САКЎ" ўғитининг 5, 10, 15, 20 л/га меъёрларини ғўзанинг 3—4 чинбарг ва шоналаш фазаларида барги орқали озиқлантириш тадбирини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тугунчаларини тўплаши ва тўкилиб кетишининг олдини олишдаги таъсирининг самарадорлиги ўрганилди.

Пахта етиштиришда ўсимликни баргидан "САКЎ" суяқ азот-кальцийли ўғит билан озиқлантириш агротадбири натижасида ўрганилган вариантлар асосида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Яъни, 2014 йилда ғўзанинг шоналаш даврида баргидан "САКЎ" суяқ азот-кальций ўғитини 5, 10, 15, 20 л/га меъёрларда ишлов бериш ишлари 16 июн куни амалга оширилди.

Тажриба даласида ғўзанинг дастлабки ўсув даврларида барги орқали САКЎ ўғити ёрдамида озиқлантириш ўсимликнинг касаллик ва ҳашаротларга чидамлилигининг ортиши, эркин, соғлом ўсиб ривожланиши кузатилди.

Тажрибада ўсимликларнинг фенологик кузатувлари 2014 йил 1 июн ва 15 июл кунлари амалга оширилди.

15 июл кунги кузатувларда ғўза ўсимлигининг бўйи ўртача 71,8 см, ҳосил шохи 12,2 см. шона сони 10,1 дона, гул сони 2,2 дона, қўсақлар сони 3,3 донани ташкил қилган бўлса, "САКЎ" суяқ азот-кальций ўғитини 5, 10, 15, 20 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан фарқ қилиб, ўсимликнинг бўйи 72,4—77,5 см. ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич назорат ишлов берилмаган вариантга нисбатан 0,6—5,7 см. га баланд бўлганлиги кузатилди. Ҳосил шохлари ҳамда ҳосил элементлари (шона, гул ва

қўсақлар) сониди ҳам ўз навбатида "САКЎ" ўғити қўлланилган вариантларда сезиларли даражада орگانлиги аниқланди.

Тажрибада асосан ғўза ўсимлигини 3—4 чинбарг ва шоналаш даврида "САКЎ" суяқ азот-кальцийли ўғитини 5—10 л/га меъёрларида ишлов берилган вариантларда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, баландлиги, ҳосил шохи сони, ҳосил элементларининг тўпланиши юқори бўлиши кузатилди.

Ўсув даврининг кейинги кузатувларида (1.08) ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланиб, тажриба вариантларида ғўзанинг бўйи 81,4—90,5 см. ҳосил шохлари 13,2—14,6 дона, қўсақлари 10,5—12,5 донани ташкил этди. Шоналаш даврида "САКЎ" ўғити билан ишлов берилган вариантларда ғўзанинг бўйи назоратга нисбатан 9,1 см. га баланд, ҳосил шохлари 1,4 донага, шоналар сони 1,5 донага, қўсақлар сони 2,2 донага кўпроқ тўпланганлиги аниқланди.

2015 йилда ўтказилган тажрибаларда ҳам "САКЎ" ўғити билан ишлов берилган вариантларда назорат, яъни, ишлов берилмаган вариантга нисбатан ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши сезиларли даражада ўзгарди. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишида 2014 йилдаги қонуниятлар сақланди ва "САКЎ" ўғитининг 5—10 л/га меъёрларида ишлов берилган вариантларда ҳосил элементлари кўпроқ тўпланиши кузатилди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ғўзанинг 3—4 чинбарг чиқарган ва шоналаш даврида барги орқали "САКЎ" суяқ азот-кальцийли ўғитини 5—10 л/га меъёрда қўлланилса, дастлабки даврларидан ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, ҳосил элементлари тўкилишини сезиларли даражада 15—20% га камайтириб, юқори ҳосил олиш имконига эришилади.

Қ.ДАВРОНОВ,

қ.х.ф.н., Фарғона политехника институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. ЎР ҚҲТ 6-сон (766) 2017 йил 13 феврал.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
2. Абдуалимов Ш., Абдуллаев Ф. Гумимакс самарали стимулятор // Деҳқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришининг манба ва сув тежовчи технологиялари. Халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. ЎзПИТИ. -Тошкент, 2010. 233-236 б.
3. Ш.Абдуалимов, Қ.Давронов, Й.Сориев, Ш.Каримов, Ф.Абдуллаев. Гумимакс препаратининг ғўзага таъсири // "AGRO ILM". "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали илмий иловаси. Тошкент, 2010. №2 (14). 17-18 б.

ЭРТАГИ КАРТОШКА ИЛДИЗ ТИЗИМИГА СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

The number of irrigation and fertilizer development of the standard varieties of potato root system, stem the spread of the root mass of soil layers, described the effect of the level of plant availability.

Картошкани ўстириш технологиясининг барча тадбирлари - ерни ишлаш, суғориш, ўғитлаш кабилар биринчи навбатда ўсимлик илдиз тизими, сўнгра у орқали ер устки қисмига таъсир этади.

Картошканинг Сантэ ва Яроқли-2010 ўрта тезпишар навларининг ўсимлик ўсиши ва илдиз тизимининг ри-

3—8 февралда 70x20 см. схемада 6—8 см. чуқурликда амалга оширилди. Делянканинг майдони суғориш тартиби ва навлар бўйича 336 м², ўғит меъёрлари бўйича 112 м². Такрорлар сони 4 та бўлди. Тажрибада барча кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган агротавсия ва Бутунроссия Картошка хўжалиги илмий

нерал ўғитлар N150, P120, K75 кг/га меъёрда қўлланилган вариантда бир туп илдиз массаси ошганлиги ва 29,6—33,3 граммни ташкил қилиб, шунинг 27,6—30,7 грами ёки 92,2—93,2% юза (0—20 см. қатламда) жойлашган, органикминерал 20 т/га гўнг + N200, P160, K100 кг/га солинган вариантда эса бир туп илдиз массаси навлар бўйича 35,1—39,8 граммни, шундан 33,5—37,7 грами ёки 94,7—95,4% и юза 0—20 см. тупроқ қатламида жойлашгани кузатилди.

Бир туп илдиз ҳажми тажрибада ўрганилган навлар суғориш тартиби ва ўғит меъёрлари бўйича 23,1 дан 38,4 см³ га ўзгарди. Энг юқори илдиз ҳажми иккала ўрганилган навларда ҳам 20 т/га гўнг + N200, P160, K100 кг/га солинган вариантда қайд этилди.

Картошка тупларининг маҳсулдорлиги, яъни туганак ва палак массаси тажриба вариантларида кескин ўзгарди. Энг паст палак ва туганак ҳосили (293 ва 514 грамм) суғориш 7 марта 1-1-5 тартибда N150, P120, K75 кг/га берилган вариантда ўрганилган Сантэ навида олинди. Суғоришнинг 9 мартагача оширилиб, 1-2-6 тартибда берилиши ва ўғит N200, P160, K100 кг/га меъёрда қўлланилиши ўсимликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этиб, бир тупда палак (406—466 гр) ва туганак (742—796 гр) ҳосили энг юқори бўлишини таъминлади. Бу бир грамм илдиз массасига тўғри келадиган палак ва туганак массасининг 12,1—13,0 ва 21,6—23,6 нисбатда сақланиб, илдиз билан таъминланиши даражаси қулай бўлганлигини кўрсатди.

Тажрибалар асосида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Картошка навларининг илдиз тизими ривожланишига суғориш сони, тартиби ва ўғитлаш меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатар экан.

2. Қулай илдиз тизими, яъни илдиз массаси, ҳажми, тупроқда жойлашиши суғориш 9 марта 1-2-6 тартибда 20 т/га гўнг + N200, P160, K100 кг/га қўлланилганда кузатилди. Шунда ўсимликнинг илдиз таъминоти етарли бўлиши кузатилди.

И.АМОНТУРДИЕВ,
СамҚХИ.

Суғориш тартиби ва ўғит меъёрларининг Сантэ ва Яроқли-2010 навларининг илдиз тизими ривожланишига таъсири (2014-2016 йиллар)

№	Суғориш		т/га	кг/га	Тупроқ қатламлари (см.)				Бир тушнинг жами хўл илдиз массаси, гр
	сони	тартиби			0 - 20		20 - 40		
					бир туп хўл массаси, гр	умумий массага нисбатан миқдори, %	бир туп хўл массаси, гр	умумий массага нисбатан миқдори, %	
Сантэ нави									
1	7	1-1-5 (назорат)	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅ (назорат)	22,5	89,3	2,7	10,7	25,2
2	7	1-1-5	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	25,8	87,2	3,8	12,8	29,6
3	7	1-1-5	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	29,1	89,6	3,4	10,4	32,5
4	8	1-2-5	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	25,2	89,7	2,9	10,3	28,1
5	8	1-2-5	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	27,6	88,2	3,7	11,8	31,3
6	8	1-2-5	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	31,3	92,0	2,7	8,0	34,0
7	9	1-2-6	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	27,6	93,2	2,0	6,8	29,6
8	9	1-2-6	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	30,0	93,2	2,2	6,8	32,2
9	9	1-2-6	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	33,5	95,4	1,6	5,6	35,1
Яроқли-2010 нави									
10	7	1-1-5 (назорат)	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅ (назорат)	24,6	88,8	—	—	27,7
11	7	1-1-5	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	29,3	88,8	3,7	11,2	33,0
12	7	1-1-5	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	32,1	87,7	4,5	12,3	36,6
13	8	1-2-5	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	28,6	90,5	3,0	9,5	31,6
14	8	1-2-5	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	32,7	92,9	2,5	7,1	35,2
15	8	1-2-5	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	35,0	91,9	3,1	8,1	38,1
16	9	1-2-6	—	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	30,7	92,2	2,6	7,8	33,3
17	9	1-2-6	20	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	34,3	95,3	1,7	4,7	36,0
18	9	1-2-6	20	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀	37,7	94,7	2,1	5,3	39,8

вожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Сурхон фермерлар уюшмаси ҳудудидаги эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаси олиб борилди.

Синалган картошка навлари 1-репродукция уруғлик туганаклари 3 та 7 марта, 1-1-5, 8 марта 1-2-5 ва 9 марта, 1-2-6 суғориш сони ва тартибда ўрганилди.

Суғориш тартиблари картошка экиннинг сувга талаби бўйича фарқланувчи 3 асосий фазаларо даврлари: 1-давр "униб чиқиш - шоналаш", 2-давр "шоналаш - гуллаш", 3-давр "гуллаш - палак сарғайиш" бўйича олинди.

20 т/га ярим чириган гўнг ва калий тузи тўлиқ йиллик меъёри, фосфор (аммофос) 75% шудгорда, қолган 25% фосфор экиш билан, азот (аммоний селитраси ҳолида) икки озиқлантиришда (униб чиққач ва шоналаш даврида гуллаш олди) берилди. Экиш

тадқиқот институти услуги (1967, 1989) асосида олиб борилди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, картошканинг Сантэ ва Яроқли-2010 навлари илдиз тизимининг ривожланишига суғориш тартиби ва ўғит меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатар экан.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Сантэ ва Яроқли-2010 навлари 7 марта 1-1-5 тартибда суғорилиб, N150, P120, K75 кг/га ўғит қўлланилган вариантда бир туп ўсимликнинг 0—40 см. тупроқ қатламидаги илдиз массаси 25,2—27,7 граммни ташкил этиб, шунинг 22,5—24,6 грами ёки 88,8—89,3% и тупроқнинг 0—20 см. қатламида жойлашган. Органикминерал 20 т/га ярим чириган гўнг + N200, P160, K100 кг/га қўлланилган вариантда эса 32,5—36,6 грамм бўлиб, 87,7—89,6% и тупроқнинг 0—20 см. қатламида эканлиги аниқланган.

Суғориш 9 мартага оширилиб, 1-2-6 тартибда амалга оширилганда ми-

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Т.Абдукаримов - Ранний картофель Т., 1987, 105 стр.
2. Т.Э.Остонақулов, А.Х.Ҳамзаев - Ўзбекистон картошкачилиги. Ўқув қўлланма. Т., 2012, 442 бет.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ СУШКЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРОДУКТОВ

This publication lists the materials of innovative technology in drying agricultural products, the use of renewable energy sources including solar power, as well as the quality of the finished product under drying fruits and vegetables.

В последние годы человечество тревожат проблемы продовольственной безопасности, связанные с ростом населения земного шара. В связи с этим, перед государствами и специалистами в этой сфере ставится задача разработки современных путей решения этой проблемы. Одним из основных источников продовольственных продуктов, по мнению специалистов, являются различные сельскохозяйственные культуры. Для получения максимального объема продовольственных продуктов требуется правильное использование выращенных сельскохозяйственных культур путем современных технологий хранения и переработки.

В результате проведенных реформ в сельском хозяйстве в Республике Узбекистан за годы независимости кардинально изменена структура сельскохозяйственного производства, ликвидирована ориентация на монокультуру хлопчатника, внедрены рыночные отношения и широко развита частная форма собственности в аграрном секторе, создана прочная основа для наращивания производства продовольственной продукции.

Так, благодаря реализованным мерам по расширению объемов производства продовольственных культур объем производства плодоовощной продукции в 2015 году составил свыше 18 млн. тонн. Динамика роста плодоовощной продукции увеличилась по плодам в 4.1 раза, по овощам — 3.8 раз, по картошке — 7 раз. Если учесть, что в следующие 4—5 лет объем площади увеличится по плодам на 60.6 тыс. га, по виноградникам — 35.5 тыс. га, то объем выпускаемой продукции будет значительно возрастать.

В этих условиях, для ускоренного развития, особое внимание уделяется разработке новых инновационных подходов в сельскохозяйственном производстве, основанных, прежде всего, на внедрении ресурсосберегающих технологий.

Как известно, существует несколько методов переработки плодов и овощей: сушка сельхозпро-

дуктов, получение соков и концентратов, консервирование.

Среди вышеперечисленных методов переработки наиболее выгодным для нашей республики является процесс сушки плодов и овощей. Известно, что плоды и ягоды имеют большое значение для жизнедеятельности людей. Они содержат ценные сахара, органические кислоты, белки, жиры, минеральные соли, витамины, ферменты, коллоиды, дубильные, пектино-

В последние годы мировое общество тревожат проблемы повышения себестоимости продуктов питания, которые связаны с применением традиционных энергоносителей. Известно, что для получения определенного количества электроэнергии используются другие природные ресурсы, такие как нефть, газ, уголь и т.п., которые при сжигании загрязняют окружающую среду.

Ниже, на рисунке представлена установка для проведения сушки плодов и овощей, используемая на экспериментальном участке Ташкентского Государственного аграрного университета. Основным рабочим органом установки является солнечная батарея для питания вентиляторов. Вентиляторы служат для продувки нагретого воздуха из коллекторной зоны на сушильную площадку. Коллекторная зона сделана из специального черного дна для подогрева воздуха. Установка сверху покрыта специальной пленкой, которая обеспечивает установку подогреваемым воздухом. Отсортированное сырье помещают на сушильную площадку и закрывают пленкой, которая служит не только источником нагретого воздуха, но и защищает сырье от попадания органических примесей и различных насекомых. Затем, через определенное время, включают вентилятор для продувки воздуха нагретого в коллекторе, что обеспечивает ускорение процесса сушки.

Таким образом, через применение современных сушильных установок под пленкой с использованием солнечной батареи, ускоряется процесс сушки плодов и овощей, обеспечивается качество готовой продукции. В результате данная сушка является выгодной с точки зрения экономии энергоносителей и по себестоимости готовой продукции.

А. АЗИЗОВ,
доцент,

М. МИРСУЛТОНОВ,
ассистент,
ТашГУАУ.



Сушильная установка под пленочным покрытием с использованием солнечной батареи
1-солнечная батарея; 2- вентилятор;
3-пленка

вые, ароматические и другие вещества. Многие фрукты обладают бактерицидными и лечебными свойствами, что делает их необходимой составляющей рациона питания человека и, как показывают исследования, при правильном применении процесса сушки, эти полезные вещества могут быть максимально сохранены.

Привлекательность процесса сушки объясняется климатом нашей республики — это высокая температура и низкая относительная влажность воздуха. На сегодня известно несколько видов сушки плодов и овощей:

- естественная сушка;
- искусственная сушка;
- сушка по современным технологиям: инфракрасная, микроволновая, сублимационная сушка.

Все они имеют свои преимущества и недостатки.

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ КОРМОВ В АКВАКУЛЬТУРЕ

The article gives review about rational fish feeding and optimal using of balanced fish feed. Authors touch upon the issues which have relation with fish feeding: FCR, water quality, hydrochemical monitoring, permanent grading of fish, size of feed particles and so forth. This information very important for beginning farmer.

Следует особо отметить, что все потенциальные качества любого корма, даже самого биологически полноценного, можно не суметь реализовать в полной мере, или вообще свести к нулю, если пренебрегать соблюдением технологической дисциплины.

Иными словами, наряду с использованием качественных кормов необходимо обеспечивать для выращиваемой рыбы оптимальные условия среды, своевременно проводить все биотехнологические операции, грамотно применять эти корма.

Так, известно, что одним из основных показателей эффективности используемого корма, является т.н. кормовой коэффициент (КК), т.е. количество корма, затраченное для получения единицы прироста живой массы рыбы. Обычно величины КК для данного типа, марки корма приводятся в каталогах фирм - производителей кормов в качестве ориентировочных значений, характеризующих его продуктивное действие, и достигаемых при выполнении ряда требований.

Мы особо подчеркиваем, что декларируемые величины кормового коэффициента и, соответственно, эффективность использования корма могут быть достигнуты только при соблюдении следующих общих условий:

- биологическая однородность и генетическая полноценность популяции, группы, партии выращиваемых рыб (отсутствие инбридинга);
- благополучное ихтиопатологическое состояние хозяйства (отсутствие паразитарных и инфекционных заболеваний);
- соответствие гидрохимического режима выращивания требованиям культивируемых объектов (температура и проточность воды, содержание кислорода, аммонийного и нитритного азота, минеральных элементов, нефтепродуктов и ядохимикатов и т.п.);
- использование корма такого типа, который рекомендуется для выращивания данной размерно-возрастной категории данного вида рыб с учетом конкретных условий хозяйства;
- начальная отсортированность рыб по размерно-весовым характеристикам;
- соблюдение рекомендуемой кратности кормления;
- величина суточного рациона должна соответствовать рекомендуемой норме при данной температуре с учетом местных условий;
- обязательный ежедневный контроль поедаемости корма и корректировка рациона с учетом изменений условий выращивания (изменения температуры, уровня кислорода и т.п.) и планируемых технологических операций (пересадка, сортировка и т.п.);

- ежедневный контроль за уровнем кислорода в водоеме, садках, бассейнах и корректировка режима кормления в зависимости от величин этого показателя. Максимальная эффективность использования корма на скорость роста у рыб возможна при содержании кислорода в воде не ниже 80% нормального насыщения при оптимальной температуре для каждого вида рыб.

- регулярное проведение сортировки рыб в рыбоводных емкостях по размерно-весовым показателям;
- размер (диаметр) кормовых частиц должен соответствовать размеру рыб (лучше использовать корм меньшего размера, чем более крупного);
- корм должен быть при хранении постоянно защищен от прямых солнечных лучей и повышенной влажности.

Тщательное выполнение этих основных требований при кормлении готовыми искусственными кормами высокого качества обеспечит высокую скорость роста рыб, увеличение съема продукции с единицы



объема, хорошие экономические показатели. Однако, следует учитывать, что величины суточного рациона в кормовых таблицах для каждой марки корма не следует рассматривать как некую догму и слепо следовать ей. Данные нормы кормления рассчитаны для оптимальных условий выращивания, но не могут учесть всех факторов, влияющих, на аппетит и метаболизм у рыб в конкретном хозяйстве (газовый и химический режим, освещенность, физиологический статус рыб и т.п.).

Грамотный специалист должен подходить к своей работе творчески, с учетом особенностей своего хозяйства. Кормовые таблицы следует принимать за "базу", а скорректированное решение принимать на основе анализа конкретной ситуации в хозяйстве в целом и каждой рыбоводной емкости, в частности, поведения рыбы, данных контрольных обловов, расчетов темпа весового роста и кормовых затрат.

Р.КУРБАНОВ, С.КИМ,

Научно-опытная станция по развитию рыбоводства.

БИОГАЗ ЧИҚИНДИСИ ОРГАНИК ЎҒИТДИР

Органик чиқиндиларни анаэроб усулда қайта ишлашдан ҳосил бўладиган асосий хомашё, юқори сифатли органик ўғит — биошлам ҳисобланади.

Биореакторларда ишлов берилган ҳар қандай органик чиқинди бегона ўт уруғларидан ва зараркунандалар тухумларидан, кескин ҳидидан (майин балчиқ ҳиди очиқ ҳавода 2—3 соатда умуман йўқолади), патоген микрофлоранинг фаоллигидан батамом халос бўлди. ранги ўткир кулранг ранга кириб,

Маълумки, органик чиқиндиларни ишлов бермасдан далаларга ва ўсимликларга озуқа сифатида беришда уларнинг таркибидаги юқумли ва инвазион касалликлар келтириб чиқарувчилар, экзотоксикантлар (оғир металллар, пестицидлар, микотоксинлар ва ҳоказо) медикаментоз препаратлар ва бошқа ифлослаштирувчи моддалар бўлиши мумкин. Органик чиқиндилар ва шу таркибга тенглаштирилган экскрементлар ерга солинганда катта миқдорда микрофлора ва ёввойи ўтлар уруғи тушади.

Чорвачилик чиқиндиларининг йиғилиш жойларидаги намгарчиликнинг юқорилиги сабабли гиж-

йўқотиш имконини беради. Анаэроб қайта ишлаш жараёнида ксилороднинг деярли бўлмаслиги тирик микрофлора кескин камайишига сабаб бўлади.

Органик чиқиндиларни анаэроб қайта ишлаш жараёнида қийин парчаланётган таркибнинг 70% дан ортиқроғи тўлиқ парчалансада, қолган қисми парчаланмай, биошлам таркибига ўтади.

Тажрибаларда қайта ишланган биошлам иссиқхоналарда ишлатилганда, бодринг ва помидор ҳосилдорлиги ошиши, ернинг структуравий аҳволи бир неча баробарга ортганлигини ва ернинг микрофлораси ўзгариши (устки қисмида кўк моғорлар пайдо бўлиб, говаклиги ортиши) ни кўрсатди.

Биошлам таркибида жуда кўп миқдорда органик моддалар бўлиши ернинг гигроскопик ҳолатининг эмас, намлик шимилишини ҳам яхшилайти, шу билан бирга тупроқ эрозиясининг олдини олиб унумдорлигини оширади. Органик таркиб ердаги микроорганизмлар учун доимий истеъмол омборхонаси бўлиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади.

Қайта ишланган гумусли материал ерга солинганда, тупроқнинг физика хоссаларини яхшилайти. Биошлам таркибидаги протеин ва лигниннинг кимёвий унсурлар орасида эркин ҳолда учрамаслиги унинг ўсимлик дунёси учун зарурлигини кўрсатиб, тупроққа солинган вақтиданоқ ўсимликлар уни

ўзлаштирила бошлайди ва минерал ўғитга нисбатан 3—5 йилгача ҳосилдорликка таъсир этади. Маълумки, гумин кислоталари ўсимликларнинг ўсиши учун асосий хомашё ҳисобланиб, тез етилиши ва ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Биошлам таркибидаги гумин кислоталарининг миқдори қуруқ органик моддага нисбатан қайта ишлаш ҳарорат ҳолатига боғлиқ ҳолда 13—28% ни ташкил этади. Экинзор ерларга солинганда ҳосилдорликни 10% дан 70% гача оширганлиги тўғрисида кўпгина маълумотлар мавжуд.

Биошлам далаларга солинганда ёмғир чувалчангининг ривожланишини жадаллаштиради.

Ишқорли ерларда биошламни қўллаб ишқорни нейтраллаш жуда арзонга тушади ва сув тақчил ерларининг намлик сақлаш қобилиятини оширади.

Бугдойнинг "Половчанка" нави етиштирилаётган далаларда гектарига 400 л. биошлам солиб, ўтказилган тажрибаларда ҳосилдорлик гектарига 5,4 центнерга ортганлиги ва помидор етиштириш даласида ҳар бир турдаги помидорнинг оғирлиги 0,7—1,5 кг. гача бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ерларни шудгорламасдан гектарига 4 тонна биошлам бериб етиштирилган маккажўхоридан 1,8—2 баравар ҳосилдорликка эришилган.

Энергиянинг баҳоси кўтарилиб кетаётган даврда, айниқса, анаэроб биологик жараёндан фойдаланиш катта иқтисодий фойда келтиради. Органик чиқиндиларни анаэроб шароитда қайта ишлаб олинган биогаздан қўшимча юқори сифатли биоўғит манбаи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

К.УСМОНОВ,
изланувчи,
Ш.ИМОМОВ,
доцент.

Жадвал
Кўкатлар таркибидаги азотли нитратнинг ерга солинган ўғитларга нисбати

т/р	Ўғит турлари	NO ₃ , мг/кг
1	Молхона чиқиндилари	143,33-150,17
2	Молхона чиқиндиларига анаэроб ишлов беришдан олинган биошлам	343,76-360,16
3	Минерал ўғитлар комплекси	1933,69 -1978,88

жа тухумлари, моғор замбуруғи кўпайиши фаоллашади.

Органик чиқиндилар ўта хавфли касаллик тарқатиши билан бирга уларни йиғиш жойларида доимий равишда шартли — патоген микроорганизмлар, ва бошқа микроблар билан бойиб боради. Анаэроб жараённинг афзаллиги шундаки, касаллик ва қўланса ҳид тарқатувчи манбаларни тўлиқ

АДАБИЁТЛАР

1. Дубровский В.С., Виестур У.Э. Метановое сбраживание сельскохозяйственных отходов. Рига; Зинатне, 1988. 204 с.
2. Лебедев О.В., Рахметов Б.Ф., Имомов Ш. Методические рекомендации по выбору типа установок метанового сбраживания для ферм и комплексов в условиях Узбекистана" - М.: Деп.науч.раб. ЦНИИТЭИ автосельхозмаш, 1990. - № 5.-121 с.
3. Евилеевич А.З. Утилизация осадков сточных вод.-М. 1979. - 86 с.

ЮҚОРИ МАНЕВРЛИ ЧОПИҚ ТРАКТОРИ БИЛАН АГРЕГАТЛАНГАН УНИВЕРСАЛ РАМАЛИ 8 ҚАТОРЛИ КУЛЬТИВАТОР

Determining performance 8-row cultivator layout based on the universal frame aggregated with tractors highly mobile.

ҚХМЭИда 8 қаторли культиваторнинг янги намунасини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, ягона универсал рама асосида 8 қаторли культиваторнинг макети тайёрланди ва юқори маневрли пахтачилик чопиқ трактор-макетига агрегатлаб, унинг лаборатория-дала тадқиқотлари ўтказилди.

Кенг қамровли, осма модулли пахтачилик культиватор-ўғитлагичи 4, 6 ва 8 қаторли бўлиб 4, 6 ва 8 қаторли сеялка билан 60, 70 ва 90 см. қатор оралиғида экилган ғўза, маккажўхори ҳамда бошқа экинларнинг қатор ораларига ишлов беришга мўлжалланган.

Культиватор-ўғитлагич 0,9, 1,4 ва 2 классдаги тракторлар билан агрегатланади.

Культиватор универсал рамага 8 қаторли қилиб, ишчи органлари 90 см. қатор орасига мўлжаллаб ўрнатилган. Танлаб олинган мақбул схема асосида барча қатор ораларига биттадан грядил ўрнатилган бўлиб, марказий қатор ва ўрта қаторлар орасидаги секцияларга симметрик ҳолда 2 тадан бир томонли ясси пичоқлар, 2 тадан юмшатгичлар ва қаторларнинг ўртасига 1 тадан ўқ-ёйсимон панжалар ўрнатилди. Ёндош қаторлар оралиғига 1 тадан бир томонли ясси пичоқлар, 1 тадан юмшатгичлар ва қаторларнинг ўртасига 1 тадан ўқ-ёйсимон панжалар агрегатнинг симметрия ўқиға нисбатан ўнг ва чап қанот секцияларга бир-бирига симметрик қилиб жойлаштирилди. Бир томонли ясси пичоқлар кўчат қаторларидан 10 см. қочириб ва 6 см. чуқурликда ишлов берадиган қилиб маҳкамланди. Тупроқни юмшаткичлар бир томонли ясси пичоқлар ишлов берган чегарадан, яъни кўчатлардан 12—15 см. узоқликда 4—8 см. чуқурликда ишлов беради. Қаторларнинг ўртасига ўрнатилган ўқ-ёйсимон панжаларнинг ишлов бериш чуқурлиги 12 см. қилиб танланган.

Қатор ораларига ишлов беришдан олдин экин экилган дала тупроғининг намлигини аниқлаш мақсадида намуналар олинди ва қаттиқлиги ўлчанди.

Культиватор рамаси, деталлари, узелларининг мус-

таҳкамлигини текшириш мақсадида қатор ораларига ишлов бериш тупроқ етилгандан кейин бир оз вақт ўтказиб туриб бажарилди.

Трактор-макетнинг гилдираклари олдиндан йўналтириш учун қирқилган суғориш жўяклари бўйлаб ҳаракатлантирилди. Машина-трактор агрегатнинг иш тезлиги соатига 6,7 - 6,9 километрни ташкил этди. Агрегат ўтгандан сўнг ҳимоя зонаси, ишлов бериш чуқурлиги, бегона ўтларнинг йўқотилиши ва тупроқнинг уваланиш даражаси ўрганилди.

Бегона ўтларнинг қатор ораларига ишлов беришдан олдинги ва қаторлар ишлов берилгандан кейинги миқдорлари аниқланиб, таҳлил қилингандан уларнинг йўқотилиш даражасининг 91 фоизга етгани аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили шунни кўрсатмоқдаки, тупроқнинг уваланиш даражаси суғорилмаган, гилдирак ўтмаган ўрта қаторларда энг юқори, суғорилган, тракторнинг гилдираги ўтган қаторларда суғорилган, лекин тракторнинг гилдираги ўтмаган қаторлардагига нисбатан юқори эканлигини ва тупроқнинг уваланиш даражаси агротехник талабларга тўла жавоб беришини кўрсатди. Қаторларнинг ўртасига ўрнатилган ўқ-ёйсимон панжаларнинг ишлов бериш чуқурлиги 12 см. қилиб ўрнатилган бўлиб, амалда ишлов бериш чуқурлигининг ўртача қиймати $M_{\text{ўр}} = 9,02$ см, унинг ўрта қийматдан оғишлари $= \pm 2,68$ см ва вариация коэффиценти $V=29,70\%$ ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, олинган натижаларга асосланиб, юқори маневрли пахтачилик чопиқ трактор-макетига агрегатланган 8 қаторли культиватор макети технологик жараённи қониқарли бажарди ва иш кўрсаткичлари (бегона ўтларни ўлдиришидан ташқари) агротехник талаблар даражасида бўлди.

И.ТЎЛАНОВ,

катта илмий ходим,

Ҳ.СОЛИЕВ,

кичик илмий ходим (ҚХМЭИ).

АДАБИЁТЛАР

1. С.Тўраев. Қишлоқ хўжалик машиналари учун унификациялашган рама// *Агро илм, Тошкент, 2015.* - №2(34). - Б.90 - 91.



Транспорт ҳолатига йиғилган культиватор кўриниши.

ИҚТИСОДИЁТДА РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

In the article the goals, tasks and stages of audit of real estate organizations, audit of financial and economic activities of real estate organizations.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг турмуш сифати ва даражаси ошиб бораётгани, хусусий сектор вакиллари сафи тобора кенгайиб, иқтисодий салоҳияти ортаётгани кўчмас мулк бозори жадал суръатда ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Ижтимоий иншоот ҳамда объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, янги уй-жойлар барпо этиш ишлари самарасида кўчмас мулк бозорида талаб ҳамда таклиф мутаносиблиги таъминланаяпти, қувонарлиси шуки, бу каби янги уй-жойлар ва иншоотлар қишлоқ жойларида ҳам қад кўтариб, фойдаланишга топшириляётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 22 декабрдаги “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ юридика ва жисмоний шахсларнинг шартнома асосида кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича битимлар тузиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти риэлторлик фаолияти ҳисобланади. Риэлторлик фаолияти ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади. Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Риэлторлик фаолияти қуйидаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

- кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқ бўйича битимлар тузишда воситачилик;
- кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончнома орқали бошқариш;
- кўчмас мулк бозорларида ахборот ва маслаҳат хизматлари-

ни кўрсатиш.

Риэлторлик ташкилотларида аудитнинг мақсади бўлиб риэлторлик операциялари кўрсаткичларининг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши аниқлиги тўғрисида фикр билдириш ҳисобланади.

Мазкур соҳада аудитнинг вазифаси – риэлторлик операцияларининг тўғри белгиланиши ва ҳисобда акс эттирилишини аниқлаш ҳисобланади.

Риэлторлик операциялари аудитида асосий вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- риэлторлик шартномалари бўйича операцияларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш;
- муддати ўтган қарздорлик мавжудлигини текшириш;
- муддати ўтган қарздорликларни аниқлаш;
- муддати ўтган қарздорликнинг ҳисобдан чиқарилишини текшириш;
- сотиш усулларида кўра қарздорликни ҳисобга олиш тўғрисидаги текшириш;
- қарздорликни ҳисобдан чиқаришнинг асосланганлиги ва асослилигини текшириш.

Риэлторлик хизматларини текширишда аудитор қуйидагиларни албатта билиши зарур:

1) уй-жой ва ер қонунчилиги асосларини, кўчмас мулк билан амалга ошириладиган операцияларни тартибга солувчи қонуний ва норматив ҳужжатларни, низом, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни;

2) кўчмас мулк билан операцияларни расмийлаштириш бўйича хизматларнинг амалдаги нархларини;

3) юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг умумий шартларини;

4) кўчмас мулк олди-сотдиси ва ижараси билан боғлиқ шартномалар тузиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш қоида-

лари ва тартибини;

5) улар кўрсатаётган хизматлар турларини;

6) олди-сотди ва ижарага мўлжалланган кўчмас мулк объектларини кўздан кечириш қоидалари ва баҳолаш усулларини;

7) кўчмас мулк объектларини реклама қилиш қоидаларини;

8) ички меҳнат интизоми қоидаларини.

Риэлторлик операцияларининг аудити давомида аудиторлик фаолияти бўйича қонунчилик талабларига мувофиқ, ички назорат тизимини баҳолаш мақсадида аудитор ташкилот ички назорат тизимини текшириш саволномасини ишлаб чиқиши ва бухгалтерия ходимлари ўртасида оғзаки сўров олиб бориши лозим.

Кейинги босқич – бу риэлторлик операциялари бўйича ҳисобкитоблар аудитижараёнида муҳимлилик ва риск даражасини аниқлаш имконини берувчи аудитни режалаштиришдир.

Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи бўлиб аудитнинг умумий режаси ва батафсил дастурини тайёрлаш ҳисобланади ва ҳамма масъулият, жавобгарлик, иш самараси, маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ҳисобот ва ҳулосаларнинг ишончлилиги айнан шу босқичдан бошланади. Дастурга — текшириш жараёнида қўлланиладиган амаллар киритилади, уларнинг таркиби айнан риэлторлик фаолияти аудити учун белгиланган.

Аудиторлик текширувининг якунловчи босқичида эса, ишлар тугагандан сўнг аудитор ишчи ҳужжатлар пакетини шакллантиради, аудиторлик ҳисоботини тузади ва уни ишчи ҳужжатлар билан биргаликда текширув раҳбарига топширади.

А.ТҲҲИЧЕВ,
и.ф.д., ТМИ.

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ ЗАТРАТАМИ

The article deals with the analysis of modern methods of cost management and improvement.

На основании анализа экономической литературы, можно выделить следующие наиболее популярные методы управления затратами: метод построения цепочки ценностей, метод нефинансовой оценки деятельности, метод учета затрат на основе выделения видов его деятельности.

Как известно, предприятие может поддерживать устойчивое конкурентное преимущество на базе лидерства в затратах или на базе дифференциации продукции, либо используя и то и другое.

Таким образом, чтобы достигнуть превосходящей позиции относительно конкурентов предприятие должно стремиться изготавливать продукцию (услугу) дающую большую ценность за ту же стоимость, что и у конкурентов, либо основывать свое преимущество на основе низких издержек.

Применительно для автомобильного и речного транспорта такие преимущества могут быть достигнуты, в частности, за счет освоения автотранспортных предприятий (АТП) специализированных перевозок на рынке услуг с низким уровнем конкуренции или за счет повышения качества управления затратами на основе внедрения прогрессивных методов. Наиболее выгодное конкурентное положение получает предприятие, использующее два этих принципа вместе.

Лидерство по затратам может быть достигнуто благодаря следующим подходам:

- в результате экономии в масштабах производства;
- на основе полученного опыта производства товаров (услуг);
- в результате жесткого контроля над затратами;
- на основе минимизации затрат в таких сферах, как исследования и разработки, сервис, маркетинг.

Для АТП данные подходы реализуются через управление затратами на основе прогрессивных методов управления затратами. Другими словами, для сокращения затрат на АТП могут применяться различные методы управления затратами, направленные на достиже-

ние экономии средств, основанной: на опыте перевозок (чем дольше предприятие занималось данным видом перевозок на данном направлении, тем легче контролировать затраты на маршруте, продвигать свою услугу и т.д.); на жестком контроле над затратами, позволяющем получить преимущества перед конкурентами вследствие снижения тарифов и использования сэкономленных средств на дальнейшее развитие предприятия; на минимизации затрат на исследование грузопотоков и требований клиентов, на рекламу транспортных услуг и др.

При осуществлении дифференциации, основной акцент делается на обновлении номенклатуры продукции предприятия путем создания чего-то, что ощущается потребителями как нечто редкое и уникальное. Подходы к дифференциации продукции учитывают: приверженность к торговой марке, качество обслуживания, наличие дилерской сети, конструкцию и особенности изделий и/или технологию.

Для АТП подходы при дифференциации транспортных услуг учитывают: приверженность клиентов к определенному АТП, обслуживание (возможное оформление документов, экспедиторские услуги и т.д.), особенности вида перевозок, используемые при перевозке информационные технологии вида перевозок.

Дифференциация продукции для автомобильного и речного транспорта может привести к серьезным единовременным затратам, таким, как покупка дорогого подвижного состава с более высокими технико-эксплуатационными характеристиками, проведение рекламных компаний, более глубокое изучение рынка услуг и потенциальных клиентов.

От общего подхода в управлении затратами перейдем к методам управления. Рассмотрим метод построения цепочки ценностей. Сущность этого метода состоит в следующем. Построение и анализ цепочки ценностей, прежде всего, определяет, где в цепочке ценностей может быть увеличена ценность

для потребителя или снижена себестоимость. Система цепочки ценностей - это метод классификации этой цепочки по стратегически важным видам экономической деятельности, для определения поведения затрат и источников дифференциации. Таким образом, общая цепочка ценностей для каждого предприятия уникальна.

Каждая функция по созданию ценности имеет уникальный набор определяющих факторов, которые объясняют различия в затратах для этих видов экономической деятельности. Следовательно, каждый вид экономической деятельности имеет уникальные источники получения конкурентного преимущества. Стандартная цепочка ценностей, имеет вид: сырье-исследования и разработки-производство-маркетинг-распределение-обслуживание.

Однако, применяя данную шаблонную цепочку ценностей на практике, непосредственно для автомобильных перевозок, можно прийти к выводу, что в этом случае цепочка ценностей утрачивает некоторые свои звенья.

Как следствие предприятие создает преимущество, либо ряд преимуществ, а также выбирает методы контроля и управления затратами в сопоставлении с ценностями конкурентов. Необходимо также отметить, что предприятие основываясь на анализе существующей цепочки ценностей, может и вовсе прийти к выводу о необходимости ее полной ликвидации. Так, АТП может прийти к выводу о неэффективности выполняемых им перевозок и, как следствие, либо полностью прекратить предоставление услуг по перевозкам данного вида, либо изменять используемые методы управления затратами по этому виду перевозок, добываясь конкурентного преимущества.

Вопреки стандартному взгляду на повышение рентабельности продукции за счет изучения внутренней цепочки ценностей предприятия существует также более широкий взгляд на проблему. В соответствии с ним, предприятие может повысить свою рентабель-

ность, понимая то, как деятельность предприятия по созданию ценностей сочетается с цепочками ценностей поставщиков и потребителей. Для автотранспортных предприятий данный подход может быть реализован, например, путем специализации перевозок, когда автотранспортное предприятие на основе анализа деятельности заказчика может предложить более удобный для заказчика вид перевозки, используя специализированный подвижной состав.

Другими словами, предприятие может повысить свою рентабель-

ность, понимая то, как деятельность предприятия по созданию ценностей сочетается с цепочками ценностей поставщиков и потребителей.

В отличие от концепции добавленной стоимости, в соответствие с концепцией цепочки ценностей декларируется, что отдельные виды экономической деятельности по созданию стоимости внутри фирмы являются зависимыми. Отсюда можно сделать вывод о необходимости координации видов экономической деятельности, если их влияние на продвижение товаров полностью осознается.

ЛИТЕРАТУРА

1. Гурков И.М. Международные перевозки грузов Информ. для потребителей транспортных услуг: Справочник. - СПб.: Информ. центр "Выбор" .- Петербург, XXI в., 1998. - 160 с.
2. Дж. Шанка и Говиндараджана В. Менеджмент 3-е издание. - Москва: Гардарика, 2000. - 527 с.
3. Кузнецов Е.С., Курников И.П. Производственная база автомобильного транспорта: Состояние и перспективы. - М.: Транспорт, 1988. - 231 с.

УЎТ: 631.11;631.52.

Тадқиқот

ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЗАНГ КАСАЛЛИКЛАРИГА ЧИДАМЛИ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИ

The article contains results of winter wheat lines and segregating populations resistance to most prevalent stripe rust disease, agronomic characters and quality parameters which is brought by International Center for Agricultural in the Dry Areas, ICARDA

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янги нав ҳисобига 25-30% га ошириш мумкин.

Буғдой ҳосилдорлиги ўсимликнинг тузилишига, моддалар алмашинувиға ва дондаги моддаларга боғлиқ. Селекцияда энг муҳими аниқ бир генотипга ёки маҳсулдорликнинг гомо ва гетерозиготали ва бошқа кўрсаткичлар яъни у қандай генетик потенциалга эга эканлигидир. Бу икки омилни, дурагайлашда дурагай аралашмалардан кучли генотипларни танлашга боғлиқ.

Жаҳон коллекция нав намуналарини ўрганиш шуни кўрсатдики, географик ва генетик жиҳатдан узоқ жойлашган турли-туман бошланғич манбалар селекция жараёнида илмий асосланган илғор усуллар қўлланилиб, фойдаланилса ютуқларга эришиш мумкин.

Республикамизнинг маҳаллий шароитларида ўрганилаётган ҳамда ICARDA (Қурғоқчилик минтақаларда қишлоқ хўжалик тадқиқотлари халқаро Маркази (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas, ICARDA), халқаро ташкилотидан келтирилган дурагай

ўсимликлар жами бўлиб, 150 комбинацияда чапиштирилган ўсимликларнинг F_5 дурагай авлодлари ҳисобланади. Дурагайларнинг биринчи бўғинидан (барча комбинацияда чапиштирилган ўсимликлар авлоди F_1) бошлаб F_5 авлодигача дурагайни қайта экиш усулида экиб келинган. Дурагайни қайта экиш усули ҳосил янчилгач барча уруғлар аралаштирилиб юборилади ва экилади. Дурагай ўсимликларнинг F_5 бўғинидан бошлаб асосий шакллари ҳосил бўлиш жараёни тугади ва улардан энг яхшиларини танлаш, занг касалликларига (сариқ ва қўнғир занг), шўрга, иссиқликка чидамлилиги бўйича ҳамда ўсимликларнинг ташқи агрономик белгилари (ўсимлик бўйи, маҳсулдор поялар сони, бошоқ узунлиги, бошоғининг зичлиги кабилар) га қараб олиб борилди. Тажриба давомида 150 та дурагай популяциялардан фойдаланилди. Ҳар бир дурагай популяцияларида занг касалликларига чидамлилиги, шўрга, иссиқликка ҳамда ташқи агрономик белгилари бўйича энг яхши ўсимликлардан 56 таси танлаб олинди. 56 та

Таким образом, для дальнейшего рассмотрения нами выбрана концепция цепочки ценностей. Традиционные подходы управленческого учета подчеркивают важность снижения затрат между звеньями цепи. Также анализ цепочки ценностей предоставляет возможности снизить общие затраты, сознательно увеличивая затраты в ходе какого-либо вида экономической деятельности, создающего стоимость, может привести к снижению общих затрат.

М.КАЛОНОВ,
соискатель, ТГЭУ.

комбинациядан танлаб олинган ўсимликлар сони 3360 тани ташкил қилди. Шундан кейин ҳар бир дурагай ўсимлик популяциясидан олинган бошоқлари алоҳида-алоҳида янчилиб, доннинг катталиги ва тўлалигига қараб танлаш ишлари олиб борилди.

Ўрганилаётган дурагай ўсимликлар орасидан занг касалликларига, шўрга, иссиқликка чидамлилиги бўйича, энг яхши қимматли белги ва хусусиятга эга бўлган ўсимликлар танлаб олинди. Танлаш ишлари икки босқичда: далада ҳамда лаборатория шароитида олиб борилди. Танланган ўсимликлар келгусида алоҳида-алоҳида қаторларга экилади ва танлаш ишлари давом эттирилади. Келгусида ғаллачилик соҳаси учун занг касалликаларига, шўрга, иссиқликка ҳамда доннинг катталиги, тўлалиги каби белгилари бўйича талабга жавоб берадиган янги навлар билан бойитилиши кутилмоқда.

Д.МУСУРМОНОВ,
Ўсимликшунослик ИТИ,
А.ҲАКИМОВ,
Тош ДАУ.

КАСБДОШЛАРИМИЗ ИЖОДИДА

Мухбирликни қисмат билган барча касбдошларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” ва “Агро илм” журналлари ижодий жамоаси ҳамда журналхонларимиз номидан муборакбод этамиз. Келгуси иждоҳларида фаоллик ва илҳом ёр бўлишига тилакдошмиз.

ЎЗБЕК

Учай деса, учоғи — гилам,
Ой бир қадам, осмон бир қадам.
Чин истаса, сув юзида ҳам
Авлиёдек юради ўзбек.

Одам Ато ўзбек бўлмаган,
Дея айтар уни билмаган.
Ёр кел деса ким у келмаган,
Шундай даврон суради ўзбек.

У кашф этгач санокда ўнлик,
Дунё бўлди милйўн-милйўнлик.
Олам аҳли қилсин деб тўнлик,
Ҳар куз пахта теради ўзбек.

Осмон каби кенг бағир, кенг феъл,
Офтоб янглиғ саховати мўл.
Ер сингари баракали эл
Сирасига киради ўзбек.

Гул экади бўшаса қўли,
Боғу баҳор ўнгию сўли,
Боласига бошлайди йўли,
Бойиса уй куради ўзбек.

Унинг учун кўнгил чин Каъба,
Қилса қилар ўзини хафа,
Дўст кўнглини ўйлар ҳар дафъа,
Оламга дарс беради ўзбек.

Айттанларим бу бари эмас,
Бола ота айбини демас.
Тарих — кўзгу. Унда ҳар нафас
Бўй-бастини кўради ўзбек.

Саъдулла ҲАКИМ,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.*

ЖУРНАЛ

Дўстим, сенга ниятимдир бул:
Дарахт эрсанг илдизинг бўлсин.
Ҳам зоҳиру ботинда бир бўл.
Ҳар калиманг юз-кўзинг бўлсин.

Отанг билан гердайма зинҳор,
Ҳар инсоннинг тарозуси бор,
Бўлмай десанг қариганда хор —
Қобил фарзанд — ул-қизинг бўлсин.

Ватан ярар корингга ҳар он,
Юрт соғинчи бўлмасин армон,
Яшай десанг ҳур, дориломон,
Ўз кафанинг, ўз бўзинг бўлсин.

Мўрт дарахтга отмайдилар санг,
Дўст кўпаяр бағрингни очсанг,
Билки, доим обрўга ёрсан —
Яхши сўзинг, нон-тузинг бўлсин.

Вақт ўтказма ҳуда-беҳуда,
Умрнинг ҳар они кўзгуда,
Дардинг бўлсин ҳатто кулгуда —
Элга айтар чин сўзинг бўлсин!

Рост гапиргин, дедилар доим,
Хўп, дедим мен чоғлаб шуурни.
Тўғри сўзни тополмай лекин
Яшаб қўйдим ёлғон умрни.

Пулни қарзга олмоқлик мумкин,
Гоҳи мансаб топилар текин.
Ишончини қизганмайди халқ,
Омонатга бермайди лекин.

Фармон ТОШЕВ,
“Зарафион” газетаси.

ЎЗБЕК ИЕТОҶ

Атлас рангларида барқ урар чирой,
Мовий гумбазларда кубба-ярим ой,
Ўн миллион дўппили яшайдиган жой,
Кўз очиб кўрганим — Ўзбекистонсан!

Бўғотга қурилган қалдирғоч ини,
Белбоққа осилган пичоқнинг қини,
Кўм-кўк дарахтларнинг хушбўй тўлқини,
Фахрия қилганим — Ўзбекистонсан!

Бир этак болали ўзбекнинг уйи,
Бошида янграйди «Тановар» куйи,
Карнайли, сурнайли фаровон тўйи,
Завқланиб юрганим — Ўзбекистонсан!

Кўш сахро ораси — кўклаган йўлка,
Боғлари олдида Эрам бир кўлка,
Минг қуллук, толеимга битмиш шу ўлка,
Нурларга тўлганим — Ўзбекистонсан!

Йўлингга садақа ашғор-фардларим,
Бўйнимга илинган тумор-дардларинг,
Киприklarим артсин ғубор-гардларинг,
Бўлганча бўлганим — Ўзбекистонсан!

Ҳеч ким қўлламайди мени сен каби,
Ҳеч ким англамайди сени мен каби,
Сени «сен» атайман худди тенг каби,
Мен сенсиз ўлганим — Ўзбекистонсан!

Ҳайитбой АБДУСОДИК,
*Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган
журналист.*

ДЕҲҚОНДАН ЧИҚҚАН АКАДЕМИК

Техника фанлари доктори, профессор, Абу Райҳон Бериуний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Абдумуталиб Ҳожиёвга ҳамкасблари деҳқон оиласидан чиққан академик деб таъриф беришади.

Чунки у деҳқон оиласида ўсиб-улғайган. 1953 йили ўрта мактабни битиргач, илмга бўлган чанқоқлик билан Тошкентдаги Ўрта Осиё Политехника институти (ҳозирги И.Каримов номи Тошкент давлат техника университети)нинг механика факультетига ўқишга кирди. 1958 йили институтни тамомлагач «Машиналар механизми назарияси ва деталлари», «Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари» кафедраларида ассистентлик қилди.

1961-1964 йиллари Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ҚХМЭИ)нинг аспирантурасида таҳсил олди.

1965 йилда номзодлик, 1989 йилда докторлик диссертацияси ни ҳимоя қилиб, 1990 йилда профессор унвонига эга бўлди. 1991 йилдан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси. Истеъдодли олим 59 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ҚХМЭИ нинг лаборатория раҳбари, институт директори, бир неча ихтисослашган кенгашлар раиси сифатида самарали меҳнат қилди.

Республика етакчи олимлари, конструкторлар ва ишлаб чиқариш илғорлари билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилиш А.Ҳожиёвга пахтачиликни механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларининг энг долзарб йўналишларини танлашда ёрдам берди.

У билан ҳамкорликда олиб борилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижасида 60 дан ортиқ технологиялар, машиналар, уларга мослама ва ишчи аъзолар конструкциялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. 650 дан ортиқ ихтироларга муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олинди, 67 та техника воситасига агротехник талаблар тайёрланди.

Академик А.Ҳожиёвнинг назарий ва амалий тадқиқотлари натижалари модернизациялашган ЧКУ-4А чизель-культиваторида, БДТ-3,0 диски бороналар учун ПВУ-3,0 мосламаси ва ГРХ-2-50 чуқурюмшатгич мосламаларда ўз аксини топди. Мавжуд пахта культиваторининг ўғит солиш аппаратлари ва ўғит сошниклари А.Ҳожиёв асослаб берган параметрлар асосида кўплаб ишлаб чиқилмоқда. Янги ишчи аъзолар ва аппаратлар билан жиҳозланган, модернизациялашган чизель-культиваторлар республикамиз далаларида кенг қўлланилмоқда.

Тукли чигитларни аниқ меъёрларда екиш мақсадида озиқлантирувчи-ҳимояловчи қобиқ билан қоплаш учун такомиллаштирилган технологик тизим ва техника воситалари комплексини яратиш устида олиб борилган тадқиқотлар туркуми алоҳида ўрин тутди. Техника воситасида тайёрланган қобиқли уруғлик чигитлар турли тупроқ-иклим шароитларида, синовдан ўтди ва деҳқон-фермерлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Ёш авлодни қишлоқ хўжалиги соҳасининг етук мутахассислари қилиб тарбиялашни эзгу мақсад қилган олим 26 нафар фан номзоди ва бир қанча фан докторларининг устозидир. У шогирдлари билан биргаликда 332 та илмий мақола, 4 та монография, 53 та ихтирога муаллифлик қилди.

Оддий талабаликдан бошланган эътиқоди уни Ўзбекистонга танитди, устозга, отахон академик олимга айланганди. Фақат Ўзбекистон эмас, хориж мамлакатларида ҳам унинг улкан илмий салоҳияти қадр топди, қишлоқ хўжалигига қўшган салмоқли ҳиссаси, пахта етиштириш, тупроққа маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш жараёнларини механизациялаш соҳасидаги янги технологияларни ишлаб чиқиш бўйича ноёб тадқиқотлари, ил-



мий ва амалий ишланмаларни тарғиб қилиш ва жорий этишдаги ўзига хос фидокорлиги билан танилди.

80 дан ошса-да эл хизматида бўлиб келаётган отахон олимиз бугунги кунда ҳам ёшлар тарбияси, илму салоҳиятини ошириш йўлида иш олиб бораркан, қатор илм даргоҳларида зиёлилар ва талабалар билан учрашувлар ўтказмоқда. Жумладан, И.Каримов номи Тошкент Давлат техника университети ҳамда Олмазор туманидаги Политехника касб-хунар коллежи талабалари билан ўтказилган учрашувларда ўзининг ҳаёти ва илм йўлларининг заҳмати, устозлар сиймосининг ёруғ излари ҳақида ҳикоя қилади.

Домла оилавий ҳаётидан ҳам мамнун яшайдилар. У билан турмуш юкини бирга тортаётган Сайёра опа Ҳожиёва шифокорлик касбида меҳнат қилдилар, ҳозирги кунда нафақада. Уларнинг 4 нафар фарзанди олий маълумотли, уйли-жойли, ўз севган касбининг эгаси бўлиб, халқ хизматидалар. Келинлар, 12 нафар невар ва 3 нафар эваранинг ҳар бири бир дунё бўлиб, атрофларида парвона.

Ўз табиатидек сокингина кўринган забардаст олимда катта ҳаётий тажриба, уммон қадар илм мужассам. Ҳар кундан бир олам мўъжиза кутгувчи, техникани жон дилидан севиб тинмай изланган, ёшлардан, шогирдларидан меҳру муҳаббати ва илму амалини аямаган кўнгли тоғдай юксак инсонлар барчамиз учун ибрат мактабидир.

Ш.ЖАББОРОВА,
ўз мухбиримиз.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИНИ ЎРГАТГАН УСТОЗ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар босиб ўтган ибратли умр йўллари, самимий маслаҳат ва ўғитлари билан ҳамкасблари ҳамда шогирдларига ўрнак бўлиб, уларни келажак сари собитқадам интилиб яшашга чорлайди. Техника фанлари доктори, профессор Маҳмуд Исмоилов ана шундай раҳбар ва устозлардан бири эди.



Илмда — иқтидорли олим, таълимда — моҳир мураббий, жамоада — истеъдодли раҳбар М.Исмоилов бутун борлигини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва олий таълим тизими ривожига бағишлади. Ўзининг Тошкент ирригация ва мелиорация институтидаги 45 йиллик меҳнат фаолияти давомида ёшларга намуна, ҳамкасбларига ўрнак бўлди. 1970 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтини (ҳозирги ТИМИ) тугатгандан сўнг, мазкур илм даргоҳида ассистентликдан иш бошлаб, катта ўқитувчи, декан муовини, декан, ўқув ишлари ҳамда молия-иқтисодий ишлари бўйича проректор лавозимларида самарали меҳнат қилди.

У нафақат моҳир ташкилотчи ва педагог, балки камтарин, талабчан, қатъиятли, сўзи билан иши бир олижаноб инсон бўлиб, катта жамоада ўзига яраша обрў қозонди. Институтда ўзининг юксак фазилатлари, яъни самимияти, меҳнатқашлиги, тинимсиз изланувчанлиги, билимдонлиги билан педагог ва раҳбар сифатида танилди. Бу орада фаол илмий изланишлар олиб бориб, 1977 йилда номзодлик, 1997 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишга эришди.

Бирга ўқиган, ишлаган, таълимини олган ва мулоқотда бўлган инсонлар борки, уларнинг барчаси уни юксак маънавиятли комил инсон, чуқур илм соҳиби, талабчан раҳбар ва меҳрибон устоз, сифатида эслашади.

У киши ўзининг тинимсиз меҳнати, изланишлари орқали шу даражаларга етиб келганлигини таъкидлаб, инсон ўз меҳнати орқали халқнинг эътиборига тушиши ҳамда юксак муваффақиятларга эришиши мумкинлигини барчамизга бот-бот эслаб турарди.

Унинг кўп йиллик тадқиқот ва изланишлари маҳсули бўлмиш фан ва таълимнинг назарий-амалий муаммолари хусусидаги 100 га яқин илмий-ижодий ишлари, жумладан,

илмий мақолалари, ихтиролари, услубий тавсиялари, монография ва дарсликлари соҳа мутахассисларига яхши маълум. Бугунги кунда ҳам улардан илмий-педагогик жамоалар, талабалар муҳим манбаа сифатида фойдаланиб келишмоқда.

Педагогик энг шарафли ва маъсулиятли касблардандир. Бу касбга муносиб бўлишга эришиш ҳар бир инсондан ўта билимли, бағри кенг, ахлоқ-одоб, кийиниш ва нутқ маданиятида атрофдагиларга ўрнак бўлишни тақозо этади. Устозимизда ана шу фазилатларнинг барчаси мужассам эди.

Узоқ ва яқиндан келган талабалар у кишини ўзларининг оталаридек ҳурмат қиларди, десак муболаға бўлмайди. Чунки устоз ҳар бир талабанинг кўнглига йўл топа олар ва оғирини енгил қилишда юракдан ёндашарди.

Талабаларнинг фанларни турлича ўзлаштиришини, шундай бўлса-да уларни ҳаётга тайёрлаш ва уларга нисбатан ҳурмат билан муомалада бўлиш кераклигини биз у кишидан ўрганганмиз. Деканлик пайтларида у барча талабаларнинг суянадиган одами бўлган, чунки талабаларнинг асосий қисми республикамиз вилоятларидан келган ва ота-оналаридан йироқда бўлганлиги учун уларга эътибор билан муомала қилган. М.Исмоиловнинг: “Талабалар раҳбардан тортинмасдан ўз муаммоларига ижобий ечим топсинлар, шунда раҳбар уларни бошқара олади ҳамда ҳурмат ва эътиборга эга бўлади”, деган сўзлари ҳамон ёдимизда. Бу борада устозимизнинг ўғитлари бизлар учун бир умрлик дастуруламал десак, хато бўлмайди.

Маслаҳат сўраб келган илм истовчилардан у доно маслаҳати, бегараз ёрдами зинҳор аямаган. Унинг минглаб шогирдлари нафақат юртимизда, балки дунёнинг турли мамлакатларида фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик

ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришганлиги учун М.Исмоилов “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Инсон дунёга келар экан, ҳаётда ўз ўрнини топишга, ўзидан қавобли ишлар қолдиришга ҳаракат қилади. Зеро, ҳар бир кишининг иқтидори, ақли, салоҳияти ва барча ҳаракатлари меваси бу унинг қилган ишларида кўринади. М.Исмоилов саҳий ва кўнгли дарё, кенг мушоҳадали, фидойи инсон эди. Ундаги ғайрат ва ишчанлик беихтиёр атрофдагиларга ҳам ўтарди.

Яхшилар ёди бизни руҳан бойи тади, эзгуликка ундайди, қалбимизни поклайди. М.Исмоилов бор билим ва тажрибасини ҳеч кимдан аямаган, қалби пок, бағрикенг, камтарин инсон бўлиб, оиласига, дўсту биродарларига, шогирдларига меҳрибон эди.

Ҳаёт бўлганида шу кунларда устозимиз 70 ёшни қаршилаган бўларди...

М.Исмоилов яратган илмий мактаб, у қолдирган илмий мерос кўп йиллар давомида шогирдлар йўлини ёритиб туриши шубҳасиз. Унинг мақсади эл-юртга хизмат қилиш эди ва шу эътиқод билан яшаб, обрў-эътибор топди. Халққа хизмат қилиб, унинг дуосини олган одам Аллоҳнинг марҳаматига мушарраф бўлади. Уйлаймизки, ҳаёт сабоқларини ўргатган устозимиз шундай марҳаматга эришдилар.

Ўқтам УМУРЗАҚОВ,
и.ф.д.,

Ҳаким МУРАТОВ,
т.ф.д.,

Абдусайд ИСОҚОВ,
т.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабон журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Тўлқин САФАРОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Яшин ХИДИРОВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№6. Июнь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Инновация — тараққиёт омили	1
К.ЭРГАШЕВ. Гайрат голиблик келтирди	2
Р.КЎЗИЕВ. Икки сана — ягона муаммо	3
М.ТОШБОЛТАЕВ, К.АСТАНАҚУЛОВ. Фалла ўрими — масъулиятли тадбир	4
Июнь ойида ғўзани парваришlash агротехникаси	6
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, М.ИСРОИЛОВ, С.ШОДИЕВ. Боғ ва тоқзорларда ёзги долзарб юмушлар	7
М.ЯКУБОВ, Г.КАРАХОДЖАЕВА, Ҳ.БОБОЕВА. Интенсив боғлар парвариши	9
Такрорий сабзавотлар экиш	10
Р.ХАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Картошкани ёзги, кечки муддатда етиштириш	12
Н.ХАЛИЛОВ, М.ЛУКОВ, А.ИСРОИЛОВ, З.Артиков. Соянинг янги навлари агротехникаси	13
Б.ТЎХТАЕВ, А.МАХМУДОВ. Заъфарон — шафран: тажрибадан амалиётга	15
Н.ХУШМАТОВ, У.САДУЛЛАЕВ. Томорқага қандай экин эккан маъқул?	17
Томда иссиқхона, наҳотки?	18
Б.АЗИМОВ. Жамбил	18
Ф.МИРЗАЕВ. Фаровонлик таянчи	19
Я.ХУСАНОВ. Янги тезкор тўловнинг афзалликлари	20
Маржумакни такрорий экин сифатида етиштириш	21
Уй шароитида асалари боқиш	21
Бедана — кичик, даромади — катта	22
Паррандаларни касалликлардан ҳимоя қилиш	23
Х.КАРИМОВ. Тадбиркорлар салоҳияти	24
Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Тўрт қитъанинг сара мевалари	25
К.ЭРГАШЕВ. Мингбулоқнинг уста деҳқони... ..	27
Ёш фермерлар — келажагимиз	28
Сирдарёнинг оқ момиқлари	29
С.ХАЙРУЛЛАЕВ. Изланишдан имкон ортмоқда	30
Ш.СОДИҚОВА. Зийнатли боғлар соҳиби	31
Буюк ипак йўлларига уланган излар	32
Журэнлик фидойи фермер	33
И.ЭГАМОВ, М.МЕЛИБОЕВ, М.ҚОДИРОВА. Тритикале нав ва намуналарини биометрик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ва танлаш ..	35
Қ.ДАВРОНОВ. Ўсимликни баргидан озиклантириш — ҳосилни кўпайтириш имкони	36
И.АМОНТУРДИЕВ. Эртаги картошка илдиз тизимида суғориш ва ўғитлашнинг таъсири	37
А.АЗИЗОВ, М.МИРСУЛТОНОВ. Инновационные технологии при сушке сельскохозяйственных продуктов	38
Р.КУРБАНОВ, С.КИМ. Особенности применения кормов в аквакультуре	39
К.УСМОНОВ, Ш.ИМОМОВ. Биогаз чиқиндиси органик ўғитдир	40
И.ТЎЛАНОВ, Ҳ.СОЛИЕВ. Юқори маневрли чопиқ трактори билан агрегатланган универсал рамали 8 қаторли культиватор	41
А.ТУЙЧИЕВ. Иқтисодиётда риэлторлик ташкilotларнинг ўрни ва уларни аудитдан ўтказиш	42
М.КАЛОНОВ. Анализ современных методов управления затратами	43
Д.МУСУРМОНОВ, А.ХАКИМОВ. Юмшоқ буғдойнинг занг касалликларига чидамли бошланғич манбалари	44
Касбдошларимиз ижодидан	45
Ш.ЖАББОРОВА. Деҳқондан чиққан академик	46
Ў.УМУРЗАҚОВ, Ҳ.МУРАТОВ, А.ИСОҚОВ. Ҳаёт сабоқларини ўргатган устоз	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 97 440 47 58,
+998 90 932 79 44.

www.qxjournal.uz

E-mail: qxjournal@qsxv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил
25 май. Босишга рухсат этилди:
2017 йил 26 май. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №135 Нусхаси 4800 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА